*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримовнинг*

„ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ИНСОН ОМИЛИ — БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР“ РИСОЛАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

# ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент — 2012

66.3(5У)
Ў-32

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг

# „ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ИНСОН ОМИЛИ — БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР“ РИСОЛАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2012

BUXORO YUQORI TEXNOLOGIYALAR MUHANDISLIK-TEXNIKA INSTITUTI
ARM
У-5454

УДК:323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)
Ў32

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Б.Т.ТЎЙЧИЕВ — фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қ.Қ. ҚУРАНБОЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир" рисоласи (2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюси)да мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётига доир ўта муҳим ғоя ҳамда хулосалар илгари сурилди. Уларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, халқимиз, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурига сингдириш жамиятимизда тинчлик-барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, бугунги мураккаб дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, халқимиз эришаётган улкан ютуқ-марралар моҳиятини теран англаш, эркин ва озод ҳаётимизни қадрлаш, муқаддас Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фидойилик билан яшашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ушбу қўлланма қайд этилган ўта долзарб фикр ва ғояларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган таҳлилий материаллар, назарий-методик ишланма ва тавсияларни ўз ичига олган. У, аввало, таълим муассасаларида янги — 2012—2013 ўқув йили бошида ўтиладиган „Мустақиллик дарслари" учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчи ва талаба ёшларнинг сиёсий-ижтимоий, фалсафий билимларини чуқурлаштиришга қаратилган.

*Мазкур ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил 24 июлдаги 3- сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-02-506-6 „O'qituvchi" НМИУ, 2012.

# СЎЗ БОШИ

Она юртимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллик қутлуғ санаси муносабати билан тарихан қисқа даврда барча соҳа ва тармоқларда эришилган, халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирган улкан ютуқ ва натижаларимизни, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганини, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини теран таҳлилдан ўтказган ҳолда чуқур англаш, кенг тарғиб этиш долзарб вазифага айланмоқда.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган улкан ишлар туфайли юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб бораётгани, Ўзбекистон ўзининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, изчиллик билан ҳаётга жорий этилаётган кенг қамровли ижтимоий дастурлари билан жаҳон миқёсида юксак эътибор ва эътирофга сазовор бўлаётгани ҳаммамизга, авваламбор, шу заминда униб-ўсиб келаётган ёшларга хурсандчилик ва эртанги кунга ишонч бағишламоқда. Энг муҳими, ана шундай ўзгаришлар натижасида юртдошларимизнинг дунёқараши, маънавий олами, ҳаётга, меҳнатга муносабати кескин ўзгариб бормоқда.

Шу маънода, кечаги кунни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга холисона жавоб топишимиз қийин эмас.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида ўз олдига қўйган марраларга етиш, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида аввало, жуда тез ўзгариб бораётган бугунги замон билан ҳамнафас бўлиб, эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида доимо ўйлаб яшаш заруратини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англаш, халқимиз, аввало ёшларимизга етказишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг чиқишлари, кейинги вақтда қабул қилинган қарор ва фармонлари, хусусан, „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ (2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюси), ҳамда „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги Қарорини таълим тизимида ўқиб-ўрганиш, ҳеч шубҳасиз, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини ўстириш, уларнинг қалбида ўз юрти, ўз Ватанига нисбатан дахлдорлик, фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Маълумки, инсон ва халқ маънавиятининг узвий таркибий қисмларидан бири тарихий хотирадир. Тарихий хотира бор экан, халқ ўзининг буюк кечмиши, бетакрор маданий мероси, қадрият ва анъаналарини доимо ёдида сақлайди. Хотира аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси ҳамдир. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ҳамма соҳада тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, бой мероси, муборак хотирасини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришга



қаратилган кенг кўламлиислоҳотлар халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ана шундай улкан аҳамиятга молик ўзгаришлар ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартда қабул қилинган „9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида“ги Фармонини алоҳида тилга олиш ўринлидир. Айни ана шу тарихий ҳужжат асосида, мана, ўн тўрт йилдирки, мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Ватан, халқ, миллат келажагини ўйлаб яшаган, шу йўлда ҳатто азиз жонини фидо этган аждодларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш, эл-юрт учун хизмати сингган инсонларни қадрлаш, ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда бу байрамнинг аҳамияти беқиёсдир.

Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигида аждодлар хотирасига эҳтиром рамзи сифатида 1999 йили Тошкент шаҳрида „Хотира майдони“ меъморий мажмуаси барпо этилиб, у ердаги муҳташам айвонларда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган мард ва жасур юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Кейинчалик бундай майдонлар барча вилоят марказларида ҳам барпо этилди.

Бундай масканларни зиёрат қилар эканмиз, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган боболаримизнинг хотираси қалбларимизда доимо яшашига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз. Бугунги кунда орамизда ҳаёт кечираётган уруш қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама моддий-маънавий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 апрелдаги „Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида“ги Фармони мамлакатимизда Муҳтарам фахрийларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг шу йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросим чоғида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрлар баён этилдики, улар ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда олдимизда турган ғоят ўткир вазифаларни тушуниш ва англаш, уларни амалга оширишда ҳар томонлама тайёр бўлиш зарурятини ҳис этишда алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу интервью матни 2012 йил май ойида „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ деган ном билан китоб ҳолида чоп этилди. Ушбу китобда аввало иккита муҳим тушунча — тарихий хотира ва инсон омили ҳақида фикр юритилиб, ушбу рисолага айнан шундай ном берилганининг сабаблари изоҳланади:

„Мазкур рисоланинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ деб номланишида ўзига хос чуқур маъно бор.

**Тарихий хотира** — бу нафақат Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ота-боболаримизни эслаш, балки бугунги тинч ва осойишта ҳаёт, мусаффо осмон учун жон фидо қилган барча инсонларни ёд этиш, бизнинг ким эканимиз, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мероснинг ворислари эканимизни ҳеч қачон унутмасликка, ана шундай ўлмас қадриятлар, эзгу ғоялар учун курашиб яшашга чорлайдиган даъваткор кучдир.

**Инсон омили** — башарият тарихида, жумладан, Ватанимиз тарихида барча моддий ва маданий бойликларнинг бунёдкори, тараққиётнинг етакчи кучи бўлган онгли инсон, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг беқиёс яратувчилик салоҳияти демакдир.

Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўйган, не-не аждодларимиз асрлар давомида орзу қилиб ўтган улуғ мақсадларга етиш, юртимизда буюк давлат, озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, биз учун мустаҳкам суянч ва таянч бўладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш йўлида инсон омилининг ўрни ва таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир“[1].

---

[1] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 3—4-бетлар.

Китобда ана шу икки тушунча билан бевосита боғлиқ ҳолда, қуйидаги фикр ва ғояларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилади.

**Биринчидан,** халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани ҳамда ўтганлар хотирасини ёд этиб, эъзозлаб, эл-юртимиз учун ҳалол хизмат қилган фахрийларни қадрлаб яшаш халқимиз учун ҳамиша энг муқаддас фазилат бўлиб келган.

**Иккинчидан,** давлатимиз раҳбари ўз сўзида мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги, унинг илдизлари униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб муаммо бўлиб қолаётганлигига эътибор қаратди. Айниқса, „Агар дунёга, узоқ-яқин ҳудудларга қарайдиган бўлсак, қанча-қанча тўқнашувлар, қанча-қанча тортишувлар, қанча-қанча қуролли ҳаракатлар, керак бўлса, офатлар, қон тўкишлар ҳануз давом этаётганини кўрамиз... Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти“[1] деган фикрлар ўз юрти, оиласи, фарзандларининг бугунги тақдири ва келажагини ўйлаб яшайдиган ҳеч бир ватандошимизни бефарқ қолдирмайди.

**Учинчидан**, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ва англаш зарурлиги. Китобдаги „Бу дунёда ҳамма нарсага дахлдорлик туйғуси билан яшаш, қўшнининг, ёру дўстнинг дардини ўзига яқин олиш, уларга ўз вақтида елкадош бўлиш, ҳар қандай балонинг у бош кўтармасдан туриб олдини олиш, уни таг-томири билан йўқ қилиш, ўйлайманки, инсонга ярашадиган фазилат бўлади“[2] деган даъваткор сўзлар ҳар қайси онгли инсонни маънавий жиҳатдан уйғоқ бўлиб яшашга чақиради.

**Тўртинчидан**, тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

**Бешинчидан,** жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги катта дард ва изтироб билан баён этилди.

**Олтинчидан**, мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати тубдан ўзгаргани Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган натижаларнинг негизида турган асосий омиллардан бири эканига эътибор қаратилди.

**Еттинчидан,** ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамияти теран очиб берилди. Шунингдек, ёш авлоднинг аждодлар анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаши миллий ўзлигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти экани яна бир бор қайд этилди.

**Саккизинчидан,** юртимизда 2012 йилнинг „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилиниши инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани таъкидланади. Инсон манфаатини таъминлашга қаратилган бундай изчил сиёсат орқали мамлакатимизда халқ фаровонлиги таъминланмоқда, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланмоқда.

**Тўққизинчидан,** биз учун энг устувор масалалардан бири ёшлар тарбияси экани яна бир бор таъкидланди. Давлатимиз раҳбари уқтириб ўтганидек, ёшларимизни „Мана шу муқаддас тупроқ — меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки поклари ётибди. Агар шу мусаффо осмон, мана шу ёруғ ҳаёт учун, она-Ватаним учун мен курашмасам, мен жонимни фидо қилмасам, ким курашади“[3] деган эътиқод руҳида тарбиялаш беқиёс аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шу йўналишдаги фикр ва ғоялар Президентимизнинг 2012 йил 19 июнда имзолаган „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги Қарори ҳамда кейинги пайтдаги чиқишларида назарий ва амалий жиҳатдан янада бойитилди.

---

[1] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 11-бет.
[2] Ўша манба, 17-бет.
[3] Ўша манба, 33-бет.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёрқин воқеа бўлган ана шу ҳужжатларни синчиклаб ўрганар эканмиз, уларнинг замиридаги ёшларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб берадиган, иродасини мустаҳкам қиладиган ўткир фикр ва ғоялар, ибратли хулосалар асосида маънавий-маърифий тарбия ишларини янада кучайтириш бугунги кунда нақадар долзарб аҳамият касб этиб бораётганини чуқур англаймиз. Президентимизнинг чиқишларида такрор ва такрор ўртага ташланадиган „Биз ким эдигу ким бўлдик?“, „Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?“, „Бугунги ёруғ кунларга, эзгу мақсадларимизга эришиш учун нималар бизга мадад бўлди, нималар бизга замин бўлди?“, „Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз“ деган теран маъноли фикрларни юртимиз ёшлари ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳаётий қарашларини айнан шу асосда шакллантириш бўйича олдимизда ўта масъулиятли вазифалар турибди.

Бу борада, айниқса „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги Президент қарорида асослаб берилган **„Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!“** деган даъваткор шиор, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 15 июнь куни Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган **„Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистон замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажак бизники бўлади“**, деган чуқур ҳаётий асосга эга бўлган фикрлар маънавий-маърифий тарбия ишларининг маъноси ва шаклини белгилашда муҳим илмий-услубий омил бўлиб хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида юқорида зикр этилган рисола, қарор ва чиқишларда илгари сурилган ҳар бир фикр ва қарашни таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар, барча ёшларимиз онгига таъсирчан тарзда ҳамда ҳаётий мисоллар асосида сингдириш йўлларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг бир гуруҳ ўқитувчи ва профессорлари томонидан Президентимизнинг 2012 йил 9 майдаги интервьюси — „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласини ўқиб-ўрганиш бўйича илмий-методик тавсиялар тайёрланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ йигирма бир йиллик байрами тантаналари давом этадиган шукуҳли кунларда, янги — 2012—2013 ўқув йилининг бошланишида ўтиладиган „Мустақиллик дарслари“ учун мўлжалланган ушбу тавсияларда, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласининг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган энг муҳим фикр ва ғоялар, уларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилади. Ана шу дарсларда мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиб, ўтган давр мобайнида бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг моҳияти ва аҳамиятини аниқ мисоллар асосида ўқувчи ҳамда талабалар онгига етказиш тавсия этилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган таълим соҳасидаги умуммиллий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида юртимизда нақадар улкан ишлар амалга оширилгани, жумладан, қарийб 9,5 минг мактабнинг деярли барчасида қурилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилгани, 1500 дан ортиқ янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-укуналари билан таъминлангани, 1997 йилдан буён мактабга илк бор қадам қўяётган болалар учун Президент совғалари бериб келинаётгани мисолида баркамол авлод ҳақида ғамхўрлик давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш тавсия этилади. Шунингдек, кейинги йилларда юртимизда 1500 та болалар спорти объекти, 175 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилгани, таълим тизимида „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“ ва „Универсиада“ спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳақида

ҳам сўз юритиб, ҳар қайси ўқувчи ва талабанинг бундай қулайликлардан қандай баҳраманд бўлаётгани хусусида уларнинг ўз фикри, муносабатини билдиришга имкон бериш, шу асосда улар билан жонли мулоқотлар қилиш „Мустақиллик дарслари“нинг муҳим таркибий қисмини ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, бундай ўта жиддий ва масъулиятли мавзуни битта қўлланма доирасида қамраб олиш ҳамда атрофлича ёритиш нақадар қийин, мураккаб вазифа экани ўз-ўзидан аён. Шунинг учун мазкур тўплам шу йўлдаги дастлабки тажриба сифатида чоп этилмоқда.

Ўйлаймизки, мамлакатимиз илмий ва маданий жамоатчилиги, олимлар, мутахассислар, зиёлилар ушбу рисола ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирадилар. Бунинг учун уларнинг барчасига олдиндан самимий миннатдорчилик билдирамиз.

# ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ, ИНСОННИ ҲАЁТЛИК ДАВРИДА ҚАДРЛАШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Хотира муқаддас. Президентимиз Ислом Каримов бундан 22 йил муқаддам (1990 йил 5 июнда) собиқ ҳукмрон тузумнинг катта минбаридан туриб сўзлаган „Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан" мавзусидаги маърузасида тарихга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва анъаналарни авайлаб-асраш каби ўта муҳим масалаларни дадиллик билан ўртага қўйиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: „Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими?... Биз, ҳақиқатан ҳам, улардан қарздормиз. Чунки улар бардош берган кўпдан-кўп қийинчиликлар уларга берилаётган нафақалар билан қопланмайди... Бундан буён ҳам уларга ёрдам беришга ҳаракат қилаверамиз"[1].



Давлатимиз раҳбари 2012 йил 9 май куни пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросим чоғида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бундан 22 йил бурун таъкидлаган ана шу фикрларга ҳамоҳанг тарзда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосланган таъриф берди: „Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир"[2].

Дарҳақиқат, шундай, тарихий хотирага эга бўлган инсон ҳеч қачон бегам, бефарқ бўлмайди. Тарихий хотира инсонни ғафлат ботқоғига ботишдан сақлайди. Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон бўлади.

Ҳар бир киши ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатиб, иродасини мустаҳкамлайди[3].

Ҳар бир инсон айнан тарихий хотира орқали ўз тарихини билади, ундан сабоқ олади. Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш ҳам тарихий хотира туйғуси орқали амалга ошади. Айниқса, ҳаққоний тарих инсон иродасини тоблайди, руҳини чиниқтиради.

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ўзининг узоқ ва бетакрор тарихига эга. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи бой ва қадимийдир. Энг олис замонларда Турон, Туркистон деган номлар билан шуҳрат қозонган она-Ватанимиз турли тарихий ёзма ва археологик манбаларга кўра, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қатори дунё тарихида ўчмас из қолдирган. Юртимиз ҳудуди турли цивилизациялар туташган энг

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон", 2011. 165, 217—218-бетлар.

[2] „Халқ сўзи". 2012 йил 15 май.

[3] *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: „Шарқ", 1998. — 9-б.

қайноқ чорраҳалардан бири сифатида бутун инсоният тарихи, умумбашарий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланишига гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсир ўтказиб турган.



Биз миллий тарихимизнинг шонли саҳифаларига назар ташлар эканмиз, буюк боболаримиз — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига нақадар тенгсиз ҳисса қўшганларини билиб оламиз. Шу маънода, тарих биз учун чексиз ғурур-ифтихор манбаидир.

Агар сўнгги уч минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизга, унинг бебаҳо бойликларига, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, шаъну ғururига турли босқинчи кучлар ҳукмронлик қилишга интилгани, уларга қарши аждодларимизнинг тинимсиз курашиб, озодликни қўлдан бермаганини кўрамиз. Ҳеч шубҳасиз, ўша курашлар ҳам истиқлол ва мустақиллик курашлари эди.

„Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, мана шу урушнинг асоратлари, авваламбор, эл-юртимиз кўксидаги айрилиқ яраси ҳеч қачон битмайди, унутилмайди“[1], деб таъкидлади Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида.

Биз келажак ҳақида ўйлар эканмиз, узоқ, олис замонлардаги воқеалардан бохабар бўлиб, зарур хулосалар чиқаришимиз, бизнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун жон фидо этган буюк аждодларимизнинг жасоратини ўзимиз, фарзандларимиз учун ибрат намунаси деб билиб, уларнинг муносиб ворислари бўлиб яшашимиз зарур.

**Қадимда юртимиз озодлиги учун курашган аждодларимиз.** Ватан остонадан, инсон яшаб, нафас олиб турган гўшадан, унинг киндик қони тўкилган тупроқдан бошланади. Шу боис, инсон илк бор нафас олиб, улғайиб вояга етган она заминга меҳр-муҳаббат ва садоқат билан яшаши, унинг ҳар қарич ерини кўзига тўтиё қилиши, унга нисбатан бир умр қарздорлик ҳисси билан яшаши ҳам фарз, ҳам қарздир.

Тарих — бу халқ хотирасидир. Хотирасиз киши баркамол бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, ўтмиш бугунни яратади. Тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш, аввало, жамиятнинг ўз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатини ислоҳ қилишдан бошланган. Ўтмишга мурожаат қилишдан аввал унга бўлган муносабатни тўғри ва ҳаққоний белгилаб олиш керак. Бусиз тарихни холисона яратиш ҳам, ўрганиш ҳам мумкин эмас.

Ватанимиз мустақиллиги йўлидаги курашлар тарихи ҳақида сўз кетар экан, бу йўлда ўз юртининг озодлиги ва халқининг бахт-саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жонини қурбон қилган аждодларимизнинг муқаддас номларини ғурур билан тилга оламиз. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Амир Темур каби аждодларимизнинг жасорати келгуси авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолади.

Оллоҳ назари тушган юртимиз замини, унинг бебаҳо бойликлари қадим-қадимдан ўзгалар эътиборини тортиб келган. Дастлаб, милоддан аввалги VI аср ўрталарида юртимизга аҳоманийлар бошчилигидаги Эрон қўшини бостириб келади.

[1] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 7-бетлар.

Кейинроқ ана шу сулоланинг вакили — Кир Иккинчи массагетлар ҳудудига милоддан аввалги 530 йилда 200 000 кишилик қўшини билан таҳдид солади. Бу пайтда умр йўлдоши вафот этган малика **Тўмарис** (айрим манбаларда Томир хотин деган тахминлар ҳам билдирилмоқда[1]) массагетлар подшоси эди. Тўмариснинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган, фақат унинг жасорати ҳақидаги ривоятлар етиб келган. Тўмарис Кир Иккинчини мағлуб этиб, унинг бош чаноғини қон билан тўлдирилган мешга солади. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, қадимда туронликлар, хусусан, массагетлар қуёшга, ерга сиғинишган. Улар ўз ватанларини қуёш каби муқаддас деб билганлар. Тўмарис барча туронликларнинг жасоратли онаси, озод Ватанга садоқат тимсоли бўлиб қолди.

Яна бир ахоманий ҳукмдор — Доро Биринчи даврида Эрон қўшини тағин Турон кенгликлари сари юриш бошлайди. Ўшанда Турон ўлкасининг содиқ фарзандлари бўлган сак (шак) қабиласи баҳодирлари уларга қарши мардона курашади. Бунинг тасдиғини биз Беҳустун тоғи қояларидаги ёзувларда кўрамиз. Ушбу ёзувларда Доро Биринчи сакларни қувиб Орол соҳилларигача боргани, саклар ҳукмдори аср олингани, Скунха исмли лашкарбошини сакларнинг ўзи Доро Биринчига топширгани қайд этилади.

Дорога қарши сакларнинг қанчалик жасорат билан кураш олиб боргани ҳақидаги жангнома ривоят ҳам бизгача етиб келган. Бу ривоятни юнон тарихчиси Полиэн „Ҳарбий ҳийлалар“ асарида келтирган.

Ривоятда сак қабиласидан чиққан отбоқар Широқнинг буюк жасорати, тадбиркорлик, ватанпарварлик фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Широқ ҳарбий ҳийла билан Доро қўшинларини чалғитиб, Қизилқум саҳроси сари бошлаб боради. Сувсизлик ва очликдан дармони қуриган ғаним лашкарлари ҳалокатга учрайди. Эл-юрт босқинчилик азобидан сақлаб қолинади. Широқнинг ўзи душман қўлида ҳалок бўлса-да, маънавий жиҳатдан қудратли ёв устидан ғалаба қозонади. Халқининг озодлиги, Ватани мустақиллиги учун қурбон бўлишни шараф деб билади. Юнон тарихчиси Полиэн асарида бундай буюк жасорат улуғланади, унда Широқ номи Сийрак деб ишлатилади.

Юртимизда ҳали Эрон ахоманийлари ҳукмронлиги тугамасидан туриб яна бир босқинчилик — Александр Македонский бошчилигида юнон-македон лашкарининг юришлари бошланади.

Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) отаси Филипп Иккинчи ўлдирилгач, милоддан аввалги 334- йилда Сурия, Шом юрти, Финикия, Миср, Эрон, Турон ва Ҳиндистон каби қадимий ўлкаларни эгаллаб, буюк салтанат барпо этади. У милоддан аввалги 329- йилнинг баҳорида Ҳиндукуш тоғидан ошиб, Марказий Осиё ҳудудларига бостириб киради. Аммо Александр Македонский Туронни осонликча қўлга киритолмайди.

Бақтрияликлар, суғдиёналиклар уч йил давомида душманга қарши кураш олиб борадилар.

Александр Македонскийга қарши курашган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганда, одатда Спитамен номи кўпроқ тилга олинади. Ваҳоланки, юрт мустақиллиги учун жон берган қаҳрамонлар, йўлбошчилар бир талай бўлган. Масалан, Арриаённинг тасдиқлашича, Бақтрия шимолидаги Паратикан (Бойсунтоғ, Кўҳитангтог даралари) Спитамен қўзголони бостирилганидан кейин ҳам тинчимаган. Бу ерда иккита қаҳрамон — Катан ва Австан бошчилигида қўзголон кўтарилган. Улар билан юнонлар ўртасидаги жанг шафқатсиз бўлган. Йўлбошчи қаҳрамонларнинг бири ҳалок бўлади. Иккинчиси эса асир олиниб, Александр ҳузурига жўнатилади. Мазкур воқеа милоддан аввалги 327- йилда рўй берган.

Аждодларимиз милодий VIII асрда араб халифалиги босқинига ҳам қарши туриб, мардона курашганлар. Ватан тупроғининг бирор қарич ери ҳам жангсиз, курашсиз босқинчиларга берилмаган.

720—722- йилларда арабларга қарши дастлаб Суғдиёнада қўзғолон кўтарилган. Бу қўзғолонга Самарқанд ҳокими Ғўрак бошчилик қилган. 725—729- йилларда араб халифалигининг солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро ва Хутталиёнда қўзғолонлар бўлиб ўтади. Самарқандда бошланган бу қўзғолонда етти минг киши қатнашган. Қўзғолон кенгайиб, Бухорога тарқалган.

---

[1] „Тафаккур“ журнали, 2012 йил, 2-сон, 70—75-бетлар.

Айниқса, 728- йил араблар учун жуда оғир бўлгани тарихий манбаларда алоҳида қайд этилади. Қўзғолончилар уларни жуда кўплаб ҳудудлардан ҳайдаб чиқарганлар. Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлигига қарши кўтарилган ва босқинчиларга катта талафот кўрсатган қўзғолон 776-йилда бошланган **Муқанна** қўзғолонидир. Муқанна ақлли ва уқимишли бўлган. Муқанна Абу Муслим (750—755) қўшинда кичик лашкарбоши эди. Абдулжаббор Аздий даврида (757—759) эса у вазирлик даражасигача кўтарилади.



Муқанна бошчилигидаги қўзғолон қатнашчиларнинг либосларига қараб, тарихга „Оқ кийимлилар қўзғолони" номи билан ҳам кирган. „Оқ кийимлилар" ҳаракати Зарафшон воҳасига ҳам ёйилади. Самарқанд билан Бухоро ҳам қўзғолон марказларига айланади. Ҳатто бухорхудот Буниёт ибн Тоғшода ҳам Муқанна бошчилигидаги қўзғолончи ватанпарварлар томонига ўтади. Тез орада Илоқ (Оҳангарон) водийси, Шош, Фарғона ҳам қўзғолончиларни ёқлаб чиқади. Турк хоқони ҳам ўз оғаси Кил бошчилигида Муқанна қўзғолонига хайрихоҳ бўлиб қўшин юборади. Хуллас, „Оқ кийимлилар қўзғолони"нинг довруғи Хуросонгача бориб етади ва аббосий ҳукмдорларни ваҳимага солади. Қўзғолончилар ҳужумни жанубга томон давом эттирадилар ва Термиз яқинида қўшимча ёрдамга келаётган араб қўшинларига кутилмаганда ҳужум қилиб, уларни тор-мор этадилар. Натижада Нақшаб ва Чағониён водийлари батамом қўзғолончилар томонига ўтади. Қўзғолон марказларидан яна бир ҳудуд Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар эди. Муқанна тарафдорлари бу ерда ҳам жуда катта муваффақиятга эришадилар.

Аждодларимизнинг матонатли ва қаҳрамонона курашлари мўғуллар истилоси даврида ҳам тинимсиз давом этади. Бу ҳақда сўз борганда, аввало жасур аждодларимиз — Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур каби буюк зотларнинг мангуликка дахлдор ватанпарварлик фаолиятини хотирлаш ўринлидир.

Хўжанд шаҳрига эндигина ҳоким этиб тайинланган жасур саркарда Темур Малик биринчилар қаторида мўғулларнинг 70 минг кишилик лашкарига қарши азму шижоат билан майдонга чиқади. Моҳир саркардалик қобилиятига эга бўлган Темур Малик кучлар нисбатидаги катта фарқни яхши тушуниб, 70 та қайиқ тайёрлатади. Қайиқлари билан кўп қурбонлар бериб, дарё оқими бўйлаб минг машаққат билан Урганчга етиб келади. Хўжанд ҳам душман томонидан эгалланади.

Темур Малик Хоразмда урушга қурби етадиган каттагина қўшин тўплаб, мўғулларга қарши кураш олиб боради. Ҳатто Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгикент шаҳрини мўғуллардан тортиб олишга ҳам эришади. Лекин, Темур Малик билан Хоразмшоҳ лашкарбошилари ўртасида бирлик йўқ эди. Шу сабабли Темур Малик кейинчалик Жалолиддин Мангуберди билан бирлашади.

Мўғуллар Урганчга бостириб кирганида Урганч аҳолиси бундай оғир ва танг дамларда ҳам душманга қарши шиддатли жангларни давом эттиради.

Урганч шаҳрида кечган кўча жангларида буюк аллома, шайх Нажмиддин Кубро номи билан шуҳрат топган 76 ёшли Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб ўз дўсту шогирдлари, тарафдорлари билан фаол иштирок этади. Нажмиддин Кубронинг илтижо билан „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим", деб айтган хитоби минг-минглаб инсонлар қалбида акс садо топиб, ҳар бир маҳалла, кўча, гузару раста, масжиду мадраса ва ҳар бир хонадон буюк жанггоҳга айланади. Мудофаачилар қадрдон шаҳарнинг ҳар карич ерини мардона ҳимоя қилиб, ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатадилар.

Узоқ давом этган кўча жангларида минглаб мўғул аскарлари ўлдирилади. Мўғуллар шу пайтга қадар Мовароуннаҳрнинг ҳеч бир шаҳрида бунчалик қурбон бермаган эди.

Ҳатто Чингизхон Нажмиддин Куброга аҳли аёнлари, ёру дўстлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб, жон сақлашни таклиф этган. Аммо буюк аждодимиз: „Кўп йиллардан бери бу вилоят аҳли ҳимоясида хотиржамлик билан умр ўтказган бўлсагу, энди... бу халқдан ажралишни ихтиёр қилсак“, деган жавоб билан Чингизхоннинг таклифини рад этади. Оқибатда сон жиҳатидан тенг бўлмаган душман билан олиб борилган шиддатли жангда оғир яраланган Нажмиддин Кубро ўлим олдида байроқ тутган мўғул сарбозига ташланиб, унинг парчимини жон-жаҳди билан тутган ҳолда қаҳрамонларча жон берди.

Юрт фарзанди, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди жасорати ҳам абадиятга дахлдордир. У 10 йилдан зиёд вақт давомида мўғул босқинчиларига қарши озодлик курашига бошчилик қилди, душманга қаттиқ зарбалар берди.

Жалолиддин Мангуберди хоразмшоҳлар салтанатини қайта тиклаш ва унинг кушандаси бўлмиш мўғул босқинчиларига қарши кураш йўлида фаол ҳаракат қилди. Лекин, минг афсуски, бу ишни охирига етказолмади. Ўша давр феодал жамиятига хос бўлган зиддиятлар, ички ва ташқи сиёсатдаги кўпгина хатолар унинг мақсадлари амалга ошишига тўсқинлик қилди.

Жалолиддин юрт озодлиги йўлида жон фидо этди, мўғул ҳукмдорларига таҳлика солиб, уларга қарши тура олди. Унинг номи тарих зарварақларида жасур саркарда сифатида ҳамиша қайд этилиши унинг матонатига берилган юксак баҳодир.

Жалолиддиннинг эл-улус, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги фидойилиги, мислсиз жасорати авлодлар хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Бунёдкорлик руҳи билан яшаётган мустақил Ўзбекистонда улуғ аждодларимиз руҳининг эъзозланаётгани, жумладан, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланиб, Урганч шаҳри марказида унинг муаззам ҳайкали барпо этилгани, унинг номидаги орден таъсис этилгани халқимизнинг бу жасур фарзандига бўлган юксак эҳтироминининг амалий ифодасидир.

**Буюк ва беназир алломалар.** Тарихимиз ва шу тарихни яратган аждодларимиз ҳақида гап кетганда, IX—XII ва XIV—XV асрларда ҳар жиҳатдан юксакликка кўтарилиб, икки марта маърифий уйғониш даврига асос солган аждодларимиз ва уларнинг жаҳон илму фани ва маданияти хазинасига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳамда Ватан ва халқ учун қилган хизматларини эслаш, уларни хотирлаш — бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

IX—XII аср уйғониш даврида юртимиздан кўплаб буюк зотлар етишиб чиқди. Улар ўз илми ва истеъдоди билан халқимизни дунёга танитди. Ана шундай алломаларимиздан бири **Муҳаммад Мусо Хоразмийдир**. У Марвдаги мадрасада ўқиб, араб, форс, ҳинд ва юнон тилларини эгаллаган. Араб халифалиги тахтига Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун чиққач (813- йил), бу аллома Бағдодда ижод қилишни бошлайди ва у ерда ташкил этилган „Байт ул-ҳикма“ — Донишмандлар уйига раҳбарлардан бири этиб тайинланади. Бу ҳолатни бутун ислом дунёсидаги олимлар орасида юртимиздан чиққан алломанинг илми жиҳатдан устун эканининг тан олиниши, деб тушунмоқ лозим. Бу мумтоз аллома жугрофия, тарих ва айниқса, математика, геометрия, астрономия фанлари соҳасида улкан тадқиқотлар яратади. Хоразмий „Ал-Жабр вал-Муқобала“ асари билан математика тарихида биринчи бўлиб алгебра фанига асос солди.

Илм-фан соҳасида катта из қолдирган алломаларимиздан яна бири — **Аҳмад Фарғоний** (IX аср)дир. У ҳам Муҳаммад Хоразмийдек Бағдоддаги Маъмун академиясида ижод қилган. У ўзининг йирик асарларини ана шу марказда яратади. „Астрономия негизлари“ деб номланган асарида астрономияга оид барча маълумот ва билимларни тартибга келтиради. Бу асар Европада Николай Коперникка қадар астрономия фанидан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Аҳмад Фарғоний халифа Мутаваккил топшириғи билан Мисрдан оқиб ўтадиган Нил дарёсининг суви сатҳини ўлчаб турадиган қурилма — **нилометр** яратиб, аҳолини сув тошқинларидан асрашда катта хизмат қилади.

Уйғониш давридаги алломаларимиз қаторидан муносиб ўрин олган яна бир буюк зот — **Абу Наср Форобий** (873—950)дир. У яратган асарлар 160 дан ортиқ бўлиб, улар математика, тиббиёт, астрономия, кимё, мантиқ, мусиқашунослик, фалсафа соҳаларига бағишланган.

Унинг айниқса давлатчилик ва сиёсат соҳасидаги илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Форобий антик олимлар асарларининг бир қанчасига шарҳ ёзиб ўз номини янада улуғлади. Шу боисдан ҳам у Шарқда Аристотелдан кейин „ал-Муаллим ас-соний“ („Иккинчи муаллим“) деб тан олинди.

Уйғониш даврининг буюк қомусий олими, серқирра қобилият соҳиби **Абу Райҳон Беруний** (973—1048)дир. У ўзининг илмий ижоди ва кашфиётлари билан дунё илми хазинасига улкан ҳисса қўшган. Илм-фаннинг деярли барча соҳалари бўйича ижод қилиб, 150 га яқин асар яратган Беруний 21 ёшида глобус ясаб, Ернинг шар шаклида эканини исботлайди. У Христофор Колумбдан 460 йил муқаддам океан ортида қитъа (бугунги Америка) борлигини башорат қилган. Беруний Хоразм Маъмун академиясида самарали ижод қилган. 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий уни Ғазна шаҳрига олиб кетган. Сўнгра бир неча йиллар давомида Ҳиндистонда яшаб, 1030 йилда „Ҳиндистон“ асарини яратган.

IX—XII асрларда юртимиздан тиббиёт илми соҳасида ҳам қатор олимлар етишиб чиқиб, дунё илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Уларнинг энг ёрқин вакили **Абу Али ибн Сино** (980—1037)дир. У тиббиёт соҳасидан ташқари фалсафа, мантиқ, руҳшунослик, адабиётшунослик, шеърият, мусиқа, геология, минералогия, физика, математика, астрономия бўйича ҳам юзлаб асарлар ёзган. Қоҳиралик олим Шахота Канавотий ўз асарида Ибн Синонинг 276 та асари қўлёзмаси рўйхатини беради.

Бутун Шарқ тиббиёт илмининг шаклланиши ва ривожи Ибн Сино номи билан чамбарчас боғлиқдир. У кўп жилдлик „Тиб қонунлари“ асарида Мовароуннаҳрдаги амалий ва назарий тиббиёт натижаларини умумлаштиради, уларни бутун Шарқ оламидаги тиббиёт ютуқлари билан бойитиб, яхлит системага келтиради.

Ибн Сино 800 га яқин дорини синчиклаб ўрганиб чиққан ва улардан турли касалликларни даволашда фойдаланган. У ишлатган 396 хил ўсимликдан 165 таси ҳозирги замон тиббиётида қўлланмоқда.

Юқорида номлари ва хизматлари тилга олинган алломаларимиз билан бир даврда яна юзлаб буюк аждодларимиз ҳам илм-фан равнақига ҳисса қўшдиларки, уларнинг хизматларини бугун ҳам дунё аҳли тан олмоқда.

IX—XII асрларда Ўрта Осиёдан етишиб чиққан алломаларимиз ислом илми ва маданияти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшдилар. Улардан бири — **Имом Бухорий** (810—870) эди. Бу улуғ зот ислом илмига оид 20 га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзган. Унинг асарлари марказида диннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, ахлоқий поклиги, яхши-ёмонни бир-биридан ажрата олиш каби хислатларни улуғлаш туради.

Имом Бухорий „Китоб ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ“ („Ишончли ҳадислар тўплами“) асари билан ҳадисшуносликда энг юқори погонага кўтарилди. Ул зот ҳаёти давомида 600 минг ҳадис тўплаб, улардан 7275 тасини ўзининг ана шу 4 жилдлик китобига киритди. Мазкур асар бутун ислом дунёсида маълуму машҳур бўлиб, Қуръони Каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланади.

Ислом оламининг етук алломаси Имом Бухорий вафот этган йили (милодий 870-йил) яна бир буюк сиймо **Имом Мотуридий** таваллуд топган. „Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий боғлиқлик, Оллоҳнинг буюк марҳамати бордек, бамисоли Имом Мотуридий Бухорийнинг нурли қаламини олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади“[1], деб ёзган эди Президент И. А. Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида.

Имом Мотуридий асос солган Мотуридия мактаби, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилик, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг бўлгани учун ҳам Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топди.

Ислом маънавиятининг юксалиши йўлида муҳим ҳисса қўшган авлиё алломаларимиздан яна бири — **Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний** (1103—1179)дир. Манбаларда кўрсатилишича,

[1] *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: „Маънавият“, 2008, 39-бет.

Ғиждувоний Ҳазрати Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий каби буюк зотлардан таълим ва таҳсил олган. Унинг улуг устози Юсуф Ҳамадоний 37 марта пиёда ҳаж қилгани, умри давомида эса Қуръони Каримни минг маротаба хатм қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Бутун дунёга маълум ва машҳур алломаларимиздан яна бири — **Баҳоуддин Нақшбандлир.** Унинг „Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" деган ҳикматида ислом динимизнинг олижаноб маъно-моҳияти ёрқин ифодаланган. Ота-боболаримиз бу улуғ авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, уни „Баҳоуддин — балогардон" деб эъзозлашган.

Юртимиздан етишиб чиққан исломшунос алломалардан **Бурҳониддин Марғиноний** (1197 йил вафот этган) ҳам ислом оламида маълум ва машҳурдир. Унинг „Ҳидоя" асари бугунги кунда ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бу асар ҳозирги вақтда ҳам ислом дунёси қонуншунослари учун асосий қўлланма бўлиб келмоқда.

Ислом фалсафасига беқиёс ҳисса қўшган **Аҳмад Яссавий** (1105—1165), **Нажмиддин Кубро** (1145—1221) каби улуг зотларнинг бебаҳо мероси ҳам халқимиз маънавиятининг алоҳида ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Шу тариқа IX—XII асрлар Уйғониш даврида юртимиздан шундай буюк зотлар етишиб чиқдики, улар башариятнинг бугунги тараққиёти учун ҳам хизмат қилмоқдалар.

Дунё аҳлининг алломаларимиздан Аҳмад Фарғонийга „Алфраганус", Абу Наср Форобийга „Шарқ Арастуси", Ибн Синога „Авиценна", Имом Мотуридийга „Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи", Абдулхолиқ Ғиждувонийга „Хожаи жаҳон", Баҳоуддин Нақшбандга „Балогардон" деб шарафли ном бергани халқимизнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятига берилган юксак баҳодир.

Президент Ислом Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ўтган буюк аждодларимиз фаолиятига атрофлича тўхталиб, бугунги кунда бизнинг мақсадимиз „бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир",[1] деб таъкидлайди. Мазкур асарда буюк аждодларимиз қолдирган ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт экани ва шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммасига олмаса, четдан биров келиб бу ишни қилиб бермаслиги алоҳида қайд этилади.



**Амир Темур ва темурийлар даврида етишиб чиққан буюк зотлар.** Мўғуллар ҳукмронлиги даврида халқ азоб чекди, хўрланди, таланди. Чиғатой хонлари билан маҳаллий аҳоли, зодагонлар ўртасида зиддият тобора кескинлашиб борди. Бу зиддиятлар натижасида Чиғатой улуси бўлиниб кетди ва унинг ўрнида пайдо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро кураш чиқиб, мўғул хонларининг Мовароуннаҳрга ҳужумлари кўпайди. Бундай вазият юртимиздан, халқимиз орасидан кучли, билимли, иродали, ватанпарвар, элпарвар бир шахснинг чиқишини, бу шахс юртни озод этиб, уни бирлаштириб, халқни тараққиёт сари етакловчилик ролини бажаришини тақозо этар эди. Бу тарихий вазифани буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз зиммасига олди.

Амир Темур 1336 йил 8 апрелда (ҳижрий 736, шаъбон ойининг 25-кунида) Кеш вилоятига қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ тумани марказидан 2—3 километр узоқликда, Тошкент — Китоб поезди

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: „Маънавият", 2008, 44-бет.

ўтадиган темир йўл яқинида) қишлоғида барлос бекларидан бири Амир Тарағай ибн Барқал оиласида дунёга келди. Онаси Такина Моҳбегим — Бухоро шариат қонунлари шарҳловчисининг қизи бўлган.

1370 йилдан эътиборан Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатидаги фаолияти бошланди. Амир Темур марказлашган давлат ташкил этиб, ўз давлати асосларини адолат билан мустаҳкамлади ва „Куч — адолатда" (Рости — русти) шиорига амал қилди.

Ўзбекистон мустақиллиги бой ва қадимий тарихимизни ҳаққоний ва холисона қайта тиклаш имконини берди.

Биз нафақат Амир Темур ва темурийлар даври тарихини, балки бутун тарихимизни қайта тикладик. Буюк Соҳибқирон Амир Темур номи оқланиб, покланиб, истиқлолимизнинг фахри, ғурури сифатида қабул қилинди.

Президентимизнинг: „... давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз", деб ғурур билан айтган сўзлари ҳам буюк Соҳибқироннинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қанчалик буюк эканини кўрсатади.

Амир Темур — жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улуғ саркарда, давлат арбоби, илм ва маърифат ҳомийси. Кўп тарихий далиллар шундан гувоҳлик берадики, Амир Темур маърифатли оилада дунёга келиб, болалигидан бошлаб яхши тарбия кўрган. У тиришқоқ, ўткир зеҳнли, эътиқоди мустаҳкам, меҳнатдан қочмайдиган бўлиб ўсган. Бўлғуси саркарда ҳаёт сирларини барвақт англаган, воқеаларни чуқур таҳлил қила билган ва тегишли хулосалар чиқариш қобилиятига эга бўлган.

Бу улуғ зот урушлар туфайли ишдан чиққан хўжаликни тиклашни, вайронагарчиликка чек қўйишни, халқ тортган азиятларга барҳам беришни ўзининг муқаддас бурчи деб тушунган ва шундай эътиқодга тўлалигича амал қилган. Соҳибқироннинг „Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари бежиз айтилмаган, албатта.

Амир Темур Хуросонга юриш чоғида (1381 йил) Мурғоб водийсида тўхтаб, қўшинларга ушбу дарёдан ариқлар чиқаришни буюради. Қазилган 16 та ариқ шу атрофдаги аҳолига обиҳаёт олиб келади. Соҳибқирон Румга юриши олдидан (1401) Қорабоғда қишлаб турган чоғида бир ойга яқин муддат ичида Арас (Аракс) дарёсидан сув оладиган ариқ қаздиради. Барлос номли бу ариқ 80 километр узунликда бўлиб, унда кемалар қатнови ҳам йўлга қўйилган.

Соҳибқирон 1403 йилда мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган Бойлакон шаҳрини ҳам қайта тиклайди. Амир Темур уруш туфайли вайронага айланган, шарқнинг, ислом дунёсининг марказларидан бири бўлган Бағдод шаҳрини ҳам қайта тиклаб, бир йил ичида қайтадан аввалги қиёфасига келтирган эди.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришлардан кўзлаган асосий мақсади марказлашган қудратли давлат барпо этиш, шу йўл билан ўз мамлакатида тинчлик, осойишталик ўрнатиш, Буюк ипак йўлини қайта тиклаб, унинг шарт-шароитларини яхшилаш орқали савдо-сотиқни жиддий равишда ривожлантириш, халқлар ва мамлакатлар ўртасида маданиятлар алмашинуви жараёнини яхшилаш каби эзгу ишлардан иборат бўлган.

Баъзи мамлакатларда адолат поймол этилган, ҳукмдорнинг халққа жабр-зулми кучайган ҳоллар ҳам Амир Темурни шу мамлакатлар ҳукмдорларига қарши юриш бошлашга мажбур этган. Бундай қилиш, ўша мамлакатларда адолат ўрнатиб, халқ манфаатини таъминлаш буюк Соҳибқирон амал қилган эзгу ғоя ҳисобланган. Амир Темур урушларсиз, қон тўкишларсиз ўз режаларини амалга ошириш тарафдори бўлган. У энг ўткир масалаларни ҳам имкон қадар дипломатик йўллар билан ҳал этишга ҳаракат қилган.

Амир Темурнинг давлат юритиш ишлари ўта пишиқлигини унинг „Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим", деб айтган ибратомуз сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Улуғ Амир Темур ўз ҳаёти ва фаолияти давомида шундай буюк хизматлар қилдики, уни нафақат юртимиз, ҳатто дунё халқлари ҳам бугунгача ёдда сақлайди. Унинг Ўрта Осиё тарихи ва жаҳон тарихидаги ўрни ва роли беқиёсдир.

Буюк Соҳибқироннинг хизматлари ва буюклигини жаҳон тан олиб, уни „Европа халоскори“ деб улуғлади. Француз олими **Альфонс де Ламартин** „Европа на Искандарда, на Атилада ва на Московия зафарини қучган янги фотиҳ Наполеонда адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас“, деб ёзган бўлса, Соҳибқирон даври тарихини ёзган Низомиддин Шомий эса „... унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рума ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир“, деб унинг буюклигига тан берган эди.

Темурийлар даври илм-фани ва маданиятининг юксалишига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекдир. Унинг авлодларга қолдирган илмий меросининг энг асосийси „Зиж“и бўлиб, бу асар „Зижи Улуғбек“, „Зижи жадиди Кўрагоний“ номлари билан машҳур.

Улуғбек „Зиж“и ўзининг таркибига кўра, VII—XI асрларда бошланган астрономик анъанани давом эттирган бўлса-да, унинг илмий савияси илгариги „Зиж“лардан анча юқори туради.

„Зиж“нинг биринчи мақоласи эралар ва календарлар масалаларига бағишланган, иккинчи мақолада математика ва сферик астрономия муаммолари устида сўз боради. Учинчи мақола, асосан, астрономия масалаларига бағишланган. Бунда қуёш, ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари тавсифи ҳақида сўз боради. Асарнинг охирги — тўртинчи мақоласи, асосан, илми нужумга бағишланган. Улуғбек ишлаб чиққан астрономик жадвалда фалак албурж текислигининг хатти истивога оғмалиги 23 даража, 30 дақиқа, 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража, 30 дақиқа, 49 сонияни ташкил этади. Тафовут 32 сонияга тенгдир. Ўша даврдаги бошқа астрономик жадвалларнинг бирортасида бундай аниқлик бўлмаган.



Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган расадхона (1420—1429 йилларда) дунё миқёсида осмон илми ривожига муҳим ҳисса қўшди. Расадхона цилиндр шаклида, уч ошёнали қилиб қурилган эди. Олимлар ва хизматчилар учун расадхона теварак-атрофида катта-кичик ҳужралар ҳам қурилган. Расадхонанинг бой кутубхонаси бўлиб, унда қарийб 150 минг китоб сақланган. Расадхонага Улуғбекнинг шахсан ўзи, у йўқ пайтда Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи бошчилик қилган.

Улуғбек расадхонаси нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам академия сифатида тан олинган. Улуғбек академиясини тан олиб, уни дунёга таратган киши — француз олими Волтер (1694—1778)дир.

Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган мадрасаси ҳам ўша давр илм-фани, маърифати ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Мадрасада илоҳиёт илмлари (Қуръон, ҳадис, тафсир) дан ташқари риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, жуғрофия, илми аруз (поэзия) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган.

Темурийлар даврида ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий яшаб ижод этди. У бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат, адабиёт тараққиётига бағишлади. У ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Алишер Навоий ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар битиб, икки тил эгаси сифатида шуҳрат қозонади. Ўзбек тилидаги шеърларига „наво“ —

куй сўзидан олиб, „Навоий“, форс тилидаги шеърларига „фано“ — вақтинча, ўткинчи сўзларидан олиб, „Фоний“ тахаллусларини қўллади.

Алишер Навоий яратган „Хамса“ нафақат ўзбек классик адабиётида, балки жаҳон адабиётининг энг буюк дурдона обидаларидан бири бўлди. „Хамса“ „Ҳайрат ул-аброр“ (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши), „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Сабъаи сайёр“ (Етти сайёра) ва „Садди Искандарий“ (Искандар девори) достонларини ўз ичига олган.

Президент Ислом Каримов Алишер Навоийга баҳо бериб, бундай деган эди: „Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир... Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир“[1].

Президент ҳар бир юртдошимизнинг ўз она тилига муҳаббати, унинг бой ва буюклигини англаш туйғуси унинг онг-шуури ва юрагига буюк бобомиз Алишер Навоий асарлари билан кириб келишини кўрсатиб: „Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз“,[2] деб таъкидлагани бежиз эмас, албатта.



Темурийлар даври маданияти юксалишида шоир ва давлат арбоби **Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг** ҳиссаси ҳам беқиёсдир. Бобур Мирзо ва унинг авлодлари яратган меъморий обидалар бугунги кунгача ўз кўркини сақлаб турибди. Бу буюк аждодимизнинг „Бобурнома“ энциклопедик асари темурийлар даври тарихи, адабиёти ва ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бизгача Бобур Мирзонинг 100 дан ортиқ ғазали ва 200 га яқин рубоийси етиб келган, уларда ишқ ва муҳаббат, гўзаллик ва шодлик, инсоннинг дарду аламлари, нафосат олами куйланади.

Бобур Ҳиндистоннинг гуллаб-яшнашига, Агра ва Деҳли каби шаҳарларни жаҳоннинг энг ажойиб шаҳарлари даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшди. У Ҳиндистонда кўплаб боғлар яратди. Айтишларига кўра, хушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб айнан Бобур келтирган экан. У, бобоси Темур сингари, Ҳиндистонга дунёнинг кўплаб олимлари, шоирлар, рассомлар, қурувчи ва наққошларни тўплади. Натижада Бобурийлар даврида жаҳонда тенги йўқ Тожмаҳал меъморий обидаси ва бошқа кўплаб иншоотлар қад кўтарди.

Амир Темур ва темурийлар даври маънавияти, ҳеч шубҳасиз, миллий маънавиятимизнинг ақралмас бўлаги ҳисобланади. Биз мустақиллигимиз туфайлигина бу бебаҳо бойликнинг асл моҳияти ва қадр-қимматини англаш саодатига муяссар бўлдик.

Амир Темур ва айрим темурий шаҳзодалар (Шоҳрух, Мирзо Улуғбек)нинг адолат учун кураши нафақат юртга осойишталик ва тинчлик келтирди, балки ўлкамизнинг иқтисодий ва маънавий ривожига имкон ҳам яратди.

Биз буюк Соҳибқироннинг „Куч — адолатда“ деган шиори барча даврлар учун бўлганидек, бугунги кунда ҳам қалбларимизда акс садо бериб, эзгуликка даъват каби жаранглаб турадиган шиорга айланганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

**Эл-юрт учун жон фидо этганлар.** Ўзбекистонимизда 1999 йилдан буён 9 май „Хотира ва қадрлаш куни“ сифатида нишонланиб келаётган экан, яқин тарихимиз, яъни советлар ҳукмронлиги даврида эл-юрт озодлиги учун жон фидо этганларни ёд этиш, бу азобларни бошидан ўтказиб, бугун биз билан бир сафда бўлиб келаётган инсонларни қадрлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

---

[1] *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008, 47-бет.

[2] Ўша китоб, 48-бет.



BUXORO YUQORI TEXNOLOGIYALAR MUHANDISLIK-TEXNIKA INSTITUTI
ARM
4-5454

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирида собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистонда мустабид тузум иллатлари янада кўпроқ намоён бўла бошлади. Иқтисодиёт, сиёсат ва маданият партия ва давлат номенклатураси исканжасига тушиб қолди. Ҳукмрон партиянинг тор доирада қабул қилган қарорлари бутун мамлакат учун мажбурий эди. Номигагина эълон қилинган большевистик шиорлар халқ учун амалда ҳеч нарса бермас эди. Ҳукмрон партия органларисиз биронта қарор қабул қилиш мумкин бўлмай қолган эди. Айнан мана шундай ҳолатлар собиқ Иттифоқ бошқарувида маъмурий буйруқбозлик тизими пайдо бўлганини англатар эди.

Бу йилларда мустабид тузумга қарши фикр билдирган шахслар ҳам таъқиб қилинаётган эди. Ўлкадаги ҳукмрон большевиклар „18 лар гуруҳи“, „иноғомовчилик“, „қосимовчилик“ каби сохта сиёсий кампанияларни тўқиб чиқариб, миллий зиёлиларимиздан юзлаб кишиларни йўқ қилишди.

1930 йилнинг февралидан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида „кулоқ“ кампанияси бошланди. Бу кампания, худди бошқа республикалардагидек, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш билан биргаликда давом этди.

1930—1933 йилларда республикамизда „кулоқ“ қилинган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди. Уларнинг кўпчилиги, асосан, Украина ва Сибирга кўчириб юборилди. Жазоланган ва кўчирилганларга „кулоқ“ деган айб қўйилди.

1934 йилдан 1938 йилгача Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши жазога тортилган эди. Улардан 730 нафари отилди. Ўзбекистон НКВДси — Ички ишлар халқ комиссарлигининг ички қамоқхонаси ва бошқа жойлардаги қамоқхоналарда маҳбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилар эди. Энг матонатли кишилар ҳам аҳволнинг иложсизлигини кўриб ва ўз яқинларининг тақдирларидан хавотир олиб, қилмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эди. Ўз халқини ўйлагани, куйлагани, уларнинг ташвиши, ҳасрати ва муаммолари учун курашгани сабабли ўн минглаб юртдошларимиз қатағон қурбони бўлдилар. Уларнинг ҳаммасига „халқ душмани“ деган сохта айб қўйилди.

20—30-йилларда қатағон қилиниб, отишга ҳукм қилинганларнинг оила аъзолари, қариндошлари ва ҳатто улар билан тасодифан учрашганлар ёки уларнинг бирор яхшилигини кўрганлар ҳам жазоланган.

30-йиллардаги қатағон даврида республикамиздаги диндорларнинг асосий қисми узоқ Сибирь ўлкаларидаги лагерларга жўнатилди. Масжидлар беркитилиб, уларнинг аксарияти отхоналарга, омборхоналарга айлантирилди.

Совет тузумининг қатагон сиёсати туфайли истиқлол ва эрк куйчилари, ўзбек халқининг Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби атоқли шоир-ёзувчилари истибдоднинг бегуноҳ қурбони бўлдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, 1937—39-йилларда юртимизда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олиниб, улардан 6 минг 920 таси отиб ташланган эди.

Миллатнинг илғор тараққийпарвар зиёлиларининг қатағон қилиниши оқибатида халқимиз уларнинг ноёб асарларини ўқишдан узоқ вақт маҳрум бўлди.

Инсон ҳуқуқлари аёвсиз поймол этилди. Қамоқхоналарда маҳбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилдилар.

Шу тариқа мустабид тузумнинг 20—30-йиллардаги сиёсий қатағон кампанияси фожиали оқибатларга олиб келди. Бундай зулм ва истибдод халқнинг гуллари бўлган зиёлиларни йўқ қилиб, қолганларни эса итоаткор қулларга айлантиришга қаратилган эди. Собиқ Иттифоқда ана шундай ёвуз йўллар билан мустабид тартибот қарор топиб, тобора кучайиб бораётган эди.

Фашизмга қарши уруш тамом бўлганидан кейин, орадан кўп ўтмасдан, бутун Иттифоқ бўйлаб яна бир ялпи террор тўлқини бошланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1949 йил 25 июндаги бюро мажлисида кўпгина ёзувчиларимиз, олимларимиз, партия ва давлат арбоблари, маданият ходимлари миллатчиликда айбландилар. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Шайхзода каби ўзбек ёзувчилари ноҳақ таъқибга учради. 1951 йил августда бир гуруҳ атоқли ижодкор зиёлилар „миллатчилар“, деб матбуотда танқид қилинди, „бузғунчиликда“ айбланди. Кейинчалик ёзувчилардан Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Шуҳрат, Саид Аҳмад ва бошқалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ана шундай азоб-уқубатларни бошдан кечирган халқимиз учун Иккинчи жаҳон уруши яна бир даҳшатли синов бўлди. Бу урушга ўша пайтда аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган Ўзбекистоннинг 1433200 нафар фарзанди сафарбар этилди[1].

Бу урушда ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, бадиий ва ҳужжатли кинофильмлар суратга олинган. Биз бу ўринда фақат бир нечта мисол билан кифояланамиз.

Москва учун бўлган жангларда ўзбек қизи Зебо Ғаниеванинг жасорати тилларда достон бўлади. Бу қиз Москвадаги Театр санъати институтида ўқир эди. Уруш бошлангач, у фронтга отланади. Тез орада у моҳир мерган ва разведкачи бўлиб етишади. Унинг ҳарбий қисми Москва-Волга канали бўйида жойлашган эди. Бу мерган қиз 1942 йилнинг 25 майигача 23 та фашистни ер тишлатади, 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келади. 1943 йилнинг августида Демянскда бўлган жангда у оғир яраланади, 33 марта жарроҳлик операциясига бардош бериб, ўзбек аёлларига хос мустаҳкам чидам ва бардош фазилатларини намоён этади.

Москва остоналарида ўзбекистонлик мерганлар Исҳоқов 354 фашистни, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитини ер тишлатади. 1753 нафар ўзбекистонлик жангчи „Москва мудофааси учун“ медали билан мукофотланади.

Сталинградда жанг қилган наманганлик зобит Мамасоли Жабборов 1942 йил ноябрда ўзи бошқараётган мотоўқчилар ротаси билан чекиниб бораётган душманнинг иккита полкига шиддатли ҳужум қилиб, 400 та солдат ва зобитни қириб ташлайди, 230 тасини асирга туширади ва анчагина қурол-аслаҳани ўлжа қилиб олади. Бухоро вилоятидан урушга борган мерган йигит Ҳайит Хўжаматов душманнинг 300 дан ортиқ аскар ва зобитини йўқ қилади.

Бундай мисоллар халқимизнинг Ватан озодлиги, ўз юрти, ўз оиласи ва фарзандлари келажаги учун курашга доимо тайёр экани, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслигидан далолат беради. Бизнинг тарихий хотирамизда мана шундай мисолларнинг ҳамиша сақланиб қолиши фарзандларимизни мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳондаги айрим кучлар Иккинчи жаҳон урушидаги қонли воқеалардан ҳанузгача етарли сабоқ чиқармагани бугунги кунда янада яққол аён бўлмоқда. Ҳозирги мураккаб даврда тинч-осойишта ҳаётимизга нисбатан турли таҳдидларнинг кучайиб бораётгани айнан шундан далолат беради. Ана шундай шароитда давлатимиз раҳбарининг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласидаги мана бу сўзлар огоҳликка яна бир даъват бўлиб жаранглайди: „Эй одамзод, кўзингни оч! Эй одамзод, атрофга қара! Кечаги тарихга қара! Хулоса чиқар! Сабоқ чиқар! Юзага чиқаётган хавф-хатарларга қарши зарур чораларни кўриш, керак бўлса, барча имкониятимизни уларга қарши ишлатиш, сафарбар этиш, турли мамлакат ва миллатларнинг қарама-қаршиликка эмас, бир-бири билан тил топишишига интилиб, устимизга ёпирилиб келаётган балоларни томири билан йўқ қилиши яккаю ягона тўғри йўл бўлади“[2].

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. — Т.: „Ўзбекистон“, 1996, 80-б.

[2] *Каримов И.А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 17—18-бетлар.

# ЎТМИШДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН

**Ўтмиш сабоқлари.** Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, ўзига хос танлаган тараққиёт йўли бўлади. Жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ҳеч бир давлатга ўхшамаган ўз йўли ва тарихи бор. Ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. У жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, бой тарих, юксак маданият, буюк маънавиятга эга бўлган халқлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун энг қалтис ва таҳликали даврларда ҳам аждодларимиз умид ва ишонч билан турли ёвларга қарши курашиб, буюк илмий кашфиётлар қилиб, маърифат машъалини баланд кўтариб, эзгу мақсадлар сари дадил интилиб яшаганлар.

Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс, биринчи навбатда, ўз миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс, миллат, аввалambor, ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини йўқотганлар барибир кучли-қудратли бўлолмайди. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аждодлари тарихини, қадриятi, урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади. Ҳаққоний ва холис ўрганилган тарих инсонга куч бағишлайди, иродасини мустаҳкамлайди.

Аждодларимиз жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Лекин, чор Россияси ва совет мустамлака даврида халқимиз ўз тарихидан, тилидан, миллий маданий-маънавий меросидан ва диний қадриятларидан бебаҳра қолди.

Маъмурий-буйруқбозлик тузуми ўрнатилган шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик замонларида нотўғри йўл-йўриқлар, мақсадлар орқали жамият ҳаёти сохталаштирилди. „Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетгани, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай куйганликларини кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда“[1]. Бу сўзлар Ислом Каримов томонидан 1990 йилда айтилган эди.

Юртимизда 1999 йилдан бошлаб, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилингани нақадар тўғри бўлганини вақтнинг ўзи исботлади, бу ташаббусни халқимиз жуда катта хурсандчилик билан қабул қилиб, ҳар йили бу байрамни кенг нишонламоқда. Хотира ва қадрлаш маросимлари яхши одат ва анъанага айланиб бормоқда.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллионга яқин киши қатнашган бўлса, уларнинг ҳар 3 нафаридан биттаси урушдан қайтмади. Бу фожиадан юртимиздаги бирор-бир хонадон четда қолмади. Бундай вазият қайта такрорланмаслиги учун ҳам унинг сабаблари, илдизларини кенг ўрганиб, ҳар бир хонадонга салбий таъсирини архив манбалари орқали қайта кўриб чиқиб, бу уруш ҳақидаги бор ҳақиқатни жамоатчиликка етказмоқ даркор. Бундай фожиани бугунги тинч ва фаровон ҳаёт билан солиштириб, ёшларни ҳар қандай урушга нафрат руҳида тарбиялашимиз керак. Бунинг учун биринчи навбатда, тарихдан сабоқ чиқармоғимиз даркор.

Собиқ шўролар салтанати ўрнида вужудга келган мустақил давлатлар тажрибаси мамлакат ичкарисидаги ички душманлар билан бир қаторда ташқи томондан ҳам мустақилликка хавф-хатарлар бўлиши мумкинлигини тўла тасдиқлади. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан, бировдан андоза олиб, бошқаларнинг тараққиёт йўлига кўр-кўрона эргашишга даъват этишлар, уринишлар бўлди.

Тарихимизнинг олис ва яқин саҳифаларини варақлаш ўтмишга теран назар ташлаш, содир бўлган воқеаларни вақт тарозисида ўлчаш, уларга холисона баҳо беришга ундайди.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. Тошкент.: „Ўзбекистон“, 2011, — 169-бет.

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар. Кечаги тарихни, бугунги дунёда, айниқса, Яқин Шарқ минтақасидаги баъзи араб мамлакатларида юз бераётган қонли тўқнашувларни зийраклик билан таҳлил қилиб, хулоса чиқариш керак. Ватан, халқ тақдирига ҳар бир фуқаро даххдорлик туйғуси билан яшаши зарур. Донишмандларнинг „Ўзинг ёнмагунча, ўзгаларни ёндира олмайсан“, деган ҳикмати бор. Ҳар бир масъул раҳбар ўз жойида шундай ишлаши keракки, халқимиз, ёшларимиз бугунги тинчлик, осойишталикнинг қадри нақадар баланд эканини ҳар нафасда ҳис қилиб турсин.

Президентимиз таъкидлаганидек, мана шу тупроқ — меники, бу ерда ота-бобомнинг хоки поклари ётибди, агар шу мусаффо осмон, мана шу ёруғ ҳаёт учун, она-Ватаним учун мен курашмасам, мен жонимни фидо қилмасам, ким курашади, деган ҳаётий эътиқод билан яшаш барчамиз учун умр мезонига айланиши керак.




Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли халқимизнинг дунёқараши ўзгарди, ижтимоий фаоллиги ошди. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Бу 9 май санаси — Хотира ва Қадрлаш кунида ҳам яна бир бор намоён бўлмоқда. Биз бу табаррук айёмни байрам қилдик, баъзи бир давлатларда эса айнан шу кунлари норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Бугун мамлакатимиз келажаги учун халқимизнинг онги, қалби дахлсизлигини, хотиржамлигини таъминлаш, юртимизни турли бало-қазолардан, ахборот хуружлари ва миллий мафкурамизга, азалий қадриятларимизга ёт бўлган бошқа зарарли ғоялар таъсиридан муҳофаза қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, дунёда фашизмнинг илдизи ҳали ҳам қуригани йўқ, турли минтақаларда қанчадан-қанча қуролли тўқнашувлар, офатлар, қон тўкишлар, тортишувлар содир этиляпти. Бугунги кунда ҳам мудҳиш ва аёвсиз урушларнинг олдини олиш энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қоляпти. Айниқса, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, минтақамизда турли давлатлар, сиёсий оқимларнинг янги стратегик мақсадларни олдинга сурувчи сиёсий ўйинлари бошланаётгани, минтақада таҳликали вазиятни ушлаб туришга қаратилган хатти-ҳаракатлар бизни янада ҳушёр бўлишга ундайди.

Нотинч қўшни билан яшаш кишига жуда катта ташвиш туғдиради. Нотинч оиладан исталган пайтда ҳар нарсани кутиш мумкин. Шу боис Ислом Каримов бизларни ҳушёрликка чақириб, олдимизга „Бу хавф-хатар бизларга нима олиб келиши мумкин, деган ўй билан сезгир яшашимиз, унга қарши олдиндан чора-тадбирларни кўришимиз талаб этилади“[1], деган вазифани қўйди.

Ҳозирги вақтда биз учун энг муҳим нарса — бу ёшларимизнинг дунёқараши, уларнинг онги, тафаккури, қалбини турли ёт иллатлардан холи сақлашдир. Бу нарса мамлакатимиз келажаги билан, айнан ёшларимизнинг келажакдаги ҳаёти, тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини бир дақиқа бўлса-да, унутмаслигимиз керак.

Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, бу дунёда уни тутиб турган ўз таянчлари бўлади. Бу таянчларнинг энг биринчиси — бу Ватандир, оёғи тегиб турган, киндик қони тўкилган мана шу замин, ота-бобосининг хоки ётган мана шу тупроқ. Ватанни севиш, уни муқаддас билиб, ардоқлаш халқимизнинг вужудига чуқур сингиб кетган энг улуғ туйғу эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Президентимиз жуда кўп таъкидлайдиган „Ватанни севмоқ — иймондандир“ деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган. Бунинг учун эса Ватан тарихини

[1] „Халқ сўзи“. 2012 йил 10 май.

ҳаққоний, тўлиқ, холис ўрганмоғимиз, тарихни, тарих сабоқларини халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига чуқур сингдирмоғимиз даркор.

Ўзликни англаш ўтмишни ўрганишдан бошланади. Ўзликни англаган инсон иродали инсон бўлиб, уни ҳар хил бузғунчи ғоялар, ёвуз кучлар ўзига бўйсундиролмайди.

Тарих саҳифаларини варақлаб, юртимиз бошидан кечирган, босиб ўтган йўлга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг нақадар кўнгли, қўли очиқ, қалби дарёлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай халқ тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришга, ўз орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга, ўзининг ёрқин келажагини ўз қўли билан қуришга ҳар томонлама муносибдир. Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки, башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки бугун ҳар қайсимиз башариятнинг бир зарраси, коинотнинг бир бўлаги эканимизни ҳис қилиб яшамоғимиз даркор. Ўз кўчангизда қаердансиз, деб сўрашса, уйингизни кўрсатасиз, маҳаллада эса кўчангизнинг номини айтасиз, туманда қишлоғингиз номини айтсангиз, вилоят марказида туманинг номини тилга оласиз, пойтахтда вилоятингиз номи билан фахрлансангиз, бошқа мамлакатда Ватан деб Ўзбекистон номини тилга оласиз. Шундай экан, ер юзидаги барча миллат, барча халқ ягона бир мақсад — аввало ўз уйи, ўз юрти, бутун сайёрамиз тинчлиги, ободлигини сақлаш йўлида тинч-тотув ва баҳамжиҳат яшашини даврнинг ўзи талаб этади.

Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топади. Бунга сабаб глобаллашув жараёни бўлиб, унинг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётгани билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини англаш билан боғлиқ. Ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётган глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий томонлари бўлиб, бу жараёнда мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлашнинг муҳим омили огоҳликдир. Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соглом фикрлайдиган ҳар қандай одам кузатиши мумкин. Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Бугунги кунда ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларга уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, замоннинг талабига ҳам, эзгу мақсадларга ҳам тўғри келмайди. Чунки очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган давлат бу йўлдан ҳеч қачон бормайди.

Ислом Каримов „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласида ён-атрофимиздаги давлатларда миллатчилик иллатлари илдиз отиб бораётганига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: „Барака топкур, биз бугун XXI асрда яшаяпмиз, миллатчилик деган бало ўрта асрларда қолмадими? Нима учун биз бунинг таъсирини ён-атрофимизда ҳозирга қадар сезяпмиз. Биттаси тарихни бошқатдан кўриб чиқишни, бошқатдан ёзиб беришни истайди. Шу мақсадда китоблар чиқаряпти, қандайдир институтларни, идораларни ташкил қиляпти. Яъни ўз миллатини алоҳида миллат деб ажратиб кўрсатяпти. Гўё бу миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан қандайдир устун жиҳати, ноёб хусусияти бор эмиш“[1].

Дарҳақиқат, баъзи қўшни мамлакатларнинг тарихчилари ўз давлатларининг, миллатлари ва элатларининг қадимийлигини, тарихий чегараларининг бошқалардан кенг ҳудудларда тарқалгани, аждодларининг бошқа халқлар аждодларидан устун бўлганини сохта, ғайриилмий маълумотларга таяниб бонг урмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда муайян бир мероснинг ким, қайси халқ ёки миллат томонидан яратилгани тўғрисида ғайриилмий мунозаралар пайдо бўлмоқда. Айниқса, бундай илмий асосланмаган, ўз халқи, давлатчилигини имкон қадар қадимийлаштиришга, ҳозирги давлат ва унинг ҳудудларини тарихий ҳақиқат принципига зид равишда қонунийлаштиришга бўлган ғоялар қўшни мамлакатларда чоп этилаётган баъзи тадқиқот ва адабиётларда яққол кўзга ташланмоқда. Яхшиямки, бундай сохта назарияларга бизнинг тарихчиларимиз ўз вақтида холис ва ҳаққоний жавоб беришмоқда[2].

Аслини олганда, Ўрта Осиё минтақасида асрлар давомида бирга яшаб, бир дарёдан сув ичиб, турли ёвларга қарши ҳамжиҳатликда курашиб келган халқларнинг умумий ва муштарак қадриятларини бундай миллий бўлакларга бўлиб, бир-бирига қарама-қарши қўйиш тарих ҳам, келажак ҳам кечирмайдиган улкан хатодир. Чунки вужудга келган бирор тарихий жараён ёки маданий объект бир неча авлод ҳамда турли этник гуруҳ вакиллари тарафидан қанча курашлар орқали катта меҳнат ва машаққат билан яратилади. Уни фақатгина бирор алоҳида миллат, этник гуруҳ чегараси билан ўлчаш, фақат унгагина тегишли деб билиш тарихий жараёнларни ҳаққоний баҳолашга халал беради.

Бундай сохта билимлар, назариялар инсонлар, айниқса, ёшлар онгини тез заҳарлайди. Буюк давлатчилик ғоялари, шовинистик қарашларни, миллатчилик кайфиятини туғдиради. Чунки миллий, диний асосдаги тарғиботлар ҳар қандай онгга тез таъсир кўрсатади. Фашизм ғояларининг асосида ҳам, унинг кўпчилик онгига кириб боришида ҳам шундай миллатчилик ғоялари ётган эди. Бу балонинг оқибатларидан ҳозиргача бутун дунё аҳли кўп азият чекиб келмоқда. Бундай ўтмиш сабоқларига бефарқ қарамасдан, ҳар миллатдаги онгли, қалбида умуминсоний ғоялар мавжуд бўлган зиёлилар, сиёсий раҳбарлар ўрнак олиб, аввало, ўз халқига, қолаверса, бутун инсониятга нисбатан бундай беҳурмат ва адолатсиз ёндашувларнинг олдини олмоғи даркор. Бундай ғоялар фақат Ўрта Осиё халқларининг ўзаро яқинлашувидан хавотир олиб, уларнинг ҳудудий интеграциясига қарши туриб, ажратиб ташлаб, ҳукмронлик қилишни кўзлаётган кучларнинг чироғига ёғ қуйиш эканини тушуниш наҳотки шунчалик қийин бўлса?!

Ислом Каримов ўз рисоласида бу борада жуда ҳаққоний масалаларни ўртага қўйди: „Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳали-бери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда мен ўзимга ўзим савол бераман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, буни демократик йўл деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғади“[3].

Ҳаёт, одамзод табиати шундайки, баъзан, афсуски, ёмон кучлар, бузғунчи ғоялар ҳам ўз ҳамфикрларини топади. Ҳозирги кунда айнан шу нарсадан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор. Чунки бундай хавф-хатарлар пайдо бўлган пайтда, э, бу четда бўляпти, бизга бунинг

---

[1] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 15-бет.

[2] Ртвеладзе Э. В., Сагдуллаев А. С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. — Ташкент: „Узбекистон“, 2006.

[3] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012, 16-бет.

дахли йўқ, деб яшаш яхшиликка олиб келмайди. Инсон агар эртанги кунини ўйласа, энг ўткир муаммоларга ҳам дахлдор бўлиб яшаши керак, қўшнининг, яқин одамларнинг дардини ўз дарди деб билиши зарур.

Қисқача айтганда, баъзи қўшни давлатларда миллатчилик иллатининг авж олиб бораётгани бизни янада ҳушёр, сезгир бўлишга даъват этиши лозим. Бу балога ўз вақтида тўғри баҳо бериб, ўзимизда унга қарши чора-тадбирларни кўрмасак, бундай таҳдидлар кучайиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан давлатимиз раҳбари бизни огоҳлантирмоқда.

Чет давлатлардаги қўштирноқ ичидаги айрим „олим“лар фашизмнинг йўлбошчиси давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган таги пуч ғояни олдинга сурмоқда. Аслида, демократия — бу, аввалambор, адолат, ҳуқуқий асосланган хатти-ҳаракатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг намоёнидир. Миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган, бошқа халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилиш, камситишни ўзига байроқ, мақсад қилган фашизм давлат тепасига демократик йўл билан келиши мантиққа тўғри келмайдиган сафсатадир.

Миллатчиликдек даҳшатли хавф-хатарлар пайдо бўлган жойда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бу биздан четда бўляпти-ку, бизга бунинг дахли йўқ, деб яшаш бепарволикдан бошқа нарса эмас. Ён-атрофдаги муаммоларга ҳушёрлик билан ёндашиб, ўзимизнинг муносабатимизни ҳар доим билдириб турмоғимиз шарт.

Шу билан бирга, кишилик тарихида инсон доимо етакчи куч бўлиб келган. Бу дунёни доҳийлар бошқаради, деган сохта ғоялар тарихда ҳеч вақт ўзини оқламаган. Афсуски, инсоният маърифий тараққиёт чўққисига кўтарилиб бораётган бугунги XXI асрда ён-атрофимизда аллақандай „доҳий“лар пайдо бўлаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди. Тарихни доҳийлар яратмайди, тарихни халқ, инсон яратади. Ҳаёт синовидан ўтган бу қараш шунчаки шиорга эмас, балки амалий ишга айланиши керак. „Агарки халқ бўлмаса, халқ қўллаб-қувватламаса, унинг хоҳиш-иродаси, орзу-интилишларини ифода этмаса, доҳийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди“[1], деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ота-боболаримиз, донишмандларимиз айтадиларки, ютуқларинг кўпайиб, ишинг юришгани сари сени кўролмайдиганларнинг сони ҳам ортиб боради. Айниқса, бугунги дунёдаги иқтисодий инқироз шароитида ён-атрофда дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам бор. Хусусан, бизнинг ривожланишимизни кўролмаётганлар халқимизнинг тинчлиги, табиий ва маънавий бойликларимизга ҳасад қилиб турли найрангларни режалаштириб юрганидан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, ютуқларимиз кўпайган сайин ҳушёрлигимиз ҳам ошиб бориши керак. Ғаразли ниятда юрган кучлар ёшларимизнинг қалбини эгаллашга, уларнинг онгига „чексиз эркинлик“ тўғрисидаги соғлом ақлга мутлақо тўғри келмайдиган зарарли ғояларни тиқиштиришга ҳаракат қиляпти. Бунинг учун ташвиқот ва тарғиботнинг барча усулларидан, жумладан, Интернетдаги ижтимоий сайтлардан кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистоннинг келажаги — ёшлар қўлида. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги кун талабларини тўғри тушунган ҳар бир инсон ўз келажагига ишонч билан қарайди. Келажак эса — ёшларнинг қўлида. Ўзбекистон аҳолисининг олтмиш фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўз тарихини чуқур билган, ундан тўғри хулоса чиқара олган, бугунги кунда ён-атрофида бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини англаган ёшлар Ўзбекистон келажагининг мустаҳкам пойдеворидир.

Илмга чанқоқ, замонавий фан-техника ютуқларига қизиқувчан ёшларга шарт-шароитлар яратиш бу давр талабидир. Бу соҳада Ўзбекистонда маблаг ҳам, имконият ҳам аялмасдан, мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг тармоғини кенгайтиришга, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида шакллантирилган узлуксиз таълим тизимида фанларнинг узвийлиги мувофиқлаштирилиб, етук ва ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун жаҳон стандартларига мос шарт-шароитлар яратилди.

---

[1] *Каримов И. А.* Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2011. 23—24-бетлар.

Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган бундай улкан ишларга дунё жамоатчилиги, жумладан, 2012 йил 16—17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияга жаҳоннинг 48 та мамлакатидан, 8 та нуфузли халқаро ташкилотдан келган мутахассислар юксак баҳо беришди.

Ҳозирги дунёда энди ривожланаётган, ёш давлатларни ўз йўлидан тойдиришга қаратилган кучларнинг борлиги ҳам бизни ҳушёр торттириши керак. Улар „демократия“, „эркинлик“ деган ёлғон шиорларни байроқ қилиб олишган. Улар фақат табиий бойликлари кўп бўлган ҳудудларда, давлатларда „демократия байроғи“ни кўтармоқчи бўлишади. Ана шундай таҳлилдан келиб чиқиб, бундай ҳаракатларнинг асл башарасини кўрмаслик, маъносини тушуниб етмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам четдан бўладиган бундай ахборот хуружларига ёшларимизда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш ниҳоятда долзарб масаладир. Замонавий аниқ фактлар билан бойитилган билимга эга бўлган ёшларни ҳеч қандай куч чалғита олмайди. Айниқса, бу жараёнда халқни, ёшларни ҳаққоний тарих билан қуроллантиришимиз керак, яна бир бор қуроллантиришимиз керак.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёга юз очди. Дунё сиёсий харитасида мустақил давлат сифатида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёда тинчликни сақлаш, терроризм ва турли хил зарарли таъсирларга қарши курашишда фаол иштирок этиб, ўзининг дадил сўзини айтмоқда. Мамлакатимиз кенг имкониятларга, кўплаб қазилма бойликларига, саховатли ҳосилдор заминга эга давлат сифатида бугунги ва келгуси авлодларни таъминлаш учун етарли имкониятга эга. Айниқса, меҳнатсевар, бағрикенг, инсонпарвар, меҳмондўст халқи билан шуҳрат қозонган Ўзбекистоннинг келажаги ёруғ бўлиши бугунги кунда кўплаб амалий натижаларда ўз тасдиғини топмоқда. Ҳар бир инсон мамлакатнинг буюк келажагини яратиш деганда, биринчи навбатда, ўз келажагини, фарзандлари, эл-юрти келажагини назарда тутмоғи керак. Буюк аждодлари, алломалари, бой маънавий мероси билан фахрланиб яшаётган халқимиз ичидан бугунги кун хоразмийлари, фарғонийлари, берунийлари, синолари етишиб чиқмоғи даркор. Бунинг учун эса ҳар биримиз шу Ватанга фидойи бўлмоғимиз лозим. Ёшларга катта умид ва ишонч билан қараётган Президентимиз, халқимиз, уларга таянган ҳолда, „Ўзбекистон — келажаги буюк давлат“, деб ғурур билан таъкидламоқда. Яъни мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Шунинг учун ҳам Президентимиз: „ Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман“[1], деб таъкидлади.

Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қаҳрамонлик кўрсатиш — албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак. Бунинг учун ўтмишни, тарихни чуқур билмоғимиз керак, деб яна бир бор такрор айтсак, хато қилмаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуш уясида кўрганини қилади, инсон оиладаги анъаналар асосида камол топади. Оиладаги анъаналар эса унинг тарихи давомида шаклланади. Ҳар бир оиладаги анъаналар халқнинг, миллатнинг ўтмишини акс эттиради, ўзига хослигини кўрсатади. Оила ва юрт тарихини, анъаналарни чуқур билган, ундан сабоқ чиқара олган одамда ўзига ишонч бўлади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди.

---

[1] Ўша манба, 36-бет.

# МУРАККАБ ДУНЁНИНГ МУРАККАБ МАНЗАРАСИ

Мустақил диёримизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб инсонни қадрлаш, унинг манфаатларини рўёбга чиқариш энг устувор вазифа сифатида белгиланди ва шу йўлда улкан амалий ишларга асос бўлган кўплаб қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Маълумки, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга интилиш халқимизнинг энг улуғ қадриятларидан бири ҳисобланади. Мустақиллигимиз шарофати билан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг буюк қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди, кенг кўламдаги амалий ишлар қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 9 майдаги интервьюсида билдирилган фикр ва хулосаларда жамиятимиз ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган миллий қадриятларимизнинг аҳамияти тўғрисида ҳам теран фикрлар баён қилинди. Хусусан, тинчлик биз учун азалдан энг катта бойлик, бебаҳо неъмат бўлиб келаётгани таъкидланиб, фашизм устидан ғалаба қозонилганига 67 йил тўлган бўлишига қарамасдан, дунёда ҳали-ҳануз тинчликни истамаётган ёвуз кучлар мавжуд эканига яна бир бор жамоатчилик эътибори қаратилди.

Ер куррасида XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига келиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илм-фан, маданият соҳасида инсоният томонидан улкан тараққиёт натижаларига эришилган бўлса-да, афсуски, глобал тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб турган хатарлар ҳам сақланиб қолмоқда. Инсоният тараққиётининг кўп мингйиллик тажрибасига қарамасдан, уруш оловини ёқишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган қора кучлар сайёрамизнинг турли бурчакларида, минтақаларида ҳанузгача жадал фаолият олиб бормоқда. Халқлар, миллатларнинг хавфсизлиги, тинч ва фаровон турмуш кечириш бўлган орзу-истакларига раҳна соладиган турли салбий офат манбаларининг мавжуд экани бутун башариятни хавотирга солмоқда.

Маълумки, минтақамизда, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш Президентимиз фаолиятининг энг муҳим ўзак тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун Ислом Каримов ўзининг барча чиқишларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтади. Жумладан, юқорида зикр этилган интервьюда ҳам бу масала бўйича ғоят долзарб фикрларни билдирди. Хусусан, минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидаги принципиал муҳим ғояни илгари сурди: „Чуқурроқ қарайдиган, таҳлил қиладиган бўлсак, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти. Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашиш, муросага келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, Ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф-хатар десак, ҳеч қандай хато бўлмайди...“[1].

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонда рўй бераётган уруш жараёнлари, ўз кўлами ва хавфлилик даражасига кўра, ўтган асрнинг охирига келиб, халқлар, миллатлар учун мисли кўрилмаган катта таҳдидга айланди. Маълумки, афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ номли фундаментал асарида чуқур концептуал хулосалар баён қилинган эди. Ушбу хулосалар бугунги кунда ҳам афғон муаммосини ҳал этишнинг илмий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, асарда таъкидланганидек, „18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жуғрофий-

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: „Ўзбекистон“, 1997 й. 11—12-бетлар.

сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожиани кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин ...

Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шолини курмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди. Курашаётган тарафлар ўз нуқтаи назарлари ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтириб, можароларни қанчалик чуқурлаштириб борсалар, бу можаро унинг қатнашчилари қўлга киритаётган ютуқлардан кўра беқиёс даражада кўп нарсани йўқотишларига олиб келиши мумкинлиги шунчалик ойдинлашиб бораверади. Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди“[1].

Афғонистон ҳудуди бугунги кунда ҳам муаммолар тугуни ичида қолгани ҳолда, минтақамиз ва шунингдек, бутун дунё учун хавф-хатар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий вазият ўта мураккаб ҳолатда турибди. Вазиятни ўнглаш бўйича шу пайтга қадар амалга оширилган чора ва тадбирлар ўзининг етарли даражадаги ижобий самарасини бермаяпти. Афғонистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўзлаб фаолият олиб бораётган халқаро коалиция кучларининг фаолияти шу пайтга қадар мазкур мамлакатда тўпланиб қолган ўткир ва зиддиятли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ечилишига ва афғон жамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олишига сезиларли даражада ёрдам бера олмаяпти[2].

Дарҳақиқат, Афғонистон ҳудудидан коалиция кучларини олиб чиқиб кетила бошланиши ва хавфсизлик бўйича масъулиятнинг Афғонистон миллий қуролли кучлари қўлига топширилиши жараёни жафокаш афғон халқига узоқ кутилган тинчлик ва осойишта ҳаётнинг кафолатли тарзда тикланишига олиб келишидан умид қилинган эди. Лекин аслида бундай бўлмаяпти. Афғонистонда зиддиятли вазиятнинг доимий равишда сақланиб туришидан манфаатдор бўлган ички ва ташқи кучлар бунга зўр бериб қаршилик кўрсатмоқда. Бундай кучлар сирасига биринчи навбатда, турли тоифадаги террорчилар, наркотик моддалар билан савдо қилувчилар киради[3].

Афғонистон ҳудудида сақланиб, кучайиб бораётган ўта хавфли таҳдидлардан бири — бу наркобизнесдир. „Бу мамлакатда гиёҳванд модда қадимдан етиштирилган ва тайёрланган. Бироқ кўкнори ва героин ҳамда бошқа синтетик гиёҳванд моддаларни етиштириб, тайёрлаш хўжалиги вайрон қилинган бу мамлакатда XX асрнинг 90-йилларидагина саноат асосига қўйилди. Турли халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддалар умумий ҳажмининг 50 фоиздан 75 фоизигача қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Афғонистон XX аср охирида гиёҳванд моддалар тайёрлаш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат бўлиб қолди. Наркобизнесни ўз назорати остига олишни истаган уюшган жиноий гуруҳлар бойлик орттиришнинг жуда нозик йўлларидан тобора кўпроқ фойдалана бошлашди.

Тожикистондан Европага етиб боргунича героиннинг нархи 63 баровар ошади: Тожикистон Бадахшонида 1 кг героин 4 мингдан 8 минг долларгача, Душанбада 12—17 минг доллар, Москвада 150—200 минг, Европада 250—300 минг доллар туради. Гиёҳванд моддалар нархининг йўл бўйлаб бу қадар ошиб бориши, айниқса, турмуш даражаси паст бўлган Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг айрим фуқаролари учун бу моддани ташишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни оқлайдиган рағбат бўлиб, уларни гиёҳванд моддани контрабанда йўли билан ташиб боришга ундайди. Бу бозорда ҳукмрон бўлиш

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т.: „Ўзбекистон“, 1997 й. 21—22-бетлар.

[2] *Махмудов Р.* Обеспечение безопасности и стабильности на пространстве ШОС (Правовая база и перспективные направления взаимодействия) // Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. 94—95-стр.

[3] *Ғойибназаров Ш.* Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т.: „Ўзбекистон“, 2009 й. 97-бет.

учун уюшган наркогуруҳлар ўртасида, шу жумладан, Марказий Осиёдаги наркогуруҳлар ўртасида ҳам шиддатли кураш кетмоқда"[1].

Ҳозирги вақтда Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддалар ва уларни хуфёна йўллар билан бошқа мамлакатларга чиқариш ҳажми шу қадар ортиб кетдики, эндиликда бундай ҳолат бутун инсониятга таҳдид солувчи хатоларга айланди. Аслида, Афғонистонда ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар билан наркотик моддаларни етиштирувчи ва сотувчилар ўз фаолиятларини бирлаштириб олди. Айнан оғуфурушлар халқаро терроризмнинг асосий молиялаштирувчиларига айланди. Наркотик моддалар савдосидан тушган пул маблағлари террорчи гуруҳлар томонидан қурол-яроғ сотиб олишга ҳамда бошқа ёвуз эҳтиёжларни қондиришга, жумладан, террорчи гуруҳлар сафига янги одамларни ёллашга сарф этилмоқда.

„Мутахассис экспертлар хулоса қилганларидек, Марказий Осиё минтақасининг наркотик моддаларни гарбга жўнатиш йўлидаги „қулай" географик ҳудудда жойлашганлиги мазкур минтақада террористик кучларнинг фаоллашаётганлигининг сабабларидан бири бўлиб турибди. Ишончли маълумотлар исботлаб турганидек, халқаро террорчилар фаолиятининг катта қисми Афғонистондан Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтказишга мўлжалланган мунтазам ишловчи наркотрафик каналларни шакллантиришга қаратилгандир"[2].

Таассуфки, Афғонистон ҳудудида наркотик моддалар хом ашёсини етиштириш, жумладан, кўкнори ундириш учун ўта қулай табиий имкониятлар мавжуд. „Кейинги йилларда кўкнори етиштириладиган плантациялар ҳажми ўн мартага кўпайди. Бугунги кунда Афғонистоннинг 32 вилоятидан 24 тасида турли хил оғу берувчи ўсимликлар экиб, етиштирилмоқда. Етиштириладиган кўкнорининг 90 фоизи асосан 5 та вилоятга тўғри келади. Булар Хилмонд(38 фоиз), Нангарҳор (30 фоиз), Бадахшон (9 фоиз), Ўрузгон (7 фоиз), Қандаҳор (5 фоиз)"[3].

Жумладан, бугунги кунда Афғонистоннинг турли вилоятларида, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош ҳудудларида экстремистик кучлар таъсири кучайиб бораётгани мазкур мамлакатлар учун террористик таҳдид манбаига айланмоқда. Умуман, дунё ҳамжамиятининг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти афғон муаммосининг ижобий равишда ҳал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ, деган хулосани билдирсак, асло муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Афғонистонда вужудга келган ўта ноxуш ва зиддиятли вазиятни ҳал қилишда халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда кучларини бирлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда дунёда афғон муаммоси дахл қилмайдиган ҳудуднинг ўзи қолгани йўқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан афғон муаммосини ҳал қилишнинг янги конструктив йўлларининг таклиф этилиши ва уларни БМТ раҳнамолигида амалга ошириш чора ва тадбирларини кўришга йўналтирилган изчил ташқи сиёсатнинг олиб борилиши дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдек вазифаларнинг ҳал қилинишига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз мустақил демократик тараққиётининг концептуал асослари давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фундаментал асарларида, нутқ ва мақолаларида илмий жиҳатдан асослаб берилгани юртимизнинг барқарор тараққиёти учун тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда, дунёда мавжуд бўлиб турган турли мураккабликларга қарамасдан, Ўзбекистонда демократик барқарор тараққиётга тўла маънода эришилгани халқимизнинг улкан ютуғидир.

Бунда, истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда янги эркин жамият қуриш жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қулай ташқи омилларни шакллантиришга катта эътибор берилаётгани беқиёс роль ўйнамоқда.

---

[1] *Гойибназаров Ш.* Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т.: „Ўзбекистон", 2009 й. 263, 266-бетлар.

[2] *Алимов Р.М.* Центральная Азия: общность интересов. Т.: Шарк, 2005 г. 142 стр.

[3] *Алимов Р.М.* Центральная Азия: общность интересов. Т.: Шарк, 2005 г. 143 стр.

Мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тинчлик, биродарлик тамойилларини қарор топтиришни кўзлайдиган давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий принциплари бевосита Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва давлатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясида мазкур тамойиллар дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келаётгани боис, бугунги кунга келиб юртимизнинг халқаро обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун ниҳоятда мақбул халқаро шарт-шароитлар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу натижаларнинг улкан аҳамиятини янада чуқурроқ англаш учун таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон тажрибаси ҳам буни исботлаганидек, бирон-бир давлат халқаро майдонда ўзининг обрў-эътибори ҳамда хавфсизлигини таъминламасдан туриб, мамлакат ичкарисида самарали равишда ислоҳотларни амалга ошира олмайди. Боз устига, бугунги давр феномени ўтган аср, ҳаттоки, унинг сўнгги ўн йилликларидаги шарт-шароитлардан ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилмоқда. Бир томондан, халқаро глобаллашув жараёнлари бугунги кунга келиб ўзининг янги хусусиятларини намоён қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, дунё миқёсида мамлакатлар, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига сабаб бўладиган салбий тенденциялар ҳам, афсуски, кучли даражада сақланиб турибди. Мана шундай қалтис вазиятда мамлакатларнинг, айниқса, ёш мустақил давлатларнинг хавфсиз ва барқарор тараққий этиши учун жаҳон миқёсида пайдо бўлган янги салбий таъсирларни бартараф қилиш, уларга нисбатан мустаҳкам ички иммунитетни шакллантириб, мустаҳкамлаб бориш тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: „Ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади“.[1]

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давримизнинг турли таъсирларига муносиб жавоб бериш, ўзи танлаб олган йўлдан собитқадамлик билан бориш, барқарор демократик тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш учун бугунги кунда жамиятни изчиллик билан янгилаш ва модернизация қилиш, шу орқали демократик ислоҳотларни янада юқори поғоналарга кўтариш йўлидан борар экан, бу ўринда халқаро тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишни ва мустақил тараққиёт хавфсизлигини таъминлашнинг энг нуфузли воситаси бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан 1992 йилдан буён давом этиб келаётган ҳамкорлиги ўзининг изчиллиги ва кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизнинг ер юзининг энг нуфузли халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари натижасида минтақамиз ва дунё миқиёсидаги ўткир муаммоларни ҳал қилиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда. Маълумки, БМТнинг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ва тарихий аҳамиятга эга бўлган 48-сессиясида Президентимиз томонидан сўзланган нутқда билдирилган хулоса ва таклифларда республикамизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигининг истиқболлари белгилаб берилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу сессияда БМТ фаолиятини давр талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, унинг курраи заминимизда вужудга келган мураккаб зиддиятларни ҳал эта олиш лаёқати ва имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги муҳим таклифларни илгари сурган эди.

Булар жумласига Ўрта Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТ нинг доимий ишловчи семинарини чақириш; БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиш; Ўрта Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш; Ўрта Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш; наркобизнесга қарши курашни кучайтириш; Оролни ва Оролбўйини экологик ҳалокатдан қутқариш масалалари киради.

---

[1] *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. — Т.: „Ўзбекистон“, 2005, 11-бет.



Давлатимиз раҳбари томонидан БМТ фаолиятини, унинг институционал механизмларини замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида билдирилган фикрлар жаҳоннинг барча нуфузли ташкилотларида, кўплаб хорижий мамлакатларда катта қизиқиш ва эътибор билан эътироф қилинди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси янада ортди. 2010 йилнинг 20 сентябрида ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан иштирок этиши Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини намоён қилмоқда. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан бевосита учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда нуфузли халқаро ташкилот раҳбари БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман, Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Мазкур учрашув жараёнида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳозирги давр талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида мажлис қатнашчилари эътиборини Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, зиддиятли муаммолар, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалаларга қаратди ҳамда мазкур масалаларни БМТ нинг бевосита раҳнамолигида ҳал қилиш борасидаги янги, оқилона концептуал хулосалар ва таклифларни илгари сурди.

Ислом Каримов томонидан билдирилган конструктив таклифлар ичида, жумладан, Афғонистон ҳудудида ҳозирги пайтда тобора кучайиб бораётган зиддиятли сиёсий-ижтимоий ва ҳарбий вазиятни самарали ҳал этиш билан боғлиқ янги ғоялар муҳим ўрин эгаллайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: „Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида „6+3“ мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор. Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. „6+3“ мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат“[1].

[1] *Каримов И.А.* Демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.: „Ўзбекистон“, 2011 й. 19 жилд. 10—11-бет.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан афғон муаммосини ҳал этиш бўйича таклиф қилинган ҳаракат дастури ўзининг моҳиятан янгилиги ва кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Маълумки, 1997 йилдаёқ бевосита Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ раҳнамолигидаги „6+2“ мулоқот гуруҳи тузилган эди. Афғонистоннинг „дўстлари ва қўшнилари“ деб аталувчи бу гуруҳ олтита қўшни давлат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистонни ҳамда Россия ва АҚШ ни ўз ичига олган эди. Мазкур мулоқот гуруҳи Афғонистонни инқироз ҳолатидан олиб чиқиш бўйича халқаро ҳамжамиятнинг умумий ёндашувларини ишлаб чиқувчи марказ ролини бажариб келди. Шу билан бир қаторда, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ташкилот фаолиятини, унинг структуравий тузилишини янада такомиллаштириш зарурати туғилган эди. Чунки, узоқ йиллар давомида чуқурлашиб келаётган муаммолар тугунида афғон жамиятининг барча тоифалари манфаатлари мужассамлашган эди. Масаланинг бу томонларини эътиборга олмасдан, Афғонистон муаммосини бартараф қилиб бўлмас эди. Булар, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, этник, миллатлараро соҳаларни, диний омилларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, „Иқтисодий тараққиётнинг ўта пастлиги боис Афғонистон жорий бюджетининг 50 фоизи ва ривожланиш фондининг 100 фоизи тўлалигича донор мамлакатларнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаши орқали қопланади“[1].

Шу муносабат билан Афғонистондаги аҳолининг таркибини кўп миллатлилиги, этноконфессионал гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларнинг заифлиги ва айни пайтда урф-одат ва анъаналарнинг маълум даражада ўзаро бир-биридан фарқ қилиши каби ҳолатларни ҳисобга олмасдан, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват манбаларини йўқ қилмасдан, улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминламасдан туриб, мамлакатдаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиб бўлмаслиги Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифларда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган хулосаларда бугунги кунда дунёда намоён бўлаётган янги тенденциялар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, минтақавий ва халқаро муаммоларнинг ечимини топиш жараёнида улар ўртасидаги ўзаро генетик боғлиқлик масаласига эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар ва уларнинг туб сабаблари тўғрисида мулоҳаза, давлатимиз раҳбари шундай хулосаларни билдириб ўтди: „Шу муносабат билан биз БМТ дан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради“[2].

БМТ нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги ғоялар, таклиф ва хулосалар дунё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилиши, минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, афғон муаммосининг изчил ва самарали ҳал қилиниши билан боғлиқ масалаларнинг ечилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Чунки, жаҳон амалиёти кўрсатиб турганидек, глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бугунги кунда глобал қарама-қаршилик ўрнига ҳамкорликнинг янги воситаларини кашф қилиб бориш, улардан ўзаро манфаатли фойдаланиш механизмларини узлуксиз такомиллаштириш орқалигина тараққиёт истиқболлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш имкониятлари очилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқида билдирилган таклиф ва хулосалар бугунги кунда Афғонистондаги мураккаб вазиятнинг ижобий ҳал қилиниши, афғон жамиятининг тинч тараққиёт йўлига ўтишининг таъминланишида ҳаётий аҳамиятга эга бўлмоқда.

---

[1] *Курбонов Д.* Урегулирование афганской проблемы: инициатива Республики Узбекистан по формированию миротворческой группы „6+3“ // Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. 112 стр.

[2] *Каримов И.А.* Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.: „Ўзбекистон“, 2011 й. 19-жилд. 14—15-бет.

Ўзбекистон жафокаш афғон халқининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, мавжуд ижтимоий зиддиятларни бартараф этилишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Масалан, „Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва реконструкция қилишга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, бугунги кунда Кобул шаҳри ва унинг атрофидаги барча аҳоли пунктларининг электр энергияси билан таъминланиши Ўзбекистоннинг экспорти туфайли ҳал қилинмоқда. 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш даражаси аввалги йилларга нисбатан 6 баробарга ошди. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан кейинги йилларда бу мамлакатга ўнлаб янги кўприклар, йўллар ва ижтимоий объектлар қуриб берилди. Хусусан, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Ҳайратондан Мозори Шарифгача бўлган 75 километрлик темир йўл қуриб битказилди“[1].

Маълумотларга кўра, ушбу темир йўл бўйлаб йилига 7 миллион тонна юк ташилади, кейинчалик ушбу кўрсаткични 20 миллион тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Ўзаро келишувларга кўра, Ўзбекистоннинг Афғонистонга темир йўл тармоқларини қуриш борасидаги ёрдами янада ривожлантирилади. Кейинги босқичда ҳамкорликда Мозори Шариф — Кобул — Қандаҳор— Ҳирот йўналишида 2000 километрлик темир йўл барпо этиш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳадаги алоқаларнинг ривожи учун кенг қамровли ўзаро келишувлар тизими яратилди, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд. Жумладан, 2002—2009 йиллар давомида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир 25 га яқин расмий ҳужжат имзоланди. Булар орасида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик битими, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги транзит ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, „Ўзбекэнерго“ давлат акциядорлик компанияси ҳамда Афғонистон энергетика ва сув ресурслари вазирлиги ўртасидаги энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум каби ҳужжатларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, 1992 йил 13 октябрда Тошкентда икки қўшни давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш билан боғлиқ ҳужжатлар имзоланган эди. Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар Афғонистондаги ички зиддиятлар кучайгани туфайли маълум бир муддат тўхтаб қолди. 2001 йилнинг кузида Афғонистон ҳудудида аксилтеррор операцияларнинг бошланиши ва Толибон ҳаракати режимининг ағдарилиши билан давлатлараро алоқалар қайта тикланди ва изчил ривожланиб келмоқда.

Афғонистонда вужудга келган ўта оғир ва зиддиятли вазиятнинг ижобий ҳал қилинишида Ўзбекистон ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётгани ва бунда яхши самараларга эришилаётгани халқаро ҳамжамият, шунингдек, дунёнинг мўътабар халқаро ташкилотлари БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар томонидан юксак даражада эътироф қилинмоқда. Бугунги кунда афғон муаммосининг тўлақонли равишда ҳал этилиши учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан таклиф этилган „6+3“ форматдаги мулоқот гуруҳининг БМТ шафелигидаги фаолиятини йўлга қўйиш, унинг заминида Афғонистондаги сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти биринчи навбатда, Афғонистон ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг бу масаладаги ҳамфикрлилигига эришиш, табиийки, ўта катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ўринда Ўзбекистоннинг дунёда содир бўлаётган турли тўқнашувлар, тортишувлар ва офатларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш борасидаги оқилона ва изчил сиёсати бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

---

[1] *Курбонов Д.* Урегулирование афганской проблемы: инициатива Республики Узбекистан по формированию миротворческой группы „6+3“ // Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. 115 стр.

# МИНТАҚАДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК МУАММОЛАРИ

Жамият янгиланаётган, умуминсоний қадриятлар қайта тикланаётган бир пайтда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар, миллатлараро тотувлик алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, тоталитаризм иллатлари, мафкуравий яккаҳокимлик, миллатларни йўқ қилиш, сунъий равишда ўйлаб топилган „ягона совет халқи“ни вужудга келтириш сиёсати исканжасида узоқ йиллар яшаган халқларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш анча мураккаб ҳодиса.

Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш — жамият тараққиётининг муҳим омили. Давлат фақат адолатга таянсагина, унинг сиёсатида миллий, ирқий, диний мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминлансагина, бу масала қадриятга айланади. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонда миллий ва миллатлараро муносабатларга ана шундай ёндашилмоқда. Натижада мустақилликнинг дастлабки йилларида оғир сиёсий буҳронлар, иқтисодий тангликлар, маънавий-руҳий парокандаликларнинг олди олинди. Ана шу муаммолар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган фожиаларга йўл қўйилмади.

Миллатлараро муносабатлар — энг аввало одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб маънавий-руҳий ва ижтимоий ҳодиса. У ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини тўғри англаш, уларни ўз вақтида тўғри баҳолаш имкониятлари билан боғлиқ бўлган жараён. Агар халқлар умумий мақсад йўлидаги ғояларни бевосита ўз тақдири билан боғлиқ ҳолда англаса, ҳар бир фуқаро ўз тақдирини жамият тақдири, ўзи яшаётган мамлакат тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунса, турли миллатлар ўртасидаги ижтимоий бирлик шаклланади. Ана шундай маънавий-руҳий ҳолатни вужудга келтириш жамиятда барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Миллатлараро тотувлик бу шунчаки баландпарвоз, яқин ўтмишимиздаги каби сохта жарангдор, ҳаётдан узилган байналмилаллик туйғуси эмас. Айни пайтда, у конкрет ҳаётий муаммолар, тирикчилик эҳтиёжлари, ҳар бир фуқаронинг кундалик турмуш талаблари, ана шу талаб ва эҳтиёжлар қай даражада қондирилаётгани билан узвий боғлиқ серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса.

*Миллатлараро тотувлик — ижтимоий-сиёсий барқарорлик омили.* Ўтиш даврида айни ана шу даврнинг барча зиддиятларини, қийинчиликларини, ички ирода ва ички маданият билан енга олишга қодир бўлган фуқароларни шакллантириш, уларнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатдан бирлигини таъминлашга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Айни ўтиш даврида, давлат бошислоҳотчилик вазифасини бажараётган бир пайтда унинг сиёсий иродаси, халқ манфаатларини ўзида мужассам этган сиёсий стратегияси ана шу муаммоларни нечоғлик қамраб олгани билан баҳоланади. Қолаверса, миллати ва элатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ислоҳотлар учун масъул эканини, ушбу янгиликлардан ҳамма бирдек манфаатдорлигини англамоғи лозим. Ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар шунинг учун ҳам давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айланди.

*Миллатлараро тотувлик — бу иқтисодий барқарорлик омили.* Чунки сиёсий буҳронлар ва иқтисодий тангликлар мавжуд бўлган бир пайтда турли қарашдаги одамларнинг диний муносабатлардан, ақидаларидан, миллий хусусиятларидан қатъи назар, мамлакат фуқароси сифатида уларнинг яхлитлигини таъминлаш, кундалик турмуш эҳтиёжларини ижтимоий

адолат юзасидан тенг равишда қондириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бутун моҳиятини, мазмунини, самарасини ва миқёсини белгилайди. Айни ана шу унсурлар ҳисобга олинган тақдирда у ўз самарасини беради. Миллатларнинг миллий хусусиятларидан қатъи назар, уларни умумий тақдир ва умумий истиқбол тушунчаси яқинлаштиради, бирлаштиради.

Маълумки, ҳар бир тирик жон ҳаётга интилади, яшаш учун курашади. Бу — табиий ҳол. У ижтимоий барқарорликдан, ижтимоий таъминотдан ҳақли равишда манфаатдор бўлишга доимий интилади. У миллатидан қатъи назар мамлакат фуқароси сифатида шу мамлакатнинг барча имкониятларидан, неъматларидан фойдаланишга ҳақли. Ижтимоий муносабатлар жамият янгиланаётган бир пайтда эскича қарашлар исканжасидан халос бўлиши лозим. Оламни янгича идрок қилиш орқали унинг моҳиятини англаш жараёнида дунёқарашлар яқинлигига, аниқроғи, дунёқарашлар уйғунлигига эришиш улкан ижтимоий моҳиятга эга бўлган ҳодисадир.

*Миллатлараро муносабатлар — бу маънавий-ахлоқий ҳодиса.* Чунки миллат ўзини англаш, ўзини тиклаш жараёнида миллий худбинликка йўл қўймаслиги керак. Миллат уйғониш жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда миллий қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ҳис қилиши лозим. Айни ана шу қадриятлар миллатнинг ўзини миллат сифатида англашидан олдин инсоннинг инсон сифатида ўзини англашини устун қўйишига олиб келади. Зотан, ҳар қандай миллий туйғу, миллий ифтихор, миллий ғурур комил инсон қадриятидан устун турмайди. Инсон қачонки инсон сифатида ўз қадр-қимматини англаса, инсонлик моҳиятини тушунса, у миллий манфаатлар, миллий қадриятлар, миллий ифтихор доирасидан чиқиб, олам ва одам ўртасидаги муносабатлар, инсон ва инсоният ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида ўйлашга қодир бўлади. Ана шу имкониятнинг ўзи инсонни ҳар қандай тор доирадан кенг дунёга олиб чиқади.

Дарҳақиқат, тор фикрлар, тор тушунчалар билан яшайдиган одам бу кенг, чексиз-чегарасиз дунёни торгина хонадон деб билади ва шундай англайди. Шунинг учун ҳам феъли тор, бағри ярим, ўзига бино қўйган, худбин фуқаро кўз олдида ҳамиша олам тор, дунё чекланган бўлиб кўринади. Бағрикенг инсоннинг кичкинагина юрагига эса бу чексиз олам, бу ранг-баранг дунё бемалол сиғади. Агар кишида ана шундай маънавий-руҳий фазилат қанчалик кучли бўлса, у миллатлараро муносабатларнинг, турли халқлар ўртасидаги алоқаларнинг моҳиятини шунчалик чуқур тушунади, чуқур англайди. Бу эса миллатлараро муносабатларда бағрикенглик фазилатларини ёрқин намоён этади.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар энг қийин шароитларда ҳам умумий хонадон — бутун мамлакат тақдири, ҳар бир фуқаро тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунилди ва масалага ана шу нуқтаи назаридан ёндашилди.

Миллатларнинг ўз миллий қадриятларини тиклаши, миллий маданиятларни ривожлантиришга интилиши табиий ҳол. Эркин жамиятда, демократик тамойиллар қарор топаётган бир пайтда шундай бўлиши муқаррар. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 120 дан ортиқ миллий-маданий марказнинг пайдо бўлиши, уларнинг фаолият кўрсатиши ана шундан далолат беради. Бироқ, миллий маданият ривожлангани сари ўша миллатга мансуб бўлган инсон маданиятининг ривожланиши, унинг ахлоқий-маънавий баркамоллашиши жамиятнинг баркамоллашишига олиб келади.

Президент Ислом Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирар экан, *„Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги миллий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади*“[1] деган эди.

Демак, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати миллати, элати ва диний мансублигидан қатъи назар, барча учун бирдек қимматли. Ўзбекистонда яшайдиган ҳар

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: „Ўзбекистон“. 1998, 473-бет.

бир фуқаро, ўзини ана шу юрт фуқароси деб билиши ва фуқаролик мажбуриятини зиммасига олиб яшаши, мамлакат ва халқ тақдири учун жавобгарлик ҳиссини чуқур англаши лозим. Айтиш мумкинки, ана шу мажбурият Ўзбекистон фуқароларини бир-бирига жипслаштирди, бир-бирига тақдирдош қилиб қўйди. Фуқаро ўз миллий тақдирини ўйлайди, асрайди. Қадимий анъналарини келгуси авлодларига етказишга ҳаракат қилади. Айни пайтда унга ҳамнафас бўлган, елкадош ва сафдош бўлган бошқа миллат вакилини ҳеч қачон камситмайди. Бу унинг биринчи фазилати.

Иккинчи фазилати шу юртда яшайдими, шу мамлакатни Ватаним деб биладими, демак, унинг тақдирига тақдирдош, унинг истиқболига жавобгар.

Бу — жуда катта маънавий-ахлоқий ҳодиса.

Бу — жуда катта сиёсий маданият.

Бу — жуда катта бағрикенглик асосида вужудга келган, „Мен — ўзбекистонликман“ деган тушунчага таянган ўзига хос феномен. Буни бошқача баҳолаш мумкин эмас.

Демократик тамойиллар чуқурлашиб бораётган, эркин шахс ва эркин фуқаро тамойили вужудга келаётган бир пайтда юқоридаги фазилатлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ана шу фазилатлар мавжуд бўлган ҳолдагина ҳақиқий демократия вужудга келади. Эркинлик ва озодлик тушунчалари, имкониятлари суиистеъмол қилинмайди. Миллий ғурур ва миллий ифтихорнинг юксак маданият ва юксак ахлоқ категориялари билан қоришган, синтезлашган шакли вужудга келади. Худбинлик, ёввойилашган миллий ғурур, бошқаларни камситиш орқали ўзини устун қўйиш қабилидаги ғайриинсоний қусурлар барҳам топади.

Халқларнинг ўзлигини англаш жараёни, қадимий анъаналари, афсона ва ривоятлари орқали миллий хусусиятларни такомиллаштириши ўша миллатга мансуб бўлган шахснинг ички миллий-маданий даражасининг ривожланишига олиб келади. Айни пайтда ўзининг миллий-маданий даражаси ошгани сари жамиятга дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Яхлит оламдан ажралиб қолиш уни таназзулга олиб келиши муқаррар эканини англайди. Ана шу ички маданий янгиланиш жараёни уни оламни англаш орқали глобаллашув жараёнига олиб киради. Демак, хусусий фикрлар ва тор тушунчалар қобигидан чиқиб дунёвий фикрлар, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади.

Миллий маданиятлар тараққиёти бевосита бутун мамлакат маданиятининг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар бир этнос ўзининг этник хусусиятларини сақлаш орқали бутун сайёра тараққиётига боғлиқ бўлган маданиятни сақлашга муваффақ бўлади. Ҳар қандай миллий маданият ўз даврининг тарихий тараққиёти билан боғлиқ бўлган жаҳон маданиятини англамасдан, унинг ютуқларини қабул қилмасдан, унга эргашмасдан тараққий топмайди. Аксинча, ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетаверади. Ҳар қандай миллатнинг бошқа бир миллат маданиятини ўрганишга қодирлик даражаси унинг ҳаётийлигини, яшовчанлигини, айни пайтда таъсирчанлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ана шу миллат маданияти умумжаҳон маданиятининг бир бўлаги сифатида ўз қиёфасини кўрсатишга қодир бўлади. Ана шундай ҳолатнинг ўзи бир миллатнинг бошқа миллат қадриятларини англашга, ярашга, ўзаро муносабатларини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Миллатчилик, ирқчилик, шовинизм — булар тоталитар тузум иллатлари. Улар тоталитаризм моҳиятини белгилаб берадиган маънавий-ижтимоий хавф, миллий маданиятнинг тараққиётига зомин бўладиган ғайриинсоний ҳодисадир. Этнократик кайфият миллатни таназзулга олиб келади. Миллий худбинлик кайфиятларининг чуқурлашишига, бошқа миллатларнинг камситилишига, улар имкониятларининг чекланишига сабаб бўлади. Натижада айни ана шу кайфиятга тушган миллатнинг ўзи соғлом тараққиёт йўлидан оғиб қолади ва хоҳлайдими-йўқми, тараққиёт омилларини йўқотади, ўзини ўзи чеклаб қўяди.

Шовинизм, нацизм, зўравонлик, миллий худбинлик, бошқа халқларни камситиш ва қул қилиш ҳамда тоталитаризм сиёсати асрлар давомида вужудга келган миллий маданиятларни қамалга олишга ҳаракат қилади. „Қизил империя“нинг зўравонлик ғоялари унинг бошини еди. XX аср сўнгида шаклланган жуда катта қадрият, умуммиллий ва умуминсоний неъматларга мустабид мафкуранинг кучи етмади. Дарҳақиқат, XX аср фан-

техника инқилоби даври бўлиши билан бирга, миллий тараққиётни барбод этиш, миллатларни қамалда сақлаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш қудратини ҳам кўрсатди. Айни пайтда бу қудрат, бу имконият соғлом инсоний тафаккурдан ва соғлом ғоялардан узоқлиги сабабли ўзини ўзи барбод этди. Натижада XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида миллий равнақ, миллий ўзликни англаш, миллий тараққиёт даврининг янги босқичи вужудга келди. Бу миллий ва умуминсоний, дунёвий маданиятнинг ривожланишига замин яратди.

Бугун Ўзбекистонда шаклланаётган янгича тафаккур турли миллатларнинг ўзаро муносабатларининг чуқурлашишига хизмат қилмоқда. Ҳар қандай миллат ўз миллий қадриятларини тиклаши, ўзининг турмуш анъаналари ва урф-одатларини такомиллаштириши, маданиятлар ранг-баранглиги, турфа хиллиги асосида яхлит Ўзбекистон маданияти вужудга келмоқда.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг шаклланиш босқичлари Ўзбекистонда яхлит миллий-маънавий муҳит шаклланаётганидан, миллати ва элатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ана шу муҳитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат беради. Манфаатдорлик туйғуси эса ўзаро ҳурмат, юксак маданият, етуклик ва комилликка интилиш орқали мазмунан бойиб бормоқда.

Азалий қон-қардош бўлган, анъаналари, турмуш тарзи ва урф-одатлари муштарак бўлган халқларни яқинлаштириш асосида улкан ҳудудда иқтисодий барқарорликни вужудга келтириб, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, турли иғвогарликлар авж олаётган бир пайтда мазкур халқлар бир-бирини тўғри тушуниб, оға-ини бўлиб, энг оғир пайтларда бир-бирига суяниб туриши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, иқтисодий барқарорликни сақлаб туриш ва халқ турмуш даражасини оширишда минтақавий имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш самарали натижа беради. Бу мустақилликни мустаҳкамлаш ва минтақа давлатлари тараққиётини тезлаштиришда муҳим сиёсий моҳият, тактик ва стратегик аҳамият касб этади.

...Афлотуннинг фикрига кўра, руҳ энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўз руҳини камол топтириши зарур. Руҳнинг соғломлиги — ақл-идрок бутунлигидир, руҳнинг покизалиги — ҳиссиёт покизалиги, туйғулар мусаффолигидир. Қалбида шундай фазилат мавжуд одамда Ватан, Халқ, Миллат тушунчалари олий ҳақиқат даражасига кўтарилади. Биз қанчалик руҳан тозаликка эришсак, фикримиз шунчалик тоза, хаёлларимиз равшан, орзу-умидларимиз ёркин бўлади.

Яқин ўтмишимизга бир назар ташлайлик. Бир неча мингйилликлар мобайнида жони жонига, қони қонига пайванд бўлиб кетган Марказий Осиё — қадимий Турон халқлари собиқ СССР даврида турли миллатларга ажратиб ташланди. Қоғоздагина суверен, аслида эса Марказга қарам совет республикалари тузилди. Бу сохта сиёсат туфайли анъаналари, турмуш тарзи, руҳий ва маънавий қадриятлари бир бўлган халқлар ўзбегу қозоққа, тожигу қирғиз, туркманга бўлиб юборилди.

Албатта, минтақа халқлари ўтган давр мобайнида миллат сифатида шаклланди. Уларнинг ўз тили, маданияти бор. Энди уларни бутунлай бирлаштириб юбориш — миллий қадриятларини топташ билан баробар. Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни собиқ СССР тарқалгач, ягона Туркистон заминида вужудга келган мустақил давлатлар ўз тарихий келиб чиқишлари, халқларининг бой ўтмиши, маънавий ва руҳий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўзаро яқинлашишга ҳаётий зарурат сезишлари табиий ҳол эди.

Марказий Осиё халқлари руҳияти асрлар мобайнида бир-бирига туташиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган. Яшаш тарзи ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона, улкан ва жонли вужудга айланган. Шунинг натижасида қондошу жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган. Кишилик тарихида бундай маънавий, руҳий ва фикрий яқинлик ҳамиша ҳамма нарсадан устун келган.

Мустақиллик шароитида бизнинг миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муаммолари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги тасаввурларимиз тобора бойиб бормоқда. Янги тарихий

шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқлари тарихи, уларнинг келиб чиқиши, ўзига хос турмуш тарзи ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни тақозо этмоқда. Чунки, этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, айни пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган халқлар ўз тарихий илдизларини топиб, яна муштарак қадриятлари асосида яшамоқда.

Ҳозирги ривожланган мамлакатларда давлатлараро минтақавий ҳамкорлик сиёсий ва иқтисодий мазмундан бирмунча бошқачароқ — маънавий мазмун касб этмоқда. Бу бугунги жаҳон цивилизациясининг энг илғор йўналишларидан бири сифатида тан олинмоқда. Қардош халқлар ва қўшни мамлакатлар умумий хонадонини ташкил этиш, ягона замин, ягона маконни қарор топтиришнинг маънавий пойдевори — бу олис ўтмиш муштараклигини, шу асосда шаклланган урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзини чуқур ўрганишдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов „Туркистон — умумий уйимиз“шиорини ўртага ташлагани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Минтақавий барқарорликни таъминлашда ушбу ғоя таъсирчан воситага айланмоқда.

Ахлоқ ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлик ва инсоний баркамолликнинг бош принципи сифатида тан олинган. Қолган барча ҳаракат ва мезонлар, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бозор муносабатлари, савдо-сотиқ, мол айирбошлаш ҳам қадимдан юксак ахлоқ ва одобга таянган, маданий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланган. Бу — минг йиллар мобайнида шаклланиб, жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган улуғ алломалар ҳаёти ва ижодида, уларнинг инсоният тарихида бурилиш ясаган асарларида ҳам ўзига хос тарзда ифодасини топган. Шу боис Шарқ алломалари дунёвий фанларнинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, ахлоқ категориясига қаттиқ суянишган, унга катта эътибор билан қараб, уни қомусий хулосалари билан бойитиб боришган.

Маълумки, цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқараши ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган. Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Европада моддий-техник тараққиёт, Туронда эса ахлоқ шаклида вужудга келган. Натижада юнонлар онги ва дунёқарашида гўзалликка интилиш, санъат ва маданиятга эҳтиёж катта бўлган. Ҳиндистонда турли дин ва мазҳаблар кўпайиб, ақида ва тақводорлик туйғулари ҳам ҳар хил бўлган. Халқлар руҳияти ва турмуш тарзига сингиб кетган бундай ҳодисалар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Европада эса цивилизация жараёни анча кейин моддий-техник тараққиёт шаклида вужудга келди ва бу минтақада иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган илм-фан-техника бошқа жойларга нисбатан шиддат билан ривожланди, моддий эҳтиёжга асосланган ишлаб чиқаришга, уни механизациялашга интилиш кучайди.

Юқорида қайд этганимиздек, қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қаралган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар, барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва имон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган.

Халқларимиз дунёқараши, мақсад ва интилишларини ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналари ана шу замин аҳлининг бутун руҳиятини қамраб олган. Жумладан, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа кўплаб туркий халқларда „Алпомиш“, Туркманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда „Гўрўғли“ достонларининг, қирғизларда „Манас“ халқ эпосининг вужудга келиши, уларда қарийб бир хил — эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик курашида эзгулик ва адолатнинг тантанаси, донишмандлик, ақл-идрок, хушхулқ ва хушфеъллик асосий ғоя қилиб олингани ана шу халқлар қарашларининг уйғунлигидан далолат беради. Ёзма адабиётда эса Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“даги сингари фалсафий-ахлоқий ғоялари, форсийларда Умар Хайём, Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, ўзбекларда Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, қозоқларда Абай, туркманларда Маҳтумқули, қорақалпоқларда Бердақ асарлари вужудга келди ва дунё маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Қадимдан бир дарёдан сув ичиб, яшаш тарзи бир заминда шаклланган халқлар жамики иқтисодий-ижтимоий манфаатлар бирлигидан ташқари, маънавий жиҳатдан ҳам яқин. Руҳий, маънавий яқинлик жаҳон тарихидаги буюк силжишларга, умуминсоний қадриятларнинг кескин ривожланишига асос бўлган. Чунки худди ана шу юксак инсоний фазилатлар барқ урган, жамики хатти-ҳаракатлар юксак ахлоқ ва маънавиятга асосланган бир шароитда дунёвий илмларнинг янги, мўъжизавий кашфиётлари вужудга келган. Бутун дунё аҳли онги ва тафаккурида туб бурилиш ясалган.

Марказий Осиё халқлари тарихида, айниқса, ғазнавийлар, салжуқийлар, қорахонийлар ва темурийлар сулолалари алоҳида ўрин тутади. Бу тўрт сулола нафақат Туронда, балки Афғонистон, Эрон ва Ҳинд диёрини бирлаштирган улкан бир ҳудудда илму урфон, иқтисод ва турмуш тарзи учун катта тарихий ишларни амалга оширган. Бу ердаги барча халқлар бирлашиб, ягона, буюк, оламшумул маданият яратдилар.

Улуғ аждодларимиз ҳеч қачон тор маҳаллийчилик доирасида кун кечиришмаган. Улар дунёвий муаммолар, умуминсоний тараққиёт, киши ҳаётининг мазмун-моҳияти, мантиғи, оламу одам ташвиши билан яшаган, натижада илм-фанда тенгсиз кашфиётлар, санъат ва адабиётда мислсиз юксалишлар, маънавият ва ахлоқда етуклик, давлатчилик ва бошқарувда инсонпарварлик, адолат тамойиллари вужудга келган.

Маълумки, Марказий Осиёда ўзбек тили — давлат, бошқарув ва ҳарбий тил, форс тили — адабиёт тили, араб тили — илм тили ҳисобланган. У даврларда ҳамма уч тилда бемалол гапира олган, ўқиган ва ёза олган. Беруний ва Ибн Сино ҳам, Фарғоний ва Хоразмий ҳам тор миллий ва лисоний доирадан жуда юксакда, инсоният ва дунё истиқболи ҳақида фикрлашган, одамзод тақдирига боғлиқ бўлган оламшумул кашфиётларни амалга оширишган.

Тўғри, Турон халқлари ҳаёти ҳамма вақт ҳам сокин ва осойишта бўлмаган. Бу заминда турли даврларда жангу жадаллар юз бериб турган. Кимнингдир қурганини кимлардир бузган. Бироқ, бундай ҳодисалар минтақа аҳолиси умумий муштараклигига раҳна сололмаган. Аксинча, улар умумий тараққиёт йўлида бирлашиб яшашган.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини вужудга келтириш, уларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, қадимдан ҳамкору ҳамфикр бўлиб келган халқларни яқинлаштириш ва шу асосда ўтиш даври мураккабликларини енгиш энг ҳаётий, энг ишончли ва энг самарали усулдир. Бу айни пайтда юқорида тилга олинган улуғ аждодларимиз қарашларига ва минтақа халқлари мақсадларига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай ҳодисани ўз вақтида чуқур баҳолади ва долзарб масала қилиб кўтарди.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли хилдаги ҳамкорликлар — иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ҳамжиҳатлик минтақаларини вужудга келтиришга гувоҳ бўлмоқда. Энг тараққий топган давлатларда ҳам ана шундай ҳамкорлик минтақаларини ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Европа Иттифоқи, араб давлатларида Маврит уюшмаси деб аталадиган АПЭК — нефть ишлаб чиқарадиган давлатлар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорликнинг бошқа турлари Африка ва Лотин Америкасида ҳам бор. Ҳозирги замон жаҳон тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир мамлакат якка ўзи, ҳеч қайси давлат билан ҳамкорлик қилмасдан ривожлана олмайди. Ўз халқи эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш имкониятига эга бўлолмайди. Мабодо ўзини ўзи таъминлаб, ўз эҳтиёжларини ўзи қондирган тақдирда ҳам ҳозирги замон сиёсати бундай ўзига „ишонувчан“ликни манманлик, ибтидоийлик ва зурма-зўракилик деб таърифлайди.

Ўтиш даврида ҳар қандай мамлакатнинг қайсидир қўшни давлат билан умумий бозорни вужудга келтириши, маҳсулот айирбошлаши, қолаверса, бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, уларнинг доирасида фаолият кўрсатиши табиийдир. Ана шундай йўлдан бормаган мамлакатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Африкадаги Сомали, Судан, Замбия ва бошқа мамлакатларнинг фақат ўз кучи ва имкониятларига таяниб иш тутиши аянчли оқибатларга олиб келди. Бу мамлакатларда уруғ-аймоқчилик, тожу тахт учун кураш омманинг камбағаллашиб, қашшоқликда яшашига, қолаверса, бошқарувнинг издан чиқишига олиб

*келди. Ҳокимият тепасига келган янгидан-янги ҳукмдорлар миллий бойликни талон-тарож қилишди, мамлакатлар қарзга ботди...*

Марказий Осиё хонадони — қадимий хонадон. У ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига, дунёвий маданиятига эга бўлган улкан ва файзли оила. Ана шу минтақада мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уларни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш, келгуси авлодга ҳар томонлама етук, баркамол жамиятни мерос қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, асрий қардошлик туйғуларини ривожлантириш, яқин қўшничилик фазилатларини кучайтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб ва ҳозирги шароитда минтақамиз ва халқларимиз ҳаётига таҳдид қилаётганларга қарата Президент Ислом Каримов бундай дейди: „Келгуси авлод вакиллари уруш оловини ёқишга ундаган сабаб ва баҳоналар учун замондошларимизни кечирмасалар керак. Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шолини курмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди“[1].

Ҳаёт маънавий, руҳий, фикрий яқинлик ҳамиша ҳамма нарсадан устун келганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам улуғ аждодларимиз: „Кишини дўстлар орасидаги қашшоқлик ётлар орасидаги тўкинчиликдан кўра кўпроқ бахтли қилади“, дейишган. Бизнинг миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муаммолари, жуғрофий ва иқтисодий шарт-шароитларининг яқинлиги ҳақидаги тасаввурларимиз ўзгараётган бир пайтда донишмандларимизнинг хулосалари билан Президент Ислом Каримов сиёсати тобора уйғунлашиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашгани, унинг жуда катта ер ости ва ер усти бойликларига эга экани, ўз халқининг юксак интеллектуал салоҳияти ҳамда ишлаб чиқариш қуввати туфайли юртимиз, айтиш мумкинки, ушбу минтақанинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Айни пайтда Марказий Осиёга кўз олайтираётган кучлар учун Ўзбекистон алоҳида нишон ҳисобланади. Ана шундай вазиятнинг ўзидан Ўзбекистон зиммасида бутун минтақа тақдири ва унинг истиқболи учун курашишдек оғир масъулият турганини сезиш қийин эмас.

Бизга азал-абад қўшни ва қон-қардош бўлган афғон халқи бошига тушган мусибатларга ҳам бефарқ қараш мумкин эмас. Бунинг ўзига хос жиддий асослари бор. Жумладан:

**биринчидан,** асрлар мобайнида шаклланган қон-қардошлик туйғуларининг, миллий ва маънавий, тарихий ва ижтимоий ҳамкорликнинг мавжудлиги;

**иккинчидан,** Афғонистондаги оғир маънавий-ижтимоий вазият, руҳий озурдалик, келажакнинг мавҳумлиги;

**учинчидан,** 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этиб келаётган ва қачон тугаши номаълум бўлган шафқатсиз уруш;

**тўртинчидан,** диний ақидапарастлик, терроризм ва наркобизнеснинг ўчоғига айланиб қолган макон сифатида ўта хавфли ва таҳдидли вазиятнинг мавжудлиги.

**бешинчидан,** Шимолий Афғонистонда икки миллион нафарга яқин ўзбек яшайди. Бу этник яқинлик, бир чегаранинг икки томонида икки хил ижтимоий-сиёсий муҳитда яшаётган бир миллатга мансуб халқ тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Чунки, асрлар мобайнида бир маконда, бир тузумда яшаб келганмиз.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг 95 фоизи Афғонистонда етиштириляпти. Унинг 75 фоизи эса Европа мамлакатларига тарқатиляпти. Бу миллати ва элатидан, диний эътиқодидан қатъи назар, инсониятни геоцидга олиб борадиган, уни майиб-мажруҳликка мубтало этадиган, бошқача айтганда, инсоният тараққиётини таназзулга дучор этадиган даҳшатли балодир.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: „Ўзбекистон“. 1998. 430-бет.

Диний ақидапарастлик ва халқаро терроризм айни пайтда нафақат минтақамизнинг, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг ўта таҳликали душманига айланди. У эзгулик кушандаси сифатида ўзини намоён этмоқда.

Афғонистонда тинчлик бўлса, биз хотиржам яшаймиз. У ерда турли манфаатлар доирасида бўлаётган ўйинлар, айтиш мумкинки, фақат Афғонистон халқи учун эмас, балки ана шу минтақа, жумладан, Ўзбекистон халқи учун кўрсатаётган ўйинларидир.

Ўзбекистон раҳбарининг 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи бир жиҳатдан, Ўзбекистон имкониятларини, унинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўлларини жаҳон миқёсига олиб чиққан бўлса, иккинчи томондан, жаҳон сиёсати йўналишларига, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига унинг ўзига хос ёндашуви, ўзига хос баҳолаш усули ва йўналтириш услуби мавжудлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Жумладан, ўшанда Ўзбекистон раҳбари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, уруш ва тинчлик муаммоларини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини тугатиш масалалари ҳақида кескин гапирган эди.

Халқаро ташкилотларнинг мақоми, уларнинг нуфузи ва жаҳон муаммоларини ҳал этишдаги роли хусусида сўзлар экан, жумладан, **„Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингиа эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тиичликпарвар нуқтаи назарига ўта бориши керак“[1], деб қатъий таъкидлаган эди. Ўшанда у нуфузли халқаро ташкилотларнинг фаолиятини** тубдан ўзгартириш, улар тизимида ва мақомида ҳам зарурийислоҳотларни амалга ошириш ксраклигини кўрсатиб берган эди.

Марказий Осиё муаммолари хусусида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари Ер шарининг ана шу минтақасида юз берадиган ҳодисаларнинг салбий ё ижобий жараёни бевосита дунё тараққиётига, жаҳон халқлари тақдирига муайян тарзда кучли таъсир этиши мумкинлигини далиллар билан кўрсатиб берган эди. Албатта, у аниқ рақамлар, арифметик ҳисоб-китоблар ё қандайдир формулалар ечими билан эмас, аксинча, ниҳоятда кучли сиёсий-фалсафий мантиқ, жаҳон муаммоларини ўрганишда ўзига хос дунёвий тафаккур, чуқур таҳлил ва шундан келиб чиқадигаи аниқ-равшан хулосалар билан ўз фикрларини исботлаб берган эди. Кўтарилган муаммолар асосида Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий семинарини ташкил этиш ҳаёт зарурати, жаҳон тараққиётига дахлдор бўлган эҳтиёж эканини таъкидлади.

Қолаверса, Ўзбекистон жуғрофий-сиёсий жиҳатдан ўта муҳим нуқтада жойлашган. У бир қатор мамлакатлараро ва минтақалараро алоқаларни энг мақбул шаклда бирлаштириб туриш учун қулай имкониятга эга. Қадимдан мағрибу машриқ, шимолу жануб ана шу ўлка орқали алоқада бўлгани, ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ривожлантиргани ва шу билан дунё тараққиёти барқарорлигини сақлаб тургани бежиз эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилаш сари буришда, инсоният равнақи ва ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашда, қолаверса, бутун Ер шари „мувозанати“ни сақлаб туришда ҳозирги Ўзбекистоннинг тутган сиёсий мавқеи ва жуғрофий ўрни катта стратегик аҳамиятга эгадир.

Айни пайтда Ўзбекистон жуда катта деҳқончилик ва саноат ишлаб чиқариши, бекиёс ер ости ва усти бойликлари мавжуд бўлган мўъжизавий макон. Жаҳон тараққиётига дахлдор бўлган илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги интеллектуал имкониятлар ҳам мавжуд. Бу бевосита унинг дунё саҳнасига чиқишига кенг йўл очиб беради ва янги дунё учун ҳаётбахш куч бўлиб хизмат қилади.

Президент Ислом Каримовнинг ана шу минтақа келажаги ва умуман, жаҳон истиқболини ўйлаб ўртага ташлаган таклифлари дунё сиёсатдонлари томонидан ҳар томонлама ўрганил

---

[1] *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.Т.: „Ўзбекистон“. 1996. 54-бет.

таҳлил этилди ва юксак баҳоланди. Натижада 1995 йил 15—16 сентябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Қатор халқаро ташкилотларнинг масъул вакиллари, ўнлаб мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этган бу кенгашда Марказий Осиё муаммоларини ўрганиш дунё тараққиётининг муҳим босқичи сифатида кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистон раҳбарининг кенгашда сўзлаган нутқи бош ҳужжат ва кенг қамровли дастур сифатида баҳоланди. Нотиқ Тошкент учрашувининг **„Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик"** шиори остида ўтаётганининг ўзига хос маъно-мазмуни борлигини алоҳида шарҳлаб берди. Жумладан:

• дунё **тинчлиги** йўлида давлатлар ўргасида ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, мамлакатларнинг мустақиллигини сўзсиз тан олиш;

• сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиёт ҳамда ислоҳотларнинг самарали бўлишининг асосий омили **барқарорлик** эканини эътироф этиш ва уни тўла таъминлашга интилиш;

• умумхалқ ва умумжаҳон манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама **ҳамкорликка** таяниб иш тутиш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, дунё тараққиёти, оламнинг бус-бутунлиги, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги энг аввало, минтақавий барқарорликни вужудга келтириш ва турли сиёсий кучларнинг бир-бирини бевосита тўғри англашига боғлиқ. Дарҳақиқат, биринчи галда маънавий-руҳий жиҳатлари, турмуш тарзи ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган халқлар ўзаро тотувликни таъминласаларгина, улар яшаётган минтақаларда хавфсизлик барқарор бўлишига, шу асосда минтақалараро ва қитъалараро яқдиллик вужудга келишига имкон яратилади. Ана шундай ҳаётий ҳақиқатга таянган Ўзбекистон Президенти уруш ва тинчлик муаммоларига, миллий равнақ ва Ер юзи хавфсизлигига кенгроқ қараш, яқин ўтмишдагидан фарқли ҳолда, ҳар қандай мафкурадан холи, инсон қалбига яқин бўлган тушунчаларни илгари суриб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни алоҳида уқтириб ўтди. Ана шу мажбурлик ҳисси, мажбурият юки ҳар қандай давлат арбобининг ўз мамлакати манфаатидан тортиб минтақавий, қолаверса, дунёвий масалаларга ҳам жиддийроқ қарашини, бу масалалар олдида у жавобгар эканини шак куйинчаклик билан таъкидлади. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё муаммолари ҳақида гапирар экан, „Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида, шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра, бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами, кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга, қатор муаммоларни кўндаланг қўяди. Ҳатто, минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасигача бориб етади"[1], — деди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий-географий ўрни, иқтисодий ва маънавий имкониятларига, жаҳон ҳамжамиятининг истиқболига янгича қарашга, дунё аҳлини ўзига ҳам, оламга ҳам тийракроқ назар ташлашга мажбур этмоқда.

Мустамлакачилик даври мобайнида бир хил тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида яшаб, олам аҳли, жумладан, сиёсатдонлари ҳам бир хил фикрлашга ўрганиб қолишган эди. Ғарбу Шарқ ўртасидаги даҳанаки жанглар, икки қарама-қарши сиёсий тизим ва минтақалараро зўравонлик жазавалари авж олган йилларда дунё тақдири ҳам, Ер шари истиқболи ҳам, оламу одамлар ташвиши ҳам баъзан унутилгандек эди. Улар нуқул қандайдир сиёсий нуфузлар, оламга эгалик қилиш даъволари, маънавий устуворлик ташвишлари билан овора эди. Ҳаёт эса одамлар турмуши, уларнинг кечинмалари ҳамма вақт, ҳамма нарсадан баланд эканини кўрсатиб берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент Ислом Каримов миллий ўзлик туйғусини қайта тиклаш, тинчлик ва миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: „Ўзбекистон". 1998. 432-бет.

жамиятини барпо қилиш муаммоларини ҳал этиш ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни ҳисобга олишни алоҳида таъкидлади:

**„Биринчи.** Миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян, ноантагонистик зиддиятларнинг мавжудлиги янги мустақил давлатларнинг қарор топиш даври учун реал ҳодисадир. Миллий манфаатлар ва эҳтиёжлар бундан буён фуқаролик жамияти ва демократик жамиятнинг манфаатлари билан яқинлаша боради.

**Иккинчи.** Мавжуд зиддиятлар халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган фожиали оқибатларга олиб борувчи миллатлараро можароларга айланишига йўл қўйиб бўлмайди.

**Учинчи.** Вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни, бирга истиқомат қилаётган миллатлар тинч-тотув яшаши муқаррарлигини, уларнинг муштарак интилиш ва истакларини ҳисобга олиш лозим. Бу эса давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган тегишли шакллантириш орқали ифодаланиши керак“[1].

Ҳозирги вақтда Марказий Осиёда миллий ва этник можароларни келтириб чиқариши мумкин бўлган талайгина сабаблар бор. Булар бевосита кейинги 150 йил мобайнида тўпланган. Чоризм ҳамда совет ҳокимиятининг зўравонлик ва мустамлакачилик сиёсати натижасида юзага келган. Қолаверса, Туркистон ўлкасини сунъий равишда бўлиб юбориш каби ғайриинсоний қарашлар туфайли пайдо бўлган.

Чегаранинг икки томонида яшовчи бир миллатга мансуб халқларнинг ўзаро муносабатлари тоталитаризм шароитида тобора мураккаблашиб борди. Уларнинг этник жиҳатдан бир жойда ва ҳатто оилавий, қон-қардошлик ришталари мустаҳам боғланиб турган бир вазиятда қўшни давлатлардаги иқтисодий ва маънавий вазият уларнинг ҳаётий муносабатларига раҳна солди. Асрий ва абадий қардошлик туйғуларига дарз кетди. Бунинг устига, учинчи кучнинг ғоявий таъсири, турли манфаатларга қаратилган қарашлари, баъзан очиқ-ойдин кўпорувчиликка даъватларнинг кўпайиб бориши вазиятни анча чигаллаштирди. Ана шу ҳолатларни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

**„Биринчи.** Таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг дахлсизлигини тан олиш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг конституциявий қоидаси, суверенитетни таъминлашнинг ҳамда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти бўлмоғи лозим.

**Иккинчи.** Минтақадаги халқлар миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши 1991 йилдан кейин орқага қайтмайдиган прогрессив жараён тусини олди. Уларнинг кўплари миллат сифатида узил-кесил шаклланди. Бу миллатлараро муносабатлар жараёнида жуда муҳимдир.

**Учинчи.** Минтақада яшаётган халқларнинг жуғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи-сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ижобий жиҳати сифатида майдонга чиқмоқда.

**Тўртинчи.** Хусусан, Ўзбекистонда „Туркистон — умумий уйимиз“ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат, ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра, инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўкис мос тушади. Зотан, „Туркистон“ деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади.

**Бешинчи.** Минтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқалар ва бутун кўпмиллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор“[2].

Мафкуравий хуруж авж олаётган ҳозирги пайтда Марказий Осиё тинчлиги ва барқарорлигини барбод этишга уринишлар тобора кучаймоқда. Ушбу минтақанинг баъзи

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: „Ўзбекистон“. 1998. 474-бет.
[2] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: „Ўзбекистон“. 1998. 476—477-бетлар.

қўшни мамлакатларида бир халқни бошқасига қарши қўйиш, бунга тарихий маданий меросини ниқоб қилиб олишга интилишлар кучаймоқда. Узоқ-яқиндаги бир қатор давлатлар, айрим халқаро ташкилотлар бегараз ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида гапириб, турли иғвогарлик билан шуғулланаётгани сир эмас.

130 га яқин миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистондек хилма-хилликка эга бўлган мамлакатда миллатлараро муносабатлар қонун билан тартибга солинган. Бошқача айтганда, юртимизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган қонунчилик тизими тўла қувват билан ишламоқда. Жумладан, ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида қуйидагича акс этган: „Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади“[1]. Асосий қонуннинг ана шу бандидан келиб чиқиб, бир қатор кодекс ва қонунлар базаси юзага келдики, бу жамиятда барқарорликни таъминлашда, миллатлараро муносабатларни чуқурлаштиришга муҳим ҳисса қўшмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида“ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига „ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар“, тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол ўз ифодасини топган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: „Ўзбекистон“. 2010. 5-бет.

## ИНСОН ОМИЛИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

**Инсон — инсониятнинг асл мақсади ва тараққиёт мезони.** Президентимиз Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир" рисоласида илгари сурилган ғоялардан бири — бу инсон омилининг етакчи, ҳал қилувчи куч эканидир.

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишдан асосий мақсади — инсондир. Жамият тараққиёти эса нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилгани билан ҳам ўлчанади.

Кишилик тарихи инсон мавқеи, унинг қадр-қиммати турли даражада баҳоланган, эътироф этилган ва эъзозланган даврларни, тараққиёт босқичларини, алоҳида ҳолат ва жараёнларни ўз бошидан кечирди. Ўзаро тенглик, жамоада тутган ижтимоий-табиий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, вазифа ва мажбуриятларнинг тақсимланишига асосланган ибтидоий жамоа тузуми; бир ҳовуч қулдорларнинг ўз қавмини, собиқ қабиладошларини эрки ва ҳуқуқидан мосуво қилган ҳолда, уларнинг пешонасига қуллик тамғасини босиб, оёқ-қўлини занжирбанд этган қулдорлик тузуми; ярим қарам деҳқонларнинг ўз бола-чақаси билан кечаю кундуз тиним билмай, оғир азоб-уқубатлар асосида меҳнат қилиб, топганини хўжасининг қўлига тутқазишга мажбур этган феодал тузум; узоқ йиллик қарамликдан озод бўлиши билан ишсизлик, очлик, хору зорликнинг қаҳрига дуч келган миллионлаб йўқсилларнинг қонини, куч-қувватини аёвсизларча сўриб олишга, ўзларини эса майиб-мажруҳ қилиб, кўчага — аччиқ тақдир ҳукмига улоқтирган капиталистик тузум; кишига бир марта берилувчи ҳаёт деган неъматнинг фақат аччиқ, зулмат ва чиркин томонларидан баҳраманд бўлиб, бир умр озод ва ёруғ келажак орзусида яшаган инсонларни ўзининг „сеҳрли" сўзлари, олам-олам ваъдалари, юракни орзиқтирувчи „мўъжиза"лари билан оҳанрабодек тортган, сохта ғоялар йўлида инсониятни манқуртга айлантирган, пировардида эса барча ваъдалари пуч ва хом хаёл бўлиб чиққан социалистик ва коммунистик тузумлар шулар жумласидандир.

Тарихнинг пасту баланд йўллари, машаққатли сўқмоқлари, турли-туман синовлари инсонни қандай ҳолатга солмасин, гоҳида улуғлаб, гоҳида эса тубанлик чоҳига ташламасин, у доимо етакчи куч бўлиб қолаверган. Инсон ўзининг онгу шуури, ақл-заковати, фаҳм-фаросати билан буюклик томон ҳаракат қилиб, ўз тақдири, ўз келажагини яратиш йўлида доимо олға ҳаракат қилиб келган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган палладан бошлаб инсон омилига бўлган эътибор биринчи галдаги вазифалардан бирига айланди. Мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишлар „Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган ҳаётий қоида асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилди.

Тараққиётнинг „ўзбек модели"дан кўзланган асосий мақсад инсонларнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг тўла рўёбга очиқишини таъминловчи демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилди. Чунки, айнан инсон миллатнинг бойлиги ҳисобланади. Инсонларга жамият ижтимоий-иқтисодий ривожининг қуроли сифатида эмас, балки бош мақсади деб қаралиши лозим. Ҳар қандай тараққиётнинг пировард мақсади ва муваффақият мезони бўлган инсон учун танловнинг кенгайиши, ўз эркинлигини амалга ошириш, узоқ ва соғлом турмуш кечириш имкони, билим олиш ва муносиб ҳаёт даражасининг яратилиши жамият ривожида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси Президент Ислом Каримов асарларида Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиш хусусиятлари, ўтиш даври муаммолари ва

умумбашарий тараққиёт тенденцияларини чуқур таҳлилига асосланган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз олдида турган юксак стратегик мақсад ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, у „барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш“дан иборатдир[1]. Бу мақсад тўла-тўкис ҳолда БМТ томонидан илгари сурилган Инсон тараққиёти концепцияси билан уйғундир. „Инсон тараққиёти“ тушунчасига БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан тайёрланган 2010 йил Инсон тараққиёти ҳақидаги маъруза да қуйидагича таъриф берилади: „Инсон тараққиёти, ўз моҳиятига кўра, инсон эркинликлари қаторига одамларнинг узоқ, соғлом ва ижодкор ҳаётга бўлган ҳуқуқларини ҳамда бошқа, уларнинг фикри бўйича қадрлашга арзигулик мақсадларга эришиш; бизнинг муштарак сайёрамизда адолат ва ривожланишнинг барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этишни киритишдан иборат. Одамлар — алоҳидами ёки гуруҳларми — бир вақтда инсон ривожланишининг ҳам саъй-мақсади, ҳам ҳаракатлантирувчи кучидир“[2].

Бу таърифни тушуниб етиш қуйидаги хулосани чиқаришга имкон беради: инсон тараққиёти — комплекс характерга эга бўлиб, ўз ичига инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондиришни, унинг соғлиққа, таълим олишга, ўзини ифода қилиш эркинлигига, бугунги ва келгуси авлодлар хавфсизлигига бўлган ҳуқуқларини таъминлашни қамраб олади.

Узоқ вақт давомида дунёда иқтисодий ривожланиш концепцияси якка ҳукмрон бўлиб келган. Қисқача айтганда, ушбу концепциянинг моҳияти ниҳоятда содда ва тушунарли: иқтисодиёт ва меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати юқори бўлган, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва аҳоли жон бошига ўртача даромади юқори бўлган мамлакат фаровон ҳисобланади. Турли сиёсий, иқтисодий тизимларга эга давлатлар айнан иқтисодий ривожланиш суръатларига кўра ўзаро рақобатлашар эди. Бу концепция содда ва тушунарли бўлгани туфайли замон одамлар тафаккурига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Аммо XXI аср бўсағасида иқтисодий ўсишнинг ўзи асосий мақсад эмаслиги аён бўлиб қолди. Жамиятнинг даромадлари фақат восита холос: улар кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига ҳам, қуролланишга ҳам, маорифни ривожлантиришга ҳам, дабдабали, лекин халқ фаровонлигига таъсир кўрсатмайдиган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам сарфланиши мумкин. Шу сабабли турли мамлакатлардаги турмуш сифати ҳар доим ҳам ўртача даромад даражасига мос келавермайди. Бундан ташқари, ЯИМ нотекис тақсимланиши мумкин. Чунки, ҳукуматларнинг ижтимоий сиёсати фаол, кучли ёки суст, лоқайд бўлиши мумкин. Демак, ЯИМ даражаси ҳам, ўсиш суръати ҳам тараққиёт ва муваффақиятнинг асосий мезони бўла олмайди. Бу ҳақиқатни англаш янгича ёндашувни — Инсон тараққиёти концепциясини шакллантириш имконини берди.

Ушбу концепциянинг вужудга келишига ҳинд иқтисодчиси, 1998 йилда Нобель мукофоти лауреати бўлган Амартья Кумар Сеннинг илмий асарлари ва покистонлик машҳур иқтисодчи Маҳбубулҳақнинг фаолияти катта ҳисса бўлиб қўшилди. Маҳбубулҳақ БМТТД томонидан 1990 йилда тайёрланган биринчи „Инсон тараққиёти тўғрисида“ги маърузанинг ташаббускори ва муаллифларидан бири бўлди. Шундан буён ушбу нашр ҳар йили чоп этилади[3]. Шунингдек, дунёнинг деярли барча давлатлари ҳар йили Инсон тараққиёти концепциясига асосланган ўз миллий маърузаларини тайёрлайди[4].

---

[1] *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. // „Халқ сўзи“. 2010 йил 13 ноябрь.

[2] Доклад о развитии человека 2010 — Реальное богатство народов: пути к развитию человека. — ПРООН,2010. — С. 22.

[3] Ушбу нашрлар билан рус тилида www.undp.org сайти орқали танишиш мумкин.

[4] Measuring human development. New York. 2007. — P. 2.

Шундай қилиб, йигирма йилдан кам муддатда Инсон тараққиёти концепцияси ижтимоий жараённинг умумий тан олинган парадигмасига айланди. Бошқача айтганда, у нафақат назарий қурилма, балки жамият ривожланишининг комплекс моделидир. Инсон тараққиёти нуқтаи назаридан эришилган ютуқлар бугунги кунда барча жойларда мамлакат фаровонлиги ва у танлаган йўлнинг тўғрилигини тасдиқловчи бош мезон сифатида тан олинади.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг Мингйиллик саммити бўлиб ўтди ва унда БМТнинг Мингйиллик декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 та давлат ва 23 та халқаро ташкилот томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди. МРМга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар 8 та мақсад, 21 та вазифа ва 60 кўрсаткичга асосланган ҳолда баҳоланади[1].

2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси „БМТ Мингйиллик мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" махсус қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан юксалтириш учун зарур бўлган қўшимча чораларни амалга ошириш мақсадида вазирликлар, идоралар, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатда инсон салоҳиятининг муттасил ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракат дастури белгиланган[2].

Инсон тараққиёти концепциясига кўра, жамиятнинг ривожланиши марказида фақат оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки аввало инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони — одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг табиий, жамиятда умумэътироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатлироқ қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиш демакдир.

Бир қарашда буларнинг барчаси — ўз-ўзидан равшан, оддий ҳақиқат ва ҳаммага маълум фикрлар бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, ҳатто қадимги антик давр мутафаккирлари ҳам қайд этганидек: „бойлик биз интилаётган асл мақсадимиз эмаслиги аниқ; у шунчаки фойдали ва бошқа нарсага эришиш учун хизмат қилади" (Аристотель).

Инсоният асл мақсад ва тараққиёт мезони инсон эканини тушуниш учун нима сабабдан бунчалик узоқ йўл босди? Гап шунда бўлса керакки, инсон тараққиёти концепциясининг муаллифларидан бири Маҳбубулҳақ таъкидлаганидек, „ўз-ўзидан равшан нарса — бу баъзан кўра билиш энг мушкул бўлган нарсадир".

Бундан ташқари, инсоният аввалги даврларда инсоннинг имкониятларини кенгайтириш масаласини амалий ҳал этишга қодир эмас эди. Бу ҳол бунинг учун зарур шарт-шароит вужудга келгандагина, яъни — илмий-техник тараққиётнинг инқилобий ривожланиши ва инсон бунёдкорлик салоҳиятининг мислсиз ўсиши, глобализация ва халқаро ҳамкорликнинг мутлақо янги имкониятлари пайдо бўлиши, демократия ва бозор иқтисодиёти кўламининг кенгайиши кузатилган тақдирдагина мумкин бўлди.

Дарҳақиқат, иқтисодий ривожланиш суръатларини таҳлил қилиш жараёни аниқ ва тушунарлидир: бу соҳадаги статистика кўрсаткичлари холис бўлиб, уларни қиёслаш мумкин. Аммо, инсон тараққиёти муваффақиятини қандай баҳолаш керак?

---

[1] „Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш тўғрисидаги маъруза". 2010 йил. 74-б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги „Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 21-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 4–5-сон. 35-модда.

Гапни шундан бошлаш керакки, турли жамиятлар, миллатлар ва халқларнинг дунёқараши, маданияти, қадриятлари турлича бўлса-да, барча жойда „турмушнинг юқорироқ даражаси“ деганда қарашлар ўхшаш бўлади. У оилавий фаровонлик, саломатлик, узоқ умр кўриш, моддий фаровонлик, маълумотнинг юқори сифат даражаси, нафақат салмоқли даромад, балки меҳнатдан маънавий қониқиш, жамоатчилик орасида обрў орттириш, хавфсизлик, маданий ҳордиқ каби тушунчаларни қамраб олади. Одамлар ҳар доим шахс ва фуқаро сифатида ўз дунёқарашини ифода этиш имкониятига эга бўлишни, жамият ҳаётида иштирок этишни, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини, фикрлари эътиборга олинишини ҳар доим қадрлаб келишган ва қадрлашади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шу нарса эътироф этиладики, инсон тараққиётини баҳолаш қуйидаги принциплар ва учта компонентга асосланиши керак:

1. Фаровонлик. Инсон тараққиёти фақатгина ижтимоий сиёсат соҳаси билан чекланади деб ўйлаш хато бўлади. Иқтисодий ривожланишсиз, иқтисодий салоҳият потенциалини кўтармасдан, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, имкониятларини кенгайтиришга эришиб бўлмайди. Инсон тараққиёти концепциясини фақат таълим ва соғлиқни сақлаш, гендер ривожланиш ва қашшоқликка қарши кураш кўрсаткичлари каби ижтимоий мезонлар статистикаси асосида таҳлил қилиш нотўғри. Ушбу маълумотлар жамғариш ва инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, савдо ва технологиялар каби кўрсаткичларсиз инсон тараққиёти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Охир-оқибат, жамиятнинг ривожланишини унинг самарадорлигига, яъни одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ресурслардан фойдаланиш оптималлигига кўра баҳолаш лозим. Шу сабабли инсон тараққиётининг бош уч компонентидан биттаси фаровонлик ҳисобланади.

Инсоннинг реал эркинликларининг кенгайиши уни равнақ топиши билан ҳамқадам бўлмоғи керак. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширишни, иқтисодий ўсишни талаб қилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, инсон тараққиёти концепциясига кўра, иқтисодий ривожланиш мафкураси ўзгаради. У эндиликда ялпи, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга эришишга қаратилмай, инсон тараққиётининг бошқа принциплари ва компонентлари билан узвий бирикиши керак.

2. Ҳуқуқ ва имкониятлар кенгайиши, агентлик. Инсон тараққиёти даражаси ривожланиш масалаларини ҳал қилишда инсоннинг ўзи қанчалик иштирок этаётгани билан ҳам белгиланади. Ахир, у ривожланишнинг нафақат объекти, балки субъекти ҳамдир, нафақат тараққиётнинг воситаси ва омили, шу билан бирга, унинг мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Амартья Кумар Сен одамларнинг ўз тақдирларини ўзлари шакллантириш қобилиятини, яъни унинг иборасига кўра, „агентлик“нинг аҳамиятини таъкидлаган эди. Шунинг учун алоҳида индивидлар ҳамда гуруҳларнинг ўз манфаатларига кўра ва ижтимоий тараққиёт мақсадларига қаратилган ҳаракатлари имкониятларини кенгайтириш инсон тараққиётининг иккинчи компоненти сифатида тан олинади.

Бир томондан, бу инсонларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш, уларнинг сиёсий фаоллиги ва жамиятдаги ролини оширишни билдиради. Бошқа томондан эса, имкониятларни кенгайтириш инсон омили салоҳиятини, билими, кўникмалари, жисмоний ва ақлий қобилиятларини оширишни англатади. Ҳозирги кунда инсоний капитал, билимлар иқтисоди салмоқли тарзда иқтисодий ўсиш манбаи бўлаётгани умумий равишда эътироф этилмоқда. Инсоний капиталга сармоялар киритиш энг рентабелли ва самарадор бўлмоқда.

3. Адолат. Жамиятнинг ривожланиш даражаси имкониятлар тенглигига, яъни ушбу жамиятда аҳолининг турли индивидлари ва гуруҳлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши адолат принципига кўра баҳоланиши керак. Имкониятлар тенглиги — мавҳум тушунча эмас. У аниқ, реал ҳамда ҳуқуқий ва иқтисодий таъминлашни талаб қилади. Унинг моҳияти шундаки, жамиятда муайян белгига, шу жумладан, жинсига кўра, ҳуқуқий ва иқтисодий камситиш, кўпроқ ёки камроқ имтиёзларга эга этник

гуруҳлар, эксплуатация қилинувчи синфлар бўлмаслиги керак. Ногиронларга тизимли ёрдам алоҳида эътиборни талаб этади. Бундай адолатни ўрнатиш омиллари орасида қонунчиликда мустаҳкамланган ва амалиётда қўлланадиган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларидан фойдаланиш, микромолиялаш тизими орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар мавжуд.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг умумий эътироф этилган учинчи компоненти — ижтимоий адолат, натижаларнинг барқарор таъминлангани, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳисобланади. Инсон тараққиёти концепцияси, иқтисодий ўсиш назариясидан фарқли ўлароқ, ижтимоий тараққиётга узоқ муддатли жараён сифатида қарайди. Фақатгина бугун яшаётган инсонлар эҳтиёжини қондириш ҳақида ўйлаш билан чекланмасдан, келажак авлодлар учун муносиб ҳаётни таъминлаш ҳақида фикр юритмоқ зарур. Орол денгизи ҳудудидаги экологик оғир вазият собиқ тузумнинг табиатга нисбатан бўлган ваҳшийларча муносабати нималарга олиб келишини яққол кўрсатиб турибди.

Шунинг учун жамиятнинг мақсади — ривожланишнинг узлуксизлигини, унинг барқарор характерини таъминлашдир. Барқарор ривожланиш принциплари 1980 йилда Халқаро атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича комиссия томонидан тайёрланган „Бизнинг умумий келажагимиз“ маърузасида белгиланган эди. Унда таъкидланишича, барқарор ривожланиш бу — „бугунги куннинг эҳтиёжларига жавоб берадиган, аммо улардан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлиш имкониятларидан маҳрум этмайдиган ривожланишдир“. Шундан келиб чиққан ҳолда, барқарор ривожланиш — бу комплекс тушунча бўлиб, ўз ичига иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа компонентларни ҳам қамраб олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон тараққиёти концепцияси — бу самарали ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда уни мантиқий якунига изчил равишда етказиш, яъни одамлар имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, бугунги ва келгуси авлодларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришдир[1].

**Ўзбекистонда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши учун реал шарт-шароитларни яратувчи ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар.** Бугунги кунда мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун реал шарт-шароитларни яратувчи ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳамиятга молик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз ўз олдимизга қўйётган мақсад эса барчамизга яхши маълум — бу замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат[2].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизида, аввало, инсон омили мужассам. Истиқлолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли қўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмоқда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда[3].

Истиқлол даврида мамлакатимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўринни эгаллади. Эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мустақиллик йилларида салмоқли бўлди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши, 2011.

[2] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. статистик тўплам. — Т.: „Ўзбекистон“, 2011, 3—4-б.

[3] Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ. „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 10 май.

Хусусан, 2011 йилнинг якунига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,3 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 6,6 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 16,1 фоизга ошди (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Ўзбекистонда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар**

| Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши | 9,5 | 9,0 | 8,1 | 8,5 | 8,3 |
| Саноат маҳсулотининг ўсиши | 12,1 | 12,7 | 9,0 | 8,3 | 6,3 |
| Хизмат кўрсатиш ҳажми | 20,6 | 21,3 | 12,9 | 13,4 | 16,1 |
| Савдо соҳаси | 21,0 | 7,2 | 16,6 | 14,7 | 16,4 |
| Давлат бюджетининг бажарилиши | +1,1 | +1,5 | +0,2 | +0,3 | +0,4 |
| Инфляция даражаси | 6,8 | 7,8 | 7,4 | 7,3 | 7-9 |
| Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақларининг ошиши | 44,2 | 40,0 | 40,0 | 32,0 | 26,5 |
| Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши | 27,0 | 23,0 | 26,5 | 23,5 | 23,1 |

Бу қадар салмоқли ютуқ ва натижаларга эришишнинг асосий омилларидан бири — аввало самарали иқтисодий сиёсатнинг тўғри танлангани ва изчил равишда амалга оширилгани билан боғлиқ. Бунда ҳар йиллик белгиланаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари, дастурлари ва чора-тадбирлари муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, йил давомида асосий эътибор қаратиш, барча куч ва саъй-ҳаракатларни йўналтириш, имконият ва салоҳиятни сафарбар этишнинг муҳим соҳа ва жабҳаларини ифодаловчи устувор йўналишларнинг белгилаб олиниши ушбу муваффақиятларнинг мустаҳкам замини ҳисобланади. Айниқса, ушбу устувор йўналишлар таркибида бевосита инсон омилини янада юксалтиришга хизмат қилувчи вазифа ва чора-тадбирларнинг белгиланиши муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан, 2012 йилда ҳам бундай йўналишлар қаторида қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш, „Мустаҳкам оила йили“ умумдавлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш каби устувор вазифаларни алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ўтган давр мобайнида, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида босиб ўтишимизга тўғри келган улкан қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти 20 йил давомида қарийб 3,4 баробар, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсганини, бу даврда мамлакатимиз аҳолиси 8 миллион 244 минг кишига кўпайиб, ҳозирги кунда 30 миллион нафарни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, чиндан ҳам тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 марта ошди. Айни пайтда бу кўрсаткичнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ўртача даромадга эга бўлган аҳолининг улуши ўсиб бормоқда. Экспертлар томонидан билдирилган хулосаларга кўра, ўртача даражадаги барқарор пул даромадларига эга бўлган уй хўжаликларининг улуши 2010 йил якунлари бўйича 60 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, 1990 йилда бу кўрсаткич 18 фоиздан иборат эди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз аҳолиси даромадларида ўта кескин фарқ бўлишига йўл қўймаслик борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

Таъкидлаш керакки, эришган ана шундай барча ютуқларимизнинг замирида аввало миллионлаб юртдошларимизнинг кундалик фидокорона меҳнати, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш тизимидан воз кечилгани, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури мужассамдир.

Аҳолининг ҳар бир аъзоси турмуш шароитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

**Аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш — инсон омилини юксалтиришнинг негизи сифатида.** Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига мамлакатимизда кам таъминланган тоифа миқдорини камайтириш ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойилларининг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари борасида маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, БМТнинг турли таркибий тузилмалари бу борада молиявий ёрдам бериш ва мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали кўмаклашишга ҳозирлигини изҳор этди. Ўзбекистоннинг 2015 йилгача бўлган даврдаги вазифаси кам таъминланган аҳоли ҳиссасини 50 фоизга қисқартиришдан иборат. Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юксак иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

— биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари — тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

— иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „Ўзбекистон", 2011, 6—7-бетлар.

— учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтларини маданий тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.




***1-расм.* Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар.**

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охирги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда (2-расм).




**2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан).**

Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб- қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффициенти 1991—2011 йилларда 0,4 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади (3-расм).




***3-расм.* Аҳоли пул даромадлари дифференцияси даражаси.**

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида — 2007—2011 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди. Шу билан бирга, бу даврда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3 баробар ўсди.

Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пуллик хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда, 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда,ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислоҳотлар натижасида 1991—2011 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди.

Мамлакатимиз хукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди (4-расм).




*4-расм.* **Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши.**

Расмда келтирилган маълумотларга кўра, 1990 йилда ўртача даромадга эга бўлганлар аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда, уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46—48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. Шу билан бирга, 2011 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди (2-жадвал).

*2-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби, фоизда**

| Кўрсаткичлар | 1991 й | 2001 й | 2010 й | 2011 й |
|---|---|---|---|---|
| **1. Жами харажатлар таркиби** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| шундан: | | | | |
| истеъмол харажатлари | 81,1 | 84,3 | 78,4 | 78,1 |
| истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар) | 7,1 | 6,9 | 6,2 | 6,0 |
| омонатлари ва жамғармалар | 11,8 | 8,8 | 15,4 | 15,9 |
| **2. Жами истеъмол харажатлари** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| озиқ-овқат маҳсулотлари учун | 58,3 | 59,8 | 49,8 | 49,5 |
| ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун | 31,5 | 26,8 | 33,7 | 33,8 |
| хизматлар учун тўловлар | 10,2 | 13,4 | 16,5 | 16,7 |

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1991—2011 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 81,1 фоиздан 78,1 фоизга, истеъмолдан ташқари харажатлар улуши 7,1 фоиздан 6,0 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 11,8 фоиздан 15,9 фоизга ортган. Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига қараганда, 1991—2011 йилларда нон ва нон маҳсулотларининг истеъмоли камайган, аксинча, қолган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ортган (3-жадвал).

*3-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (аҳоли жон бошига, килограмм ҳисобида)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | 2011 йилда 1991 йилга нисбатан фоизда |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1991 | 2001 | 2010 | 2011 | |
| Нон ва нон маҳсулотлари | 170 | 167 | 160 | 158 | 92,9 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 31 | 34 | 38 | 39 | 125,8 |
| Сут маҳсулотлари | 183 | 162 | 239 | 242 | 132,2 |
| Тухум (дона) | 97 | 47 | 138 | 140 | 144,3 |
| Сабзавот ва полиз экинлари | 107 | 128 | 238 | 241 | 225,2 |
| Картошка | 29 | 36 | 45 | 47 | 162,0 |
| Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар | 12 | 12 | 13 | 13 | 108,3 |
| Шакар | 12 | 16 | 17 | 18 | 150,0 |
| Мева, жумладан, узум | 23 | 42 | 83 | 85 | 369,5 |

Ўзбекистонда аҳоли сони 1991—2011 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамасдан жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 25,8 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 32,2 фоиз, тухум 44,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,6 баробар, мева 3,7 баробар ва шакар 1,5 баробар ўсди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зар[...] истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолини[...] истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даража[...] яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўс[...] динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги вақтда 7,2 бароб[...] ошди (5-расм).




***5-расм.* Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватчасига нисбатан, марта ҳисобида).**

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995—2010 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000—2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари — омонатларига эга.




***6-расм.* Аҳоли жамғармаларининг 1995 йилга нисбатан ўсиши.**

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб борганi сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш — тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

**Ўзбекистонда инсон омилини юксалтиришда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган натижалар.** Энг аввало, инсон омилининг ақл-заковат, билим ва малака жиҳатидан юксаклигини таъминлашнинг асоси ҳисобланган умумий ва ўрта махсус таълим мамлакатимизда давлат томонидан кафолатланади. 7—15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, „Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган

дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қандай кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди“[1].

Бундан кўринадики, эркин демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби пировард мақсадларга таълим соҳасини тубдан ўзгартирмасдан ва замонавий асосда қайта қурмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Таълимнинг бошқа босқичлари қатори олий таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартириш мустақиллик давридаги таълимислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги қонуни (1997 йил 29 август) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқаро таълим стандартларини мамлакатимиз олий таълим тизимига жорий қилиш, юксак малакали замонавий кадрлар тайёрлашда миллий тажриба ва анъаналаримиз билан бирга илғор жаҳон тажрибасидан ҳам кенг фойдаланиш борасида янги уфқ ва имкониятлар очди.

Айнан ана шу ҳужжатлар асосида олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар билан таъминлаш, янгича фикрлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб олинди.

Олий таълимда бакалавриат ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига мос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Президент Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: „Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин“.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Президентимиз ташаббуси билан юзага келди. Бундай дастур дунёда АҚШдан сўнг фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги унинг афзалликларини тўла эътироф этиб, бизнинг бу соҳадаги тажрибаларимизни ўрганмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий жиҳатдан янги меъёрий-ҳуқуқий пойдевори яратилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни саралаш, аттестациядан ўтказиш, бошқарув ходимлари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида замон талабларига мос келадиган самарали босқич ва шаклларни ўз ичига олган узлуксиз таълим тизими яратилди (7-расм).

---

[1] Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. — Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // „Халқ сўзи“, 2009 йил 6 декабрь.




***7-расм.* Ўзбекистон Республикасидаги узлуксиз таълим тизими.**

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қаторида таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик хусусияти, таълим узлуксизлиги, умумий, ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб таълимининг, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи йўналишининг танлаш эркинлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра, соҳани тубдан ислоҳ этиш ҳамда замон талаблари асосида ривожлантиришда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тармоғининг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан таълим-тарбия жараёнига ёндашувда ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ёш мутахассис кадрларнинг кенг дунёқараш, замонавий билим, кўникма ва малака билан бир қаторда, жисмонан соғлом бўлиши ҳам энг муҳим талаблардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бунинг учун эса ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини мунтазам ва тизимли тарзда йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этиши табиий, албатта.

Шунга кўра, шахсан Президентимизнинг ташаббусига кўра, Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 босқичли оммавий спорт мусобақалари тизими ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида „Умид ниҳоллари“, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида „Баркамол авлод“, олий ўқув юрти талабалари ўртасида „Универсиада“ спорт мусобақаларини ўтказиш таълим-тарбия тизимига киритилди.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, ўқувчи ва талаба ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, норматив ҳужжатларда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида“ги (2002 йил 24 октябрь) фармони ва шу фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланадиган спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди.

Жумладан, „2003—2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82 фоизи) қишлоқ жойлардадир. Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар

ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади“[1].

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўп жиҳатдан мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Бунда асосий йўналишлар сифатида олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув, ўқув-услубий ва илмий фаолиятни модернизация қилиш, таълим ва илмий тадқиқот жараёнларидаги инновацион йўналишларни кучайтириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлардан кутилаётган асосий мақсад юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган миллий мутахассис кадрларни тайёрлаш технологияси ҳамда таълимнинг мазмунини янгича босқичга кўтаришдан иборатдир. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ушбу жараёнларнинг аҳамиятини белгилаб берувчи ва мақсад сари йўналтирувчи дастуруламал бўлиб ҳисобланади: „Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар“[2].

2012 йилнинг 16—17 февраль кунлари Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда фаол, интилувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 миллион доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг 290 миллион доллар маблағи Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг „КфВ“ банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдами шулар жумласидандир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, „Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган дастур бу — бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир“[3].

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда сифат жиҳатидан янги, замонавий талабларга жавоб берадиган, ўз таркибида республика ва вилоят тез тиббий ёрдам марказларини бирлаштирган тиббий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 5 май // „Халқ сўзи“, 2010 йил 6 май.

[2] Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. — Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси „Халқ сўзи“, 2009 йил 6 декабрь.

[3] „Халқ сўзи“, 2012 йил 18 февраль.

муассасалар тармоғи яратилди. Барча вилоят марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббий марказлар тармоғи фаолият юритмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда замонавий асосда жиҳозланган 3 минг 200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича замонавий тизим яратилди, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда[1].

Бу борадаги ютуқ ва юксак натижалар 2011 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги „Маърифат маркази“ мажмуидаги симпозиумлар саройида ўтказилган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда яна бир бор эътироф этилди. Симпозиумда 40 га яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг „Save the children“ („Болаларни асрайлик“) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўнта етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади.

Юқоридагилардан кўринадики, мамлакатимизда инсон омилига энг юқори даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳаётимизнинг қайси жабҳаси, қайси йўналиши бўлмасин, уларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотларнинг диққат марказига инсон омили, унинг манфаати ва орзу-интилишлари асосий мезон сифатида қўйилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг „2012 йилни „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаши каби эзгу мақсадлар мужассам. Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб, кўп миллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир“[2] деган сўзлари юртимизда инсон омилининг бундан буён доимо энг муҳим ва ҳал қилувчи куч бўлиб қолишининг амалий тасдиғидир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „Ўзбекистон“, 2011, 9-б.

[2] Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ. „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 10 май.

# ТАРИХНИ ДОҲИЙЛАР ЯРАТМАЙДИ, ТАРИХНИ ХАЛҚ, ИНСОН ЯРАТАДИ

**Тарих ва маънавий тараққиёт.** Мустақиллик йилларида маънавият ва тарихий хотира масалалари давлатимиз сиёсатида устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Чунки „миллатнинг ўзлигини англаши тарихни билишдан бошланади". Ушбу ҳақиқат Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, „...давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур"[1].

Халқимизни ўз тарихи билан қуроллантириш маънавият ва миллий мафкурани шакллантириш соҳасидаги кечиктириб бўлмас вазифа экани Ислом Каримов томонидан бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан ўтказилган суҳбатда (1998 йил 26 июнь) ҳамда давлатимиз раҳбарининг „Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асарида (1998) ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам, „тарих — халқ маънавиятининг асосидир"[2]. Бинобарин. мустақил Ўзбекистоннинг буюк неъмати бўлган эркинлиги ва озодлиги халқимизнинг. давлатимиз раҳбари Президент Ислом Каримовнинг шу йўлдаги мардлик ва жасорати. серқирра фаолияти маҳсули, шу билан бирга, Туронзаминда вояга етган ҳамда жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиб, ўз ғоялари, тафаккури билан миллий мавкурасига асос солган аждодларимизнинг бой мероси ва қадимий тарихимизнинг мантиқий натижасидир.

Тарихимиз, энг аввало, юртимизда яшаб ўтган буюк сиймолар, халқ орасидан етишиб чиққан улуғ аждодларимизнинг ҳаёт йўлида, уларнинг Ватан олдидаги беназир хизматларида яққол намоён бўлади. Ана шу буюк зотларнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд. қаддимизни тик қилади. Мустақиллик берган буюк неъматлардан бири ҳам шундаки. миллатимизнинг ўтмиши камида уч минг йилга бориб тақаладиган ҳаққоний тарих билан қуроллантириш имкониятини берди. Бу эса, ёшларни аждодларга муносиб авлодлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган тарихан қисқа муддатда биз ўзлигимизни, ўз ғоямиз, миллий ғууримиз ва тафаккуримизни англаш туйғусини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бу туйғу бугунги кунга ҳамоҳанг буюк аждодлар ғоялари, тафаккуридан озиқланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгига миллий ғоянинг чуқур сингдирилаётгани билан узвий боғлиқдир. Ана шуларни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов: „Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади"[3], деб уқтирди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: „...мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда"[4]. Истиқлол йилларида халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқлар пойдеворига, куч-қудрат манбаига айланаётганини, айниқса, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизида инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётганини кузатиш мумкин. Маънавий мерос, миллий қадриятларнинг тикланиши, ёшларни ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш

---

[1] *Ислом Каримов.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент: „Шарқ", 1998. 5-бет.
[2] Ўша манба, 21-бет.
[3] *Ислом Каримов.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: „Маънавият", 2008. 4-бет.
[4] „Халқ сўзи", 2012 йил 10 май.

давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий давлатчилик асослари миллий ўзликни англаш тамойили билан тобора мустаҳкамланмоқда. Миллий-маънавий янгиланиш, қадриятларимизнинг қайта тикланиши тараққиёт омилига айланди.

Миллат ўзлигини қанчалик чуқур англаса, ўзининг иззатини, қадр-қимматини жойига қўйса, уни бошқалар ҳам улуғлайди, ҳурмат қилади. Қадимий анъана ва қадриятларига содиқ ўзбек миллати ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан асрлар оша ном қозониб келмоқда. Халқимизнинг бугунги кунида яққол намоён бўлаётган инсонпарварлиги, кекса ёшдаги улуғ кишиларга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, иззат, муҳтожларга хайр-саховат қилиш, ота-онага эҳтиром, қариндош-уруғнинг, қўни-қўшнининг оғирини енгил қилиб, ташвишу қувончларига шерик бўлиш каби инсонийлик фазилатлари беҳисобдир. Ана шу эзгу хислатларга зид қарашларни ўзида шакллантирган худбинлар, қора ниятли кишилар, оз бўлса-да, учрайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб қилиш бугунги кундаги энг долзарб масаладир.

Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни вояга етказиш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, қадриятларимиз, тилимиз, қадимий тарихимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга инсонпарварлик, байналмилаллик, самимийлик ва бағрикенглик руҳида ҳам тарбиялашимиз бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

Дунёдаги ҳар қандай миллатнинг ўзигагина хос миллий қиёфасини намойиш этадиган, белгилаб турадиган хусусиятлари бўлади: давлати, тили, дини, урф-одатлари, қадриятлари, маданияти, мусиқаси, санъати, машҳур шахслари, руҳияти, ифтихор туйғуси... Назаримизда, миллий ғоя тушунчаси миллатга хос бўлган, ҳозир санаб ўтилган хусусиятлар заминида шаклланади, муайян бир қолипга тушади.

Бугунги кунга келиб дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамоқда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Дунёда миллатлар кўп, улар ичида буюк ўтмишга эга бўлган ўзбек миллати ҳам бор. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга қараб бизнинг миллат сифатидаги қиёфамизни, миллатимизга хос бўлган бағрикенглигимизни кўради.

Президентимизнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласида бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритаётган ҳамда жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган улкан ютуқ ва натижаларнинг негизида турган асосий омил мустақиллик йилларида халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида атрофлича фикр юритилди: „Авваламбор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас“[1]. Мазкур жараёнда, айниқса, инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётгани ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилди. Шу муносабат билан тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янгича мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди. Ҳақиқатдан ҳам, тарихни халқ яратади, уни яратишда фаол қатнашган, халқ руҳида, онгида ва қалбида ўзларидан чуқур ва ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳам халқ фарзандларидир. Шу сабабли тарихчи мутахассислар рамзий маънода тарихни уни яратган ва яратаётган халқнинг таржимаи ҳолига қиёслашади. Шунинг учун ҳам қадимги тарих, ўрта асрлар тарихи, замона тарихи каби иборалар ишлатилади. Булар яхлит ҳолатда Ватанимиз тарихини англатади.

Маълумки, халқимиз ўзининг минг йилликлар мобайнида шаклланган адолатпарвар сиёсати, маънавий баркамол миллий давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Қорахонийлар, ғазнавийлар ва

[1] Ўша манба.

хоразмшоҳларнинг адолат ва инсонпарварликка таянган салтанатлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириб, марказлашган давлат тузиши, миллат ифтихори учун курашиши ва буюк темурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маданият равнақига, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳириддин Муҳаммад, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳон каби темурийларнинг турли эзгулик ва маърифат йўлидаги фаолияти жаҳон сиёсатдонлари томонидан юқори баҳоланган.

Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий тилли халқ ўз тарихида кўплаб буюк ва шавкатли салтанатлар қурган халқдир. Олис ўтмишимизга назар ташлаб, халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида қанча-қанча синовларни бошидан кечиргани, маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқларидан баҳра олганига амин бўламиз. Шу билан бирга, тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очарчилик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмаганини теран англаймиз.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил тўлган бўлишига қарамасдан, минг афсуски, дунёда қанчадан-қанча тўқнашувлар, тортишувлар, офатлар, қон тўкилишлар содир этилаётганини, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора кенг тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррарлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунинг учун ҳам, бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида фикр юритилар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини ҳам унутмаслик керак. Эртанги кун ёшлар қўлида экан, ҳаётга ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллик туфайли миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, Ватан учун ифтихор, ғурурланиш ва шу сингари бошқа туйғулар яна бир бор чўққига кўтарилди, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий дунёси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб борди, бу эса янгидан-янги ютуқлар гаровига, куч-қудрат манбаига айланди, миллий интеллектуал салоҳиятни юксалтирди.

Инсоният турли даврларда, турли шаклларда уйғониш ва юксалиш даврини, олимлар „ренессанс“ деб атайдиган ҳодисани бошидан кечирган. Бутун одамзод тарихида жуда нодир ҳодиса бўлган ренессанс Ғарбу Шарқда ҳар минг йилда фақат икки-уч марта содир бўлар экан. Бир неча асрлик мустамлакачиликдан сўнг ёхуд миллий таназзул изтиробларидан кейин шундай ҳодисалар юз берадики, одамлар ўзларини англай бошлайди. Фикрий мудроқликка чек қўяди. Ҳаётни, олам ранг-баранглигини англай бошлайдилар.

Ўзбек халқи ўзининг кўҳна тарихида Уйғониш ҳодисасининг турли шаклларини кўрган. Жумладан, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа ўнлаб улуғ бобокалонларимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ бўлган IX—XII аср — Уйғониш даври Туронзамин халқлари тарихидаги **биринчи Ренессанс** ҳодисаси саналган бўлса, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур фаолияти билан боғлиқ бўлган қарийб 500 йиллик давр аждодларимиз ҳаётидаги иккинчи Уйғониш даври, миллий тикланиш, миллий тараққиёт палласи бўлиб тарихда абадий қолди. Бу **иккинчи Ренессанс** ҳодисаси жаҳон фани, маданияти, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган миллий давлатчилик ва бошқарув тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган буюк воқеликдир.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги неча минг йиллик ўзбек халқи тарихида бурилиш нуқтаси бўлди ва бутунлай янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистоннинг совет империяси мустамлакачиларидан озод бўлиб, мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, эркин фуқаролик жамиятини қуриш сари дадил одимлари улкан ижтимоий ва тарихий аҳамиятга молик жараёндир. Бу мустақиллик берган буюк неъмат

абадиятга дахлдор ҳодисадир. Шу туфайли миллат қаддини ростламоқда. Асрлар мобайнида йўқолган қадриятларини ва нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, учинчи минг йиллик арафасида мустақил Ўзбекистонга янги бир уйғониш ва юксалиш даври насиб этди. Эндиликда „Мустақиллик“, „Истиқлол“ тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган **учинчи Ренессанс** даври бошланди. Албатта, бундай миллий тараққиёт бир неча ўн йилликлар ва ҳатто асрларни қамраб олади. Бироқ, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср Ўзбекистон халқлари ҳаётида янги тамаддуний тараққиёт босқичи бўлиб қолади. Мамлакат йўлбошчисининг Ватан хавфсизлигини, барқарорлик ва тараққиётни таъмин этишда Амир Темурнинг буюк ибрати ва ўлмас анъаналари юксак мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бутун инсониятнинг илғор тажрибасини ҳисобга олиб иш юритиш, айни вақтда, ўз миллий-маънавий илдизларимиздан мадад олиш ва улуғ аждодларнинг анъаналарини ривожлантириш — бу ҳаммаси миллий юксалишни таъмин этувчи омиллар экани буюк аждодларимиз фаолиятида ва тақдирларида кўзга яққол ташланиб туради.

Миллатни, халқни, ёш мустақил давлатни ер юзига қайтадан танитиш, буюк аждодларга муносиб ворис бўлиш, улар қолдирган бебаҳо меросни асрлар қаъридан зарралаб йиғиб, бугунги жаҳонни қойил қолдирадиган юксакликларга кўтариб қўйиш қанчалик катта қудрат ва жасорат талаб қилишини биз Ўзбекистоннинг истиқлол даврида ўз кўзимиз билан кўрдик.

Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва мамлакатни обод қилиш анъаналари, оламшумул ғалабалари, қудратли давлат ва яратган обидалари бундан олти аср муқаддам жаҳонга танилганидек, шу тарзда давом эттирилганида халқимизнинг кейинги тақдири бутунлай бошқача кечган бўларди. Орадан олти аср ўтиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг адолат қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси орқали халқимизнинг улуғ қудрати бутун дунёга яна бир бор намоён этилди. Шу сабаб, Давлат мадҳиямизда: „Улуғ халқ қудрати жўш урган замон. Оламни маҳлиё айлаган диёр“ деган сатрларнинг жаранглаши албатта бежиз эмас.

Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қисқа фурсатда қуриб битказилди. Бу улкан музей фақат ўтмишимизга ҳурмат ва эҳтиром белгисигина эмас, айни пайтда у буюк келажагимиз, буюк истиқболимизнинг рамзи ҳам бўлиб қолади.

Буюк аждодларимиз жасоратини теран англаш, чуқур ўрганиш асносида миллий қадриятларимизни, қадимий анъаналаримизни, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган зотларни янги шароитда янгитдан яна бир бор кашф этамиз, қайтадан дунёга танитиш имкониятига эга бўламиз ҳамда келажаги порлоқ бўлган ёшларга ибрат ва намуна сифатида кўрсатамиз, буюк зотларга муносиб бўлишга уларни астойдил ундаймиз. Асрлар оша, довонлар оша келаётган бу маънавий бойликнинг умри боқийдир. Бағрикенг халқимизнинг қадриятлари — тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси сифатида вақтлар ўтган сайин, замонлар кечган сайин юлдуздек ярқираб, чирой очаверади, келажаги буюк бўлган ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим омил сифатида хизмат қилаверади. Чунки тарихий хотира қанчалик бой, мазмунли бўлса, халқ шунчалик уюшган, ҳамжиҳат бўлиб, улуғвор ишларни бажаришга қодир бўлади.

**Халқ — тарих ижодкори.** Маълумки, халқ — воқеа-ҳодисаларнинг ичида яшаб, унинг бутун жараёнларини ўз қалбидан ўтказиб, сўнг у ёки бу тарзда баҳолайдиган буюк мезон. Мустақиллик халқимизнинг имкониятларини тобора кенгайтириб, унинг яратувчилик иқтидорини ва бунёдкорлик қобилиятини янада кучайтириб, реал воқеликка бўлган муносабатини ўзгартирди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги „Буюк ва муқаддас Ватаннинг улуғ байрами“ мавзусидаги маърузасида босиб ўтилган тарихий давр таҳлил этилиб, халқимизнинг тарих яратувчиси сифатида ўз ҳаётидан ўтказган асосий хулосалари баён қилинди. Яъни Ўзбекистоннинг мустақиллиги осонлик билан ва ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, халқимизнинг собитқадам

ва сермашаққат фаолиятининг натижаси бўлгани, шу маънода, истиқлол кимнингдир инъоми эмас, балки кўплаб курашлар, мунтазам ҳамда самарали фаолият асосида қўлга киритилган қонуний натижа, халқимизнинг улкан ютуғи экани таъкидланди.

Ўзбек халқи жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиб, энг маъқул томонларини қабул қилиши баробарида бирор мамлакатнинг тараққиёт моделини кўр-кўрона, механик тарзда кўчириб олмади, чунки ҳар бир мамлакатнинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари, ўзгача табиий ресурслари, халқининг тарихий тажрибаси, менталитети бор. Шу боис, бир халқнинг тараққиёт модели иккинчи халққа тўла мос келмайди. Бу масалада, аввало, ижодий ёндашув талаб этилар эди. Шундан келиб чиқиб, тез фурсатда мустақил тараққиётимизнинг ёки бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўлининг беш тамойили эълон қилинди. Мазкур тамойиллар аниқ ва амалий тизимга келтирилган, жаҳонда тараққиётнинг „ўзбек модели“ номини олган моделнинг концептуал асосини ташкил қилди.

Мазкур тамойиллар мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини яратди, дунёда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозлар даврида ҳам мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига асос бўлди. Айнан ана шу тамойиллар негизида пайдо бўлган „Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг“, „Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун“ деган шиорлар бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ислоҳотларнинг машҳур беш тамойили амалда ўзини тўла оқлади. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркамлашуви, халқимиз турмушининг фаровонлашиб бориши ушбу тамойилнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига кўра, Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз бўлиб турганига қарамай, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва босқичма-босқич модернизация қилиш модели амалда ўзини тўла оқламоқда.

Ўзбекистонда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш давом этмоқда. Бунда жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада ислоҳ этиш, хусусан, Конституцияда белгилаб берилган инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигини тўла таъминлаш, парламентаризм ва кўппартиявийликнинг сиёсий ҳаётда тўла жорий этилиши ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга оширишда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ушбу жараёнда миллий давлатчилигимиз ҳамда замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам давлатимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Мустақиллик — халқимизнинг улкан ютуғидир. Чунки мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, ички ва ташқи бузғунчи кучларнинг вайронкор ҳаракатларига йўл қўймаслик бўйича амалга оширилган кескин чоралар ва уларнинг аҳамияти орадан йиллар ўтиб ёрқин намоён бўлмоқда.

Президент Ислом Каримов: „Бугун биз тарихий даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз“[1], — деган эди. Бундан 21 йил муқаддам биз мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интил...

[1] *Ислом Каримов.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: „Маънавият“, 2008. 105-бет.

келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик. Ҳақиқатан ҳам, „ўзининг неча минг йиллик тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қимматини ва моҳиятини йўқотмайдиган том маънода оламшумул воқеа бўлиб қолаверади... Ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш эркини қўлга олиб, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон ҳеч қаерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик“[1].

Истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик ғоясига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва қайтмаймиз.

Ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англадик. Бу мақсадга эришиш йўли — ер ости, ер усти бойликларидан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоатига ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш — энг мақбул йўл эканини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Аввало, тарихан қисқа бу давр, бир ўспирин ёшига тенг вақт давлатимиз учун сиёсий жиҳатдан, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Мустақил, озод ва эркин инсон ҳаёти тобора чуқурроқ мазмун касб этар экан, инсонийликни англаш, одам бўлиб туғилиб, инсон каби яшаш зарурати миллий эҳтиёж даражасига кўтарилади. Натижада миллий равнаққа, умумбашарий тараққиётга туртки бўладиган жиддий ўзгаришларга, умуминсоний қадриятларни янгидан-янги неъматлар билан бойитадиган туб бурилишларга йўл очилади.

Мустақиллик — ўзбек халқининг тарихий ва энг буюк ютуғи. Уни қўлга киритиш учун халқимиз ўта таҳликали ва таҳдидли, мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Асрлар оша халқимиз қалбида асраб-авайлаб келинган бу буюк орзуга кўплаб қурбонлар ва йўқотишлар, тенгсиз изтироблар орқали етишдик. Шу сабабли халқимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётга, тўкин ва фаровон дастурхонга, нурафшон орзулар ва режаларга буткул ҳақли ва муносибдир.

Ҳозирги кунда энг буюк вазифа — мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Юртимиздаги озодлик, мустақиллик, бугунги тинч-осуда ҳаёт ўз-ўзидан келмаган, бу йўлда барчаси ўта оғир ва мураккаб шароитларда умидсизликка тушмай, келажакка катта ишонч билан қараб, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз томонидан олиб борилган тинимсиз курашлар, уйқусиз тунлар, изланиш ва яратишлар, баъзан ғоят изтиробли, баъзан қувончли интилишларни бошдан кечириш, қанчалик азоблар тортишга, яъни ҳеч кўрилмаган синов ва машаққатлардан ўтишга тўғри келган.

Совет мустамлакачилиги даврида Ватанимиз тарихи коммунистик мафкура манфаатларига мослаштирилиб, сохталаштирилди. Ҳаттоки, айрим воқеа-ҳодисалар инкор қилинди. Чунки советлар халқимизнинг ҳаққоний, холис тарихи, миллий ғурур ва ифтихорини уйғотишдан манфаатдор эмас эди. Собиқ совет мафкураси узоқ йиллар давомида бизнинг халқимизга тарихнинг яратувчиси — доҳийлар, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, деган нотўғри ғояни сингдириб келган эди. Большевиклар халқимизга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни авж олдирган 20—30-йилларда бизнинг ижодкор

[1] *Ислом Каримов*. Буюк ва муқаддас Ватаннинг улуғ байрами. „Халқ сўзи“, 2011 йил 1 сентябрь.

зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатади ва „халқ денгиздир“ дея қалб исёни билан ҳайқиради.

Маълумки, совет тузуми даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб халқимизнинг кундалик турмуши ва истиқболига дахлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни номигагина ўз зиммасига олиб, амалда фақат шиорбозлик билан шуғулланганн учун меҳнаткаш халқ боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга бўлиб, меҳнат деб аталган ҳиссиз машинанинг мурватига айланиб қолган эди, холос.

Шунингдек, советлар ҳукмронлиги йилларида „халқ доҳийлари“ деб эътироф этилган К. Маркс, Ф. Энгельс В. Ленин каби зотларнинг таълимотлари асосида хаёлий (утопик) жамият — коммунизм қуриш йўлидан бориш кенг тарғиб қилиниб, доҳийлар тарихнинг яратувчиси, деб таргибот олиб борилди. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти кўкларга кўтариб мақталгани ҳолда омма онгига мажбуран сингдирилар эди. „Тарихни ким яратади, доҳийларми ёки халқми?“ деган масалага ойдинлик киритишдан олдин бу икки тушунчага изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. Аввало, „тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратади“[1]. Албатта, ҳақиқий йўлбошчилар ўз шахсий фазилатлари, маънавий раҳнамолиги, кенг фикрлаш, воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш ва ўз ортидан халқ оммасини эргаштириш хусусиятлари билан тарихда чуқур из қолдирган. Буюк шахслар илгари сурган ғоялар халқ томонидан қўллаб-қувватлансагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Чунки, алоҳида шахснинг роли қанчалик юқори бўлмасин, у ўз халқисиз тарихни ярата олмайди, тарихнинг, моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси халқ бўлиб қолаверади.

Мустақиллик йилларида юртимизда инсон омили, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса халқимизнинг бор куч ва салоҳиятини бунёдкорлик фаолиятига жалб этишга, Ватан равнақи йўлида меҳнат қилишга даъват этмоқда. Ўзбекистон деб аталган бугунги бетакрор ва озод, ҳар томонлама ривожланиб бораётган қудратли мамлакат халқимизнинг меҳнати, яратувчилик салоҳияти билан барпо этилганини бугунги, тобора гўзаллашиб бораётган мамлакатимиз тимсолида янада чуқур ҳис этамиз.

Ватани бор одамнинг ғурур ва ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи — Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига дош бера олади. Ўзликни англаш — бу халқнинг ўтмиш тарихини, ота-боболарининг, авлод-аждодларининг жаҳон илм-фани, санъати ва маданиятига қўшган буюк ҳиссасини билишдир. Ўзини англаган, ўз насл-насаби билан фахрланадиган, юртининг келажагига ишонадиган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди. Миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий туйғу ва миллатга муҳаббат халқнинг муҳим хислатларидан бири бўлиши керак. Ана шулардан келиб чиқиб, ёшларимизда шундай ҳис-туйғуни шакллантириш лозим.

Мустақил Ўзбекистон — ўзининг янги имкониятларини намоён этаётган, куч-қудратга тўлиб, нуфузи тобора юксалиб бораётган, барча қийинчиликларни енгиб, мустақиллик йўлидан ёруғ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган мамлакатдир. Бу халқ билан давлат бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан, Президент сиёсий йўлининг нақадар халқчиллигидан далолат беради.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган мустақил Давлатлар ичида Ўзбекистоннинг энг барқарор ривожланаётган мамлакатга айлангани жаҳон жамоатчилиги, сиёсатдонлари ва йирик давлат арбоблари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётганининг боиси халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари билан, шу халқни тараққиёт йўлидан қатъий

[1] Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби. „Халқ сўзи“. 2012 йил, 15 май.

бошлаб бораётган Президент Ислом Каримовнинг донишмандлик, мардлик ва жасурлик фазилатлари билан боғлиқ. Бу фазилатлар мамлакат тараққиёти ва халқ манфаати учун зарур бўлган энг муҳим масалаларни улкан қалб ва тафаккур билан тез илғаб олиши ва уларни ўз вақтида қатъият ҳамда азму шижоат билан ҳал этишга киришишида, мамлакат ва халқ манфаатига, адолат ва ҳақиқатга, мантиққа зид бўлган ҳар қандай ҳаракатларга ҳамда ҳодисаларга кескин қарши туришда, ҳар қандай конъюктуравий, сохта сиёсий ўйинларга ўз вақтида чек қўйиш, барқарорликни сақлаб туриш учун бутун имкониятни ишга солишда, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришини олдиндан пайқаш, баҳолаш салоҳиятини ва энг муҳими, шахс сифатидаги сиёсий жасорат, сиёсий қатъият, мислсиз ирода ва юксак маданият фазилатларини яққол намоён қила олишида ёрқин намоён бўлади.

Президент Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузаларида Ўзбекистон мустақиллиги бўш жойда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган нарса, қандайдир тақдир эҳсони эмас, балки реал тарихий заминда, реал тарихий шарт-шароитда халқимиз ва унга етакчи бўлиб майдонга чиққан жасур юртимиз раҳбарининг тинимсиз курашлари асосида амалга оширилган, эл-юртимизнинг туб манфаатларидан ўсиб чиққан, не-не аждодларимизнинг асрий орзу-интилишларини ифода этадиган конкрет тарихий жараён, амалий воқелик эканини ҳаётий мисоллар, аниқ далиллар билан кўрсатиб берилган. Унинг ҳар бир чиқиши юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли курашлар тарихининг ёрқин саҳифаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бугун орадан вақт ўтиб, ўша давр воқеаларига бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони орамизда тобора камайиб бораётгани, суронли воқеаларни акс эттирган фотосуратлар, видеотасвирлар, ёзма манбалар деярли сақланиб қолмагани давлат раҳбарининг асарларида келтирилган бой фактик ва аналитик материалларнинг қадр-қиммати ниҳоятда беқиёс эканидан далолат беради.

Маълумки, буюк шахсларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам улкан назариётчи, ҳам моҳир ташкилотчи ва амалиётчи сифатида халқ ва миллат олдида пайдо бўлган кўпдан-кўп саволларга пухта илмий-назарий асосда жавоб топиши ва уларнинг энг мақбул ечимини кўрсатиб бериши дунё тарихида камдан-кам учрайдиган феноменал ҳодисадир. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида ана шу ноёб ҳодисанинг амалий ифодасини давлатимиз раҳбари тимсолида кўрамиз ва асарнинг сўз бошисида таъкидланганидек, „тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши“ни янада чуқурроқ англаймиз. Ўзбекистон бахтига, халқимиз пешонасига шундай улуғ инсонни раҳбар қилиб бергани учун шукроналар айтамиз.

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш даврлари бўладики, янги тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон бўлган ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Тажриба айнан ана шундай даврларда ушбу эҳтиёжни зукколик билан англайдиган ва давр талабларига воқеалар ривожини олдиндан кўриб, жавоб бера оладиган йўлбошчилар етакчилигидаги халқларгина кўзлаган мақсадларига етиши мумкинлигидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, мазкур халқнинг бутун дунёда яна бир бор эътироф этилишига сабаб бўлади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади, жаҳон халқларининг тараққиёт йўлларини ва ривожланиш босқичларини белгилаб олишида муайян тажрибага айланади.

Бугунги давр худди ана шундай, миллий давлатчиликни тиклаб, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб олинаётган, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар очилган даврдир.

Бу давр Президент Ислом Каримов раҳнамолигида озодликка эришган халқимизнинг миллий салоҳиятини янада юксак чўққиларга кўтариш, жамиятнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, мамлакатимизда қонун устувор

бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш давридир. Бу даврнинг ҳар бир йилида қўлга киритилаётган натижаларда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб белгилаб олинган ва бутун дунё эътироф этаётган тараққиёт модели ва ривожланиш тамойилларининг самараси яққол кўзга ташланиб турибди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур жараёнда инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислоҳотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этди. „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида алоҳида таъкидлаганидек: „Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас“[1].

Янги жамият барпо этиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш борасида истиқлол йилларида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилишда, Юртбошимиз томонидан асослаб берилганидек, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Яъни миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, тараққиёт модели ва ривожланиш тамойилларини белгилаб олиш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991—2000-йиллар мамлакатимизда улкан из қолдирган ҳамда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган ўтиш давридир. 2001 йилдан кейинги иккинчи босқич — демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва улкан бунёдкорлик ишларининг асосий мезонига айланган, фаол ўзгаришлар, ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этган даврдир.

Тарихан қисқа бу давр мамлакатимиз ва халқимиз учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт янги жамиятни шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рў берди. Янги иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Бозор муносабатлари ва иқтисодий плюрализм бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда бу соҳадаги янгиланиш ва замонавий тамойилларни шакллантириш борасидаги туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Янги жамиятни барпо этишнинг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Халқаро андозаларга тўла мос келадиган сайлов тизими шаклланди, қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асослари мустаҳкамланди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими янада такомиллашди. Ана шуларнинг барчаси юртимизда ислоҳотларнинг ижобий натижаларини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий асосларни яратиш учун имконият очди. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онги ўзгармаса, шу жойда яшайдиган халқ ва миллат ўзининг пировард мақсадларини амал

[1] *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент; „Маънавият“, 2009. 105—106-бет...

ошириши қийин. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган ижтимоий-сиёсий асосларни шакллантиришга ёрдам берди.

Қонун устуворлиги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатда амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ўзгаришлар бу йўналишдаги ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Халқ маънавиятининг юксалиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бу борада катта аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Тарихнинг бурилиш даврларида тарихий шахс ва халқ оммасининг нақадар ҳал қилувчи роль ўйнаши, ана шу икки куч бирлашган, бир мақсад сари интилган тақдирда ҳар қандай эзгу мақсадга эришиш мумкин эканини яна бир бор тасдиқлайди. Фалсафа фанидаги „тарихда шахснинг роли", „тарихда халқ оммасининг роли" каби илмий категорияларни Ўзбекистон тарихидан олинган янги мисоллар билан бойитиш имконини беради. Президентимизнинг бу масалага янгича нуқтаи назардан ёндашуви ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини янада теран очиб беришга хизмат қилади. Шу маънода Ислом Каримовнинг „Агар халқ қўллаб-қувватламаса, унинг орзу-интилишлари, хоҳиш-иродасини ифода этмаса, доҳийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди"[1] деган фикрлари бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

---

[1] „Халқ сўзи", 2012 йил 10 май.

# ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАР ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН ТАН ОЛИНМОҚДА

**„Ўзбек модели“ — тараққиёт ва юксалишнинг мустаҳкам пойдевори.** Бутун дунёда „Ўзбек модели“ деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг назарий асослари Президентимиз Ислом Каримовнинг „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ (1992), „Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли“ (1993) асарларида яратилди (8-расм).

„Ўзбек модели“нинг тамойиллари:

**1. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, унинг мафкурадан холи бўлиши. Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш:**

1) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
2) баҳони босқичма-босқич эркинлаштириш;
3) бозор инфратузилмасини шакллантириш;
4) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.

**2. Давлатнинг бош ислоҳотчилиги: давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчисидир:**

1) давлат ислоҳотчи ролини бажаради;
2) ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратади;
3) иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратади;
4) иқтисоднинг эркинлаштирилишини таъминлайди;
5) ижтимоий муаммоларни ҳал қилади;
6) ишбилармонлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди;
7) ижтимоий сиёсат орқали ижтимоий муаммоларни бартараф қилади ва ҳ.к.

**3. Қонун устуворлиги: суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган:**

1) қонун устуворлиги;
2) қонун олдида ҳамманинг тенглиги;
3) юридик ва жисмоний шахслар ўз иш фаолиятини қонун асосида бажариши;
4) давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш тамойилини таъминлаш киради.

**4. Кучли ижтимоий сиёсат:**

1) аҳолини иш билан таъминлаш;
2) даромад сиёсатини юритиш: пул даромади;
3) ижтимоий таъминот, ижтимоий кафолат, ижтимоий адолатни таъминлаш;
4) аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш;
5) халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш;
6) ҳар кимнинг меҳнат қилиши учун кенг имконият яратиш, қобилиятига яраша иш билан таъминлаш.

**5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқичлиги тамойили:**

1) ислоҳотларни босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга ошириш;
2) маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериб, аста-секин бошқарувнинг демократик, эркин иқтисодий бошқарувига ўтиш;
3) янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик;
4) кишилар тафаккури, онгини босқичма-босқич такомиллаштириш;
5) одамларнинг қашшоқланишига йўл қўймаслик;
6) сиёсий соҳани, давлат ва жамият қурилишини аста-секин ислоҳ қилиш ва ҳ.к.

Президент Ислом Каримов „Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида мамлакат миллий тараққиёт модели ҳақида фикр юритиб, бундай деган эди: „Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўплаган ва республика шароитига татбиқ этса бўладиган барча ижобий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда, бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, аслида бегона, ёт андозалар сунъий равишда тиқиштирилган жойда иқтисодий ислоҳотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади"[1].




***8-расм.***

Ўзбекистон Республикаси ўзининг 21 йиллик мустақил тараққиёти давомида бир томонлама ривожланган, хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиётга, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан республикадан янги ва улкан марраларни қўлга киритаётган ва бунинг натижасида тобора обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: „Ўзбекистон", 1998. 87—88-бетлар.

Ҳозирги вақтда БМТга аъзо давлатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга фаол қизиқиш билдирмоқда. Бу бежиз эмас. Ўзбекистон жадал ва изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини намоён этмоқда. Мамлакатимиз дунёда биринчилардан бўлиб жаҳон молиявий инқирози оқибатларини енгиб ўтди ва 2009 йили юртимизда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, 2010 йилда 8,5 фоизга ортиб, 2011 йилда 8,3 фоизни ташкил этди. 2000—2011 йиллар мобайнида ЯИМ ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди[1].

Маълумки, Халқаро валюта жамғармаси Келишув моддаларининг IV моддасига биноан жамғарма ҳар йилда бир марта аъзо давлатлар билан икки томонлама муҳокама ўтказади. Жамғарма ходимларидан иборат гуруҳ мамлакатга ташриф буюриб, иқтисодий ва молиявий маълумотлар йиғади ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларни расмий шахслар билан муҳокама қилади. Ўз қароргоҳига қайтгач, ходимлар ХВЖ Ижроия кенгашидаги муҳокама учун асос бўлиб хизмат қиладиган баёнот тайёрлайдилар.

2011 йилнинг 2—15 ноябрида Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлигидаги миссияси Тошкент шаҳрида бўлди. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, бундай дейилади:

„Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2012 йилда ялпи ички маҳсулот 8,5 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда“.

Дунёдаги нуфузли экспертлар глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон томонидан иқтисодиёт ўпирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар ва инқироз оқибатларини юмшатиш йўлида қўйилган қадамларни юксак баҳоламоқда. Инқирозга қарши туриш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида Ўзбекистонда 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани катта роль ўйнади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган мамлакатни демократлаштиришнинг ўзига хос модели, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти аввал-бошданоқ „шок терапияси“ деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурлардан воз кечди, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танлади. „Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг“, шунингдек, „Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун“ деган тамойиллар бу жараёнда асос қилиб олинди.

Ўтган давр мобайнида, собиқ тузумдан қолган оғир мерос таъсирида кечган мураккаб жараёнларнинг экстремал оқибатларига қарамай, тараққиёт ва ислоҳотларнинг „ўзбек модели“ ўзини тўлиқ оқлади ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда, деб таъкидлашга бугун барча асосларимиз бор.

---

[1] *Каримов И. А.* 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // „Халқ сўзи“, 2012 йил 20 январь.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2010—2015 йилларда ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича ҳадли дастурида Ўзбекистон учун Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ёрдам кўрсатиш масаласи БМТнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгиланган[1].

Мингйиллик мақсадлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва жамиятни ислоҳ этиш борасидаги миллий устувор йўналишлари билан сезиларли даражада уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизимини янгилаш масалалари бўйича БМТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишда катта тажриба тўплади. Ушбу йўналишда Ўзбекистон улкан ютуқларга эришди ва улар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Президент Ислом Каримов нутқининг Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга бағишланган бўлими нуфузли халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг жиддий эътиборини ўзига жалб этди. Улар берган шарҳларда Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий, босқичма-босқич йўли, инқирозга қарши чораларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва банк-молия тизимининг ишончли фаолияти туфайли қўлга киритилаётган иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: „Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган етарлича ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди“[2].

Шунинг билан бирга, 2010 йилнинг 1—4 май кунлари Тошкентда ўтказилган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида иштирок этган Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мото Конишинининг ҳам самимий сўзларини келтириш мумкин. „Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида „Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг“ деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда“ („Ўзбекистон овози“, 2010 йил 6 май, 53-сон).

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали тарқатилган жаҳоннинг машҳур кўринган сиёсатдонлари, иқтисодчи олимларининг Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг юксак самаралар бераётгани тўғрисидаги эътирофларини келтиришни лозим топдик.

**1. Анита Нироди, БМТ резиденти-координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда ва мамлакатингизда Мингйиллик мақсадларига эришишга алоҳида ва катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва кўрилган тегишли амалий чора-тадбирлар глобал иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишда муҳим омил бўлди. Бу Ўзбекистонга Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидан қатъият билан бориш ва бу борадаги кенг кўламли ишларни самарали давом эттириш имконини берди.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи. — Т.: „Ўзбекистон“, 2010., 82—93-бетлар.

[2] Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. Илмий-оммабоп рисола. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ. 2011. 24—25-бетлар.

БМТ Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини зарур маслаҳатлар бериш, дастурий ва техник кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватламоқда. Бу борадаги ҳамкорлик Ривожланиш мақсадида кўмаклашиш бўйича 2010—2015 йилларга мўлжалланган ҳадли дастурга (UNDAF) мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда ўзаро ҳамкорликнинг тўртта асосий йўналиши белгиланган. Булардан биринчиси — иқтисодий фаровонликни янада оширишга кўмаклашиш; иккинчиси — таълим, соғлиқни сақлаш, тўғри овқатланиш, шунингдек, ОИВ — инфекция тарқалиши ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда чақалоқларнинг соғлом ривожланишини таъминлашни ўз ичига оладиган ижтимоий хизматлар кўрсатишдан иборат. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ишларга барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этиш ва бошқарув самарадорлигини янада ошириш ҳамкорликнинг истиқболдаги йўналишларидандир. Ҳадли дастурда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, шунингдек, Мингйиллик декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар ва конвенцияларнинг тамойиллари ўз ифодасини топган[1].

**2. Франция. Жак Бара, „Panthon-Assas Paris II“ университети профессори:**

— Барчага маълумки, ҳозирги вақтгача кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Бундай изчил ривожланиш Ўзбекистоннинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнига тадрижий ёндашгани самарасидир. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, „Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак“, „Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун амалга оширилиши лозим“. Ушбу тамойилларга риоя қилиш Ўзбекистонга Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлидан қатъият билан илгари бориш имконини бермоқда.

**3. Япония. Тецужи Танака, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори:**

— Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган мамлакатни босқичма-босқич ривожлантириш модели бошқа мамлакатлар томонидан муваффақиятли ва намунали моделлардан бири сифатида қўлланиши мумкин ва даркор.

**4. АҚШ. П. Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори:**

— Президент Ислом Каримов Ўзбекистон томонидан фақат кейинги йилларда эришилган ютуқлар ҳақида тўхталди, холос. Аммо шу маълумотнинг ўзи ҳам Нью-Йоркда бўлиб ўтган, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммит қатнашчилари бўлган дунёнинг давлат раҳбарлари учун ғоят фойдали бўлди. Албатта, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлаш соҳасида халқаро донорлар бўлган Франция, Германия ёки Япония каби бу борада баландпарвоз ваъдалар бермайди. Бироқ Ўзбекистон жаҳоннинг барқарор ва жадал тараққий этиб бораётган, ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб олган ва минтақавий ривожланишни илгари суришга қодир бўлган давлатлари сирасига киради. Жаҳон иқтисодий инқирозлари олдида қатъий тура оладиган, минтақавий иқтисодиётнинг ривожланган бундай марказларисиз барқарор глобал ривожланиш мақсадларига эришиш ҳақида гапиришнинг ўзи қийин, албатта.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида мингйиллик мақсадларига эришишда илм-фан ва таълимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий ривожланиш соҳасида узоқ муддатга йўналтирилганини қайд этиб ўтди. Ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизини таълим соҳасига сарфлаш — бу мамлакатнинг барқарор келажаги ва экстремизмнинг олдини олиш йўлидаги улкан қадамдир.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи. // Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. —Т.: „Ўзбекистон“, 2010. 84—8 бетлар.

**5. Масъуд АСАД, „Gulf University“ олий ўқув юрти Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, снёсатшунослик фанлари доктори (Кувайт)[1]:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У „шок терапияси“ ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг хонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирга келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири — мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканини кўрсатади.

**6. Эмилио БОНИФАЦИ, Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими (Италия):**

— Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон-бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг асарини („Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф қилиш йўллари ва чоралари“) мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран ҳал қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

**7. Б. АШАВСКИЙ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор:**

— Ислом Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон хўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда „ўзбек модели“ деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олиш керак, бу йўл афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради.

**8. А. ЛОКЕ, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, „Италия — Ўзбекистон“ дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёркин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда

---

[1] Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. Илмий-оммабоп рисола. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ, 2011. 24—28-бетлар.

тажрибасини намоён этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фавқулодда жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислом Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий ва молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифодалаб беради.

„Катта йигирмалик“ деб аталган давлатлар гуруҳига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инқирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан кучлироқ назорат ўрнатиш борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва бу мавзу Президент Ислом Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалик тармоғида, банк тизимида, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланиши ва қаровчисини йўқотган оилалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оширилиши аллақачон бошланган, инқирозга қарши танланган чоралари тўғрилигини кўрсатади.

**9. Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Покистон):**

— Глобал инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди.

... Президент Ислом Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимига мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаши лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди.

**10. Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):**

— Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади.

**11. Норазиза БОРХОН хоним, Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлар тушиб қолган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори энг юқори баҳога муносибдир. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий захираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар котировкаси гаровида қолмади, „шок терапияси“ усулини қўлламади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни тақсимлаш масаласига оқилона ёндашди.

**12. Жером де ля ПОРТ, Руан университетининг ҳуқуқшунос профессори (Франция):**

— Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқ

эканман, мамлакат раҳбариятининг 2010 йилни „Баркамол авлод йили“ дея эълон қилишини қўллаб-қувватлайман. Бу — ҳукуматнинг ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялашга эътибори юқори эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Ўзбекистонда бўлиб, мен мамлакат ёшларининг саводхонлиги ва чет тилларни, хусусан, француз тилини пухта билишлари билан ажралиб туришларига шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

...Ўзбекистон — ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Ислом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғри эканидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат, Францияда ривожланган жамият барпо этишга, кўп жиҳатдан, меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

**13. Сафо Маҳмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, „Orient Consulting & Legal Translation“ компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):**

— Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентига сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

**14. Ван Аҳмад Ван УМАР, Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:**

— Ҳукумат томонидан юритилаётган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бошқариш, айниқса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг қўлга киритилгани Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигидан далолатдир.

Электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоён қилди, бундан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

**15. Аҳмад Фуад бин ИСМОИЛ, Куала-Лумпур шаҳри ҳокими:**

— Мамлакатда тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон ажойиб инвестиция салоҳиятига эга. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмоқда.

**16. Евгений ВОЙКО, Россия Сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти:**

— Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси, бу — бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг якунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш демакдир.

...Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча тармоқларини модернизация қилиш ва Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ислом Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрлари ҳам эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман. „Қонун“ тушунчасининг ўзини теран англаб етмасдан, унга изчилли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдеворига қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳуқуқий

масаланинг долзарблашуви — халқ томонидан сайланган вакилларни мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим даъватдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, чунки маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салоҳияти юқори эканидан очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил тараққиётнинг 21 йили давомида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати, юксак сиёсий иродаси ва тафаккури, бунёдкорлик фазилатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон адабиётининг кўзга кўринган, забардаст намояндаси ва маданият арбоби Чингиз Айтматов айтганидек. „Тарих халқ ҳаётининг энг мураккаб дамларида шундай бир шахсни танлайдики (буни сиёсий селекция деб аташ мумкин), миллат тақдири ана шу шахснинг иродаси, қатъияти ва масъулиятига боғлиқдир. Ислом Каримов ҳозирги Туркистон тарихида худди шундай буюк шахс ҳисобланади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина мустақил Ўзбекистон тез ва изчил мустаҳкам барқарорликка эришди, тараққиёт йўлидан жадал ривожланаётган давлатга айланди“.

Хуллас, тараққиётнинг „ўзбек модели“ мамлакатимиз учун ривожланиш тамойилларини тўғри танлаб олишда асос бўлиб хизмат қилди. Пухта ўйланган изчил сиёсат туфайли халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадлар сари тобора яқинлашиб бормоқда.

**Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқлар.** Ўзбекистон демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган узоқ муддатли ва стратегик вазифани изчил ва қатъият билан амалга оширмоқда. Мамлакатимиз, халқимиз демократик ривожланиш йўлида эзгу орзу-ниятлар сари қадам қўяётган экан, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, йилдан-йилга ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбек халқи учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистоннинг кучли давлат бўла олишига мустаҳкам ишончдир.

Юртимиз танлаган демократик тараққиёт модели бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлар тараққиёт учун қанчалар катта меҳнат ва куч сарфланаётгани, диққат ва эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўтган истиқлол йилларининг 1997 йилидан бошлаб ҳар янги йилга ном бериш анъанага айланди ва бу борада махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, бажарилиши лозим бўлган энг муҳим мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилди ва уларнинг кенг кўламли ижроси таъминланди. Президентимиз ибораси билан айтганда, 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру-зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб, шу асосда улкан ишларни амалга оширмоқдамиз (9-расм).

**Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели.** 20[illegible] йил 25—26 ноябрь кунлари Тошкентдаги „Интерконтиненталь“ меҳмонхонасида „Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари“ мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди. Мазкур форумни ўтказишдан мақсад — болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бошқарувининг давлат стратегиясини ҳамда Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш юзасидан давлат, жамоатчилик ҳамда қонун чиқарувчи органларнинг фаолиятини кучайтиришни такомиллаштиришдан иборат. Ўтган давр мобайнида юртимизда болалар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Алоҳида эътибор 14 ёшгача бўлган болалар ва фертил ёшдаги аёллар саломатлигига ва уларда касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларга қаратилган.




***9-расм.***

Ўзбекистонда қатор давлат дастурларини бажариш натижасида 1991 йилдан 2010 йилга қадар оналар ўлими даражаси 2 баробар, болалар ўлими эса 3 баробар камайди. 1991 йилдан буён ўтган даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Президент қарорларини бажариш борасида аниқ режа асосида изчил иш олиб борилмоқда.

Ҳар ойда, тизимли асосда, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизлар ҳафталиги ўтказилади, тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан аҳоли 2539 та қишлоқ врачлик пункти орқали ўтказиб келинмоқда.

Ўтган даврда 6856 нафар юқори малакали мутахассис томонидан барча вилоятларда маслаҳат бериш ва соғломлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Фертил ёшдаги аёлларнинг 7,8 миллион, 14 ёшгача бўлган болаларнинг 8,3 миллион нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ҳар ойда тиббий кўрикларни республиканинг узоқ қишлоқ врачлик пунктларида ўтказадилар (Сурхондарё, Хоразм, Фарғона вилоятлари).

2000—2011 йилларда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб этилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баробар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4 фоизни, Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қиляпти.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 2011 йил 26 ноябрда „Ўзбекистонда оналик ва болаликни асрашнинг „Соғлом она — соғлом бола“ миллий модели“ мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг миллий моделини яратишнинг пойдевори бу, аввало, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши бўлди.

„Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хонимнинг „Президент Ислом Каримов томонидан эълон қилинган „Соғлом она — соғлом бола“ тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги ва келажакда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин“ деган сўзлари ушбу фикрнинг тасдиғидир.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарорида қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ушбу тизимнинг долзарб аҳамиятга молик масалаларидан бири бўлиб қолмоқда, шу сабабли республикамизнинг энг чекка районларида яна 102 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестициялари жалб қилинган ҳолда, 1998—2011 йилларда, „Саломатлик-1“ ва „Салолматлик-2“ лойиҳалари доирасида юртимиздаги 3192 та ҚВП умумий қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган „Соғлом она — соғлом бола“ дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб, таълим-тарбия, соғломлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг „Save the children („Болаларни асрайлик“) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон — 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича 10 та етакчи давлат сафидан ўрин эгаллади[1].

Мамлакатимизда эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қатор йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмади. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди. 2010—2011 йилларда, Тожикистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, 6 босқичдан иборат полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар даврида 2[illegible] миллиондан ортиқ 15 ёшгача бўлган болалар ҳамда Сурхондарё вилоятида 25 ёшгача бўлган шахслар эмлашдан ўтказилди.

Республикадаги 53 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториясида таъмирлаш ишлари бажарилди. ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2012. 132—133-бетлар.

лабораториясида давлат бюджети ҳисобидан 7,5 миллиард сўмлик замонавий лаборатория-диагностика асбоб-ускуналари ўрнатилмоқда.

2010 йилда 1,5 миллиондан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси бўйича текширилди ва бундай тадбирлар 2008 йилга нисбатан 2 марта кўпайди.

Амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши самарали тадбирлар натижасида ўлат, вабо, сариқ иситма, куйдирги, парранда гриппи каби карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар, шунингдек, янги А (H1N1) гриппининг юртимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ёш авлоднинг саломатлиги ҳақида доимий ғамхўрлик қилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этишдир.

2003 йилнинг 3 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси „Ўқувчи ва талабаларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида“ги 244-сонли қарорини қабул қилди ва унга кўра, уч босқичли спорт мусобақаларини ўтказиб бориш белгилаб қўйилди. Қарорда ўқувчи ва талаба ёшларнинг „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“ ва „Универсиада“ спорт мусобақаларининг республика финалини ҳудудларда ўтказиш режаси белгиланди. Унга биноан, „Умид ниҳоллари“ финал мусобақалари 2004 йилдан бошлаб уч йилда бир марта ўтказилиб, биринчи давра 2011 йилда якунланди, иккинчи давра эса 2012 йилдан бошланди. Демак, қарорга биноан, мамлакатимизда болалар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган, жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг биринчи босқичи 1—9-синф ўқувчиларини қамраб олган „Умид ниҳоллари“ ҳар уч йилда, иккинчи босқич касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирок этадиган „Баркамол авлод“ ўйинлари ва якуний учинчи босқич олий ўқув юртлари талабаларининг „Универсиада“ баҳслари ҳам ҳар уч йилда ўтказилиши кўзда тутилди. Бунга фақат таълим муассасалари эмас, балки маҳаллий бошқарув органлари ҳам жалб қилиниши кўзда тутилган. Дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда „Универсиада — 2004“ (2004 йил сентябрь) ўтказилиши олий таълим муассасалари талабалари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Универсиада талаба ва ёшларнинг жисмонан етук, ахлоқан баркамол, Ватанга садоқатли комил инсонлар бўлиб етишишларида, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Уч босқичли бу спорт ўйинлари дунёда беқиёс саналади. Ватанимиз спортининг кенг ривожланиши туфайли ёшларимиз орасида довруғи республикамизда ва халқаро миқёсда кенг танилган спортчилар етишиб чиқмоқда ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“ ва „Универсиада“ спорт мусобақалари ёшларимизни тарбиялаш, чиниқтириш ҳамда уларнинг ғалабага бўлган иштиёқини оширишда ўзига хос катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Ушбу спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли нодир тизимнинг бамисоли қудратли тулпорга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайишлари учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган „Универсиада“ мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзининг биринчи совринбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашувларида, кўплаб нуфузли халқаро турнирларда юксак шоҳсупаларга кўтарилгани шундан далолат беради.

„Универсиада“ ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана

Радзивил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси соҳасида эришилаётган ютуқларга кўплаб халқлар ҳавас билан қарамоқда. Ўтган йилларда давлатимиз ёшлари ўзларининг нималарга қодирлигини намоён этди.

Мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизга, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизга ошди.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 та медаль (66 та олтин) жамғарди.[1]

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида 2012 йил 23—30 апрель кунлари кимё фанидан бўлиб ўтган 46 халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган 9 нафар академик лицей ўқувчиларидан 5 нафари ғолиб бўлди. Юксак илмий салоҳиятли ёшларимизнинг 1 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медали билан юртимизга қайтгани халқимизни қувонтирди, дилларга ғурур бағишлади.[2]

Юртимизда таълим тизимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ғамхўрлик туфайли ўтган қисқа даврда ўқувчи ўғил-қизларимиз Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Россия, Сингапур, Таиланд, Испания, Шотландия ва бошқа мамлакатларда математика, кимё, биология, физика, информатика каби фанлар бўйича ўтказилган нуфузли олимпиадалар, ижодий беллашувларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

**2012 йил 16—17 февраль кунлари Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусида халқаро конфренция ўтказилди.** Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия иниситутлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди. Форумда Президентимиз Ислом Каримов „Баркамол авлод – мамлакатимизни ривожлантиришда ҳал қилувчи куч“ мавзусида сўзлаган нутқда Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари мазмун-моҳияти қисқача баён этилди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўтказилган конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб номланган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий принципларига асосланган иқтисодий ва сиёсийислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган ўзбек моделининг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги тараққий топган демократик мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделларини такрорламаган ҳолда, улардан нусха қилиб кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистондаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти

---

[1] „Халқ сўзи“, 2012 йил 11 февраль.
[2] „Маърифат“, 2012 йил 2 май.

билан танишди. Улар юртимизда Президентимиз бошчилигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар ва уларнинг самарасига юксак баҳо бердилар.

**Парвиз Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):**

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу айниқса, мамлакатимизда демократия ва бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатингизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топмоқда. Мен мутахассис сифатида мамлакатингизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб бораман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида демократия асосларини мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга, халқ фаровонлигини муттасил оширишга доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ёшларга, айниқса, уларнинг таълим олишига кўрсатилаётган улкан эътибор мени ғоят қувонтиради. АҚШда аксарият талабалар ўзлари таҳсил олаётган таълим даргоҳига кам қатнайди. Қолган вақт уйларида интернет орқали дарсларда иштирок этади. Бундай ҳолга мен мутлақо қаршиман. Тўғри, масофадан ўқитиш тизими айрим тоифадаги ёшлар учун қулай. Аммо бундай таълим тизимига муҳтож бўлмаган талабаларни масофадан ўқитиш нотўғри йўл деб ўйлайман. Ҳар бир талаба ёки ўқувчи дарсларда ўзи иштирок этиши, ўқитувчи билан бевосита мулоқотда бўлмоғи лозим. Ана шундагина у ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир мамлакатнинг келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши бугунги ёшларнинг қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатингизни равнақ топтиришга, халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир. Бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатингизда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилгани бунинг далилидир[1].

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимини ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Эътиборли жиҳати шундаки, конференция иштирокчилари ҳар куни ўзларининг янги таассуротларини ҳайрат билан сўзлаб бердилар. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида яратилган имкониятлар АҚШ, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Латвия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Малайзия, Чехия каби ўнлаб мамлакатлар таълим тизими вакилларининг ҳавасини келтирди. Меҳмонлар ТДИУда 3200 ўринга мўлжалланган янги бош ўқув биноси энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган ва интернет тизимига уланган аудиториялар, 1 миллиондан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази фаолияти билан танишиб, улар ўз

---

[1] *Манзурова Н.* Ўзбекистоннинг таълим соҳасида танлаган йўли хорижда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. // „Маърифат“, 2012 йил 15 февраль.

меъморий қиёфаси ҳамда техник таъминотига кўра дунёдаги энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишди. Бундан ташқари, университетда ҳам электрон, ҳам китоб шаклида бакалавриат ва магистратура фанларидан яратилган 541 номдаги ўқув-услубий мажмуани юқори баҳоладилар. Ўқитувчиларимизнинг таълим жараёнида интерфаол услублардан кенг фойдаланишаётгани, талабаларимизнинг қобилияти, билими, кўплаб хорижий тилларда эркин сўзлаша олиши ҳам уларда катта таассурот уйғотди.

Ўзбекистонинг таълим соҳасида танлаган йўли хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шу ўринда жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатдонлари, таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассисларнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган Таълим соҳасида изчил ислоҳотларнинг юксак самаралар бераётгани тўғрисидаги эътирофларини келтиришни лозим топдик.

**Габриеле МЕНТГЕС хоним, Дортмунд техника университети профессори (Германия):**

— Ўзбекистонда илм-фан, таълим, маданият, санъат, маънавият ва маърифат соҳаларида эришилаётган ютуқлардан ўрнак олса арзийди. Мамлакатингиз билан „Анъаналар модернизацияси: Ўзбекистон тўқимачилиги мероси маданий ва иқтисодий манба сифатида" лойиҳаси доирасида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бу борада Камоллидин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инситути, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Андижон машинасозлик институти ҳамда Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти билан ўрнатилган яқин алоқаларимиз яхши самаралар бераётир. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган катта эътибор барча соҳалар, жумладан, тўқимачилик учун ҳам етук малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим оми бўлмоқда. Мамлакатингиз таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, талабаларнинг сифатли били олиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўлам ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон миллий либосларининг тарихи, анъаналари юксак санъ даражасига кўтарилган. Мазкур лойиҳа ўзбекистонлик мутахассисларнинг Германи германиялик соҳа вакилларининг эса Ўзбекистон санъат ва маданият йўналишидаги ол ўқув юртлари фаолияти билан янада яқинроқ танишиши, соҳада фикр ва тажриба алмаш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидами

**Валерий Никифоров, Болтиқ ҳалқаро академияси бошқаруви раиси, Болтиқ психолог ва менежмент институти сенатининг раиси (Латвия):**

— Биз Ўзбекистондаги тегишли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари билан таъл соҳасининг банк-молия йўналишида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қил келмоқдамиз, юртингизда таълим соҳасида ўтказиладиган кўргазмаларда мунтазам иштир этамиз. Таъкидлаш жоизки, мамлакатингизда ёшлар таълими ва тарбиясига берилаё эътибор ва ўз ўрнида Ўзбекистон ёшларининг бу имкониятлардан унумли фойдаланаё таҳсинга сазовор.

Ўзбекистонлик талабаларнинг салоҳияти жуда юқори эканини алоҳида қайд этмоқчим Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сам дорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, фан ва таълим ривожи, энг му жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Ҳар қа мамлакатнинг тараққиётини таъминлаш, аввало, етук малакали кадрларга боғлиқ. Ўзб тонда бу вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда. Мамлакатингизда таълим соҳасида борилаётган ислоҳотлар, қисқа фурсатда яратилган, бугунги замон талабларига ж берадиган ва узоқ истиқболга мўлжалланган тамомила янги таълим тизими юксак эътиб лойиқ.

Халқаро илмий-амалий коференция иштирокчилари мамлакатимизнинг та тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республи Президенти Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қил оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватладилар:

1. XXI аср — интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади[1].

2. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни ўзлаштиришга қодир, юксак билимли ва интизомли ишчи кучини тайёрлаб боришга боғлиқ. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юксак технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

3. Ҳар қандай давлат ўзининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак.

4. Миллий ва умуминсоний қадриятларни умумлаштирган ҳолда, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга бўлган одамларгина ривожланишда ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

5. Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга бўлган одамларнинг мавқеини ошириш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принципларидан бири бўлиши лозим.

6. Таълим соҳасида, замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг қуйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиб, уни чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидладилар:

1. Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилмоқда.

2. 9+3 схемаси бўйича умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

3. Ҳар бир коллеж малакали ишчи кучига буюртмалари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйган.

4. Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона ZiyoNet ахборот таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил этилган махсус жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилган.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни тавсия этадилар:

1) кадрлар тайёрлаш сифатини уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш;

2) Ўзбекистон мисолида ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятларини ўрганиш;

3) узлуксиз таълим тизимини жорий этиш муносабати билан „Билим — бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

4) аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олиш имкониятини кенгайтириш;

5) таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш... Ҳар бир таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсу-

[1] „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжат-резолюцияси. // „Халқ сўзи", 2012 йил 22 февраль.

лотнинг 10—12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

6) таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйишдаги тажрибасини ҳисобга олиш;

7) таълим тизимининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли омил эканини назарда тутиш;

8) энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

9) иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

10) ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

11) халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ютуқларини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш;

12) таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва муҳандислик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга бўлган тизимини жорий этиш;

13) ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

14) ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўрганишни кенгайтириш, ёшларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлаш;

Халқаро конференция иштирокчилари халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этади:

1. Ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш.

2. Таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп эттириш орқали ривожлантиришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашиш.

3. Ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрганишга кўмаклашиш[1].

**Қишлоқ турмуш фаровонлигини оширишда эришилаётган ютуқлар.** Мана, уч йилдирки, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг пухта ижросини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилмоқда. Яъни, қишлоқларимизда ҳаёт сифати, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савияси, онги ва фуқаролик масъулияти ошишининг мустаҳкам ташкилий асосга қўйилишида замонавий уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим ўрин тутмоқда[2].

Энг муҳими, қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди. Бундай база қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида ўн минглаб янги иш ўринларини яратишдек жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларида фаол иштироки таъминланмоқда. Қолаверса, мазкур дастур

---

[1] „Халқ сўзи“, 2012 йил 22 февраль.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат Дастури тўғрисида“ги 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори.

мамлакатимиз учун долзарб бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалалари ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Бир неча асрлар аввал табиатан бунёдкор халқимиз тафаккури, салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд этилган маҳобатли обидаларимиз ҳозирги кунга қадар дунё аҳлининг ҳайратига сазовор.

Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб, ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни 2009 йилдан буён Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида республикамизнинг барча қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган турар жойларни қуриш кўлами кенгаймоқда[1]. Чунки қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг барпо қилиниши йўлга қўйилиши билан мустақил юртимиз чинакам бунёдкорлик, ободонлаштириш майдонига айланмоқда. Миллий анъаналаримиз ва замонавий уйсозликнинг услуб ҳамда шакллари уйғунлашган барча қулайликларга эга бўлган муҳташам иморатлар қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.

Қишлоқларимизда юз бераётган бундай оламшумул янгиланишлар одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамлаяпти.

Мамлакатимизда биргина 2011 йилнинг ўзида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7400 та хусусий уй-жойни фойдаланишга топшириш мақсадида 576 миллиард сўмдан зиёд сармоя йўналтирилгани ана шундан далолат беради.

Қурилаётган уй-жойларнинг эгаларига молия муассасалари томонидан 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олиниши, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиши каби бир қатор енгилликлар фуқаролар учун ниҳоятда сазовордир.

Маълумки ҳар қандай бино ва иншоотнинг қурилишида унинг меъморий ечими муҳим аҳамиятга эга[2]. Бу борада, замонавий янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масъулияти „Қишлоқ қурилиш лойиҳа“ институти мутахассислари зиммасига юклатилган.

Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжаллаб тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилаётганини алоҳида қайд этди[3].

„Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси жамоаси томонидан массивларнинг топосъёмкаси, геология ва ишчи лойиҳалари тайёрланиб, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотларни имтиёзли нарх ва белгиланган муддатларда етказиб бериш бўйича жадвал ишлаб чиқилиши ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлар ўртасида тендер танловларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қурилиш жараёнини намунали ташкил этиш ишни тез ва сифатли бажаришга хизмат қилади. Натижада 2011 йили „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси тизимида қурилишга ихтисослаштирилган ҳолда ишга туширилган 12 та завод томонидан пудратчи ташкилотлар 28,9 миллион дона пишиқ ғишт, 613,4 минг квадрат метрлик металл томёпгич, 2,7 минг квадрат метр ҳажмда эшик ва ромлар билан арзон нархларда таъминланди.

Замонавий янги хусусий уй-жой барпо этиш лойиҳаларининг аввалгиларидан фарқи шундаки, уй шифтининг баландлиги 3,2 метр, дарвозахона йўлагининг тепа қисмида махсус

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2009 йил 3 августдаги Қарори.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2010 йил 17 июндаги Қарори.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида“ги 2011 йил 27 декабрдаги № ПҚ-1668 сонли Қарори.

айвон, кираверишда эса автомобиль учун жой бўлиши, иситиш қозонхонаси ҳовлининг юқори бурчагида жойлаштирилиши сингари ҳаётий омилларнинг эътиборга олинаётгани каттаю кичикка маъқул тушмоқда.

Шу ўринда қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар жойлар қурилиши жараёнига пудратчи ташкилотларнинг танлов асосида жалб этилаётгани, уларга ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қурилишбоп маҳсулотларнинг узлуксиз етказиб берилаётгани иш суръатини тезлаштириш баробарида, унинг сифатини оширишга кўмаклашаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматининг 23—25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари (металлочерепица), эшик ва ромлар каби) қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Қурилиш материаллари нархларини оптималлаштириш мақсадида „Қишлоқ қурилиш инвест“ инжиниринг компанияси томонидан йилига 300 миллион дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 миллион квадрат метр том ёпиш материаллари (металлочерепица) ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда.

2012 йилда қишлоқ одамларининг бахтли ва фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилганислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш мақсадида респу- ликамизнинг 276 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий уй-жой қуриш вазифаси белгиланди.

„Ўзқурилишматериаллари“ акциядорлик компаниясида сўнгги йиллар давомида ўттиздан ортиқ турдаги замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунда алебастр ва қурилиш бори, қуруқ безакловчи қоришмалар, гипскартон; девор ва шифтлар учун пластик панеллар; „алюкобонд“ алюминий-пластикли композитли панеллар, алюми- нийли радиаторлар; ламинатланган паркет; сопол черепица; вермикулит, ойна ва эшиклар учун блоклар ҳамда шиша пакетлар, гидроизоляцион томёпгич материаллари кабиларга алоҳида тўхталиш лозим.

„Янги уйлар калитининг белгиланган муддатларда топширилиши“ Мустаҳкам оил йилида қишлоқ одамларининг ҳар бирига қувонч улашиш, қишлоқларимизнинг эса шаҳар сингари кўркам қиёфа касб этиши, ҳар бир куннинг ўзига хос янгиликка, ижоб ўзгаришларга бой бўлишига асос бўлади. Қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий тур жойларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуши тобора фаровонлашуви юртимизда ол борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини яна бир карра намоён этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрда Шаҳрисабз шаҳрида Амир Тем таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Соҳибқиронга бағишлаб барпо эти ҳайкалнинг очилиши маросимидаги нутқида, Оқсарой ёдгорлигининг пештоқига шун „Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга на солсин“ деган сўзлар ёзилганини таъкидлар экан, „Кимки ўзбек номини, ўзбек милл нинг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбаш тараққиёти ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи б Амир Темур сиймосини эслаши керак“[1], деб айтган эди.

Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситиш учун бузиб кўрсати тарихий ҳақиқатлар мустақиллик туфайли тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар ҳолига қайтди. Азиз-авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб к арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди, айрим янгитдан барпо этилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида улкан и ютуқ ва натижаларга эришилди. Айниқса, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ми анъаналаримиз ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо эт Мустақиллик майдони, „Ўзбекистон“ халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар са ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган Маърифат ма

---

[1] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — Т.: 5-жилд. „Ўзбекистон“, 177-бет.

Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, бошқа ўнлаб муҳташам бино ва иншоотлар шу борадаги ишларимизнинг ёрқин намоёнидир.

Юртимизда ҳар йили янги-янги обод уйлар, боғ ва хиёбонлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилиб, бунёдкор халқимизнинг ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз Ватани, шаҳар ва қишлоғига бўлган меҳр ва эътибори ортиб бормоқда. Сўнгги вақтда кўплаб майдон ва хиёбонларда кўкаламзор ҳудудларни кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, арча, каштан, қайин, қарағай, эман каби кислородга бой дарахтлар, яшил буталар, майсазор майдонлар юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий кўчасидаги ижтимоий-маданий ва маиший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган 8 та янги уй-жой энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Одамнинг етти пуштига етадиган қилиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб, 80—100 йилга мўлжаллаб, шаҳар ва қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича кўплаб уй-жойлар қурилмоқда. Бу уйлар Европанинг тараққий топган давлатларида қурилган уйлардан асло кам эмас. Мамлакатимизда одамлар оиласи, фарзандлари билан дам олиб ўтирадиган масканлар, инфратузилма объектлари йилдан-йилга кўпайиб, юртимиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. „Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва кўламига кўра беқиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустаҳкам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу ҳаракатларимизни тўхтатиш асло мумкин эмас“ (Ислом Каримов).

**Паул Фогт „EurAsia Heart“ тиббиёт жамғармаси асосчиси, „Lm Park“ клиникаси директори, кардиохирург, профессор (Швецария) шундай фикр билдиради:**

— Ўзбекистонга аввалги ташрифим давомида энг қадимий шаҳарлар Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиш, тарихий ва меъморий обидаларингизни кўздан кечириш ва улардан маънавий куч-қувват олиш бахтига муяссар бўлган эдим. Бу галги ташрифим асносида ҳам Самарқандни зиёрат қилиш истагидаман. Чунки бу афсонавий шаҳарнинг бой тарихи, бугунги ривожига қизиқишим жуда катта. Ўзбекистоннинг бетакрор урф-одатлари, бағрикенг ва ширинсухан одамлари кишида унутилмас таассурот қолдиради[1].

**Жаҳон тамаддуни ва унинг дунёвий мазмуни.** Истиқлол йилларида халқимизнинг ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадрият ва анъаналарига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ китобида таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч — маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди.

Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қуйидаги тарихий саналар кенг нишонланди:

1991 йил — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги.
1993 йил — Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги.
1994 йил — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги.
1995 йил — Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмидин Кубронинг 850 йиллиги.
1996 йил — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги.
1997 йил — Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги.
1998 йил — Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги.
1998 йил — Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги.
1999 йил — Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги.
1999 йил — „Алпомиш“ эпосининг 1000 йиллиги.

---

[1] *Хидирова Б.* Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилса арзийди // „Халқ сўзи“, 2011 йил 25 ноябрь.

2000 йил — Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги.
2000 йил — Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги.
2000 йил — Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги.
2001 йил — „Авесто“ яратилганининг 2700 йиллиги.
2002 йил — Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги.
2002 йил — Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги.
2003 йил — Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги.
2004 йил — Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги.
2006 йил — Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги.
2006 йил — Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги.
2007 йил — Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги.
2007 йил — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги.
2009 йил — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги.

**Ўзбекистонда эришилаётган ютуқларга хорижий эксперт ва етакчи мутахассисларнинг холис баҳолари.**

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Ушб қисқа давр мобайнида меҳнатсевар ўзбек халқи, Президентимиз Ислом Каримо раҳнамолигида, ривожланишга қаратилган аниқ дастурлар асосида турли жабҳалар эътиборга молик улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатда тинчлик ва ижтимои барқарорлик таъминланмоқда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасид савдо-сотиқ, саноат, таълим тизими, спорт, олимпиада, ички ва ташқи сиёсат ва бошқ соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Хитой Халқаро муаммоларни тадқиқ эти жамғармаси Алмашинув ва ҳамкорлик маркази директори, „Таниқли Хитойлик рассо ларнинг тинчлик йўлида саёҳати“ ташкилий қўмитаси масъул котиби Шао Чанчуннинг эътироф этишича, „Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп мамлакат бўлган Ўзбекисто Президенти Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, адолатли бошқаруви туфайли модд фаровонлик ва маънавий юксакликка эришмоқда“[1].

**Елена Кузьмина, Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг собиқ сов давлатлари иқтисодий тараққиёти бўйича раҳбари:**

— Ислом Каримов ўз нутқида бутун Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон хавфсиз ва тараққиётининг энг долзарб муаммоларини аниқ кўрсатиб берди. Шу ўринда Прези нинг аҳоли қашшоқлигини бартараф этишга доир муаммоларни ҳал этиш учун ҳамкор ва иқтисодий лойиҳалар доирасида жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳаракат қи зарурлиги ҳақида билдирган фикрлари мутлақо тўғри эканини таъкидлаш жоиз.

**Россия Миллий янгиликлар агентлиги (ANN News):**

— Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон янги ва улкан марраларни қўлга кир ва натижада унинг қиёфаси тубдан ўзгарди, у жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эга Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5 фоиз, аҳоли жон бошига ҳисоблаган баробар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижти муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайди. Ҳар йили давлат бюджети 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

„Ислом Каримов таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу б ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкид деб қайд этади агентлик.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсуло 10—12 фоизини ташкил этади, ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фо ошмайди. Мамлакатда Кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий дастур амалга оши 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

---

[1] Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. — „Ўзбекистон“, 2010. 94-бет.

„Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади“, деб таъкидлади агентлик.

**Саид Мушаҳид Ҳусайн, „Мусулмонлар лигаси“ партияси бош котиби (Покистон):**

— Мен 2007 йили, кейинчалик эса 2009 йили Ўзбекистонда бўлганимда бу ерда ҳам дунёвий, ҳам диний йўналишдаги таълим учун нақадар катта маблағ сарфланаётганига, шунинг натижасида мамлакатда 100 фоиз ёшлар таълим соҳасида яратилган имкониятлардан тўла баҳраманд бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бундай юксак ютуққа минтақанинг ва умуман, дунёнинг ҳар қандай мамлакати ҳавас қилса арзийди.

„Diplomat“ (Буюк Британия нашри) журнали 2011 йил ноябрь ойи сонида „Ўзбекистоннинг умидли олимпиадачилари“ номли мақоласида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги беллашувлар ва минтақавий мусобақаларда бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритган забардаст спортчилари ҳақида маълумотлар берилган. Улардан бири дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, 60 килограммгача вазн тоифасида 2008 йили Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларининг бронза медали соҳиби Ришод Собировдир. Халқаро дзюдо федерацияси эътирофича, у дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири саналади. Маълумки, 2010 йили Токиода ўтказилган жаҳон чемпионатида Р.Собиров ўзининг илк олтин медалини қўлга киритган эди. Бир йил ўтиб Парижда у мазкур натижани яна такрорлади. „Артур Таймазов — эркин кураш бўйича ўта оғир вазнда жаҳоннинг амалдаги энг кучли полвонларидан бири. 2004 ва 2008 йиллардаги Олимпия мусобақалари чемпиони, 2000 йили Олимпиада ўйинларининг кумуш медали соҳиби, 2003, 2006 йилларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган, 2007 йилги дунё биринчилиги кумуш медалининг соҳиби, кўпгина халқаро мусобақалар ғолиби.

Вадим Меньков дунёнинг энг кучли каноэчиларидан бири ҳисобланади. У ўзининг халқаро даражадаги илк катта муваффақиятига Дохада ўтказилган Осиё ўйинларида эришган Пекин Олимпиадасида спортчимиз 1000 метргача бўлган масофада 4-ўринни эгаллади ва осиёлик эшкак эшувчилар орасида энг юқори натижани қўлга киритди. 2009 йилги спорт мавсуми ҳам Вадим учун муваффақиятли кечди. В.Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия)да, Познан (Польша)да ҳамда Сегед (Венгрия)да ўтказилган босқичларида битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди. У Канаданинг Дартмут шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида ҳам ғолиб чиқди. Ушбу улкан натижаларни инобатга олган Халқаро каноэ федерацияси Вадим Меньковни 2009—2010 йилларнинг „Энг яхши каноэчиси“ деб эълон қилди. Франция, Венгрия ва Германияда ўтказилган жаҳон кубоги босқичларида Вадим иккита олтин ва битта кумуш совринни қўлга киритди. Мазкур мусобақалар унга Польшада ўтадиган жаҳон чемпионати учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади. 2010 йилнинг августида Вадим каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида 1000 метргача бўлган масофада жаҳон чемпиони унвонини муносиб равишда ҳимоя қилди ва спортчилик фаолиятидаги иккинчи олтин мукофотни қўлга киритди“[1], деб ёзилади журналда.

**„VeldicVoyages“ сайёҳлик компанияси менежери Алан Ландрио (Париж):**

— Ўзбекистон деганда, хорижий элларга сайёҳатни режалаштирадиган францияликларнинг кўзи ўнгида Буюк ипак йўлида жойлашган маҳобатли ва гўзалликда бетакрор Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари афсонавий шаҳарлар гавдаланади. „Шуниси диққатга сазоворки, юртингизга ташриф буюрган францияलик сайёҳлар ҳамиша ўзбек халқининг бой маданиятидан, бу ердаги ноёб ёдгорликлардан олам-олам таассурот орттирганларини тўлқинланиб сўзлашади“[2].

---

[1] Ўзбекистоннинг умидли олимпиадачилари // „Халқ сўзи“, 2011 йил 19 ноябрь, 225 (5392)-сон.

[2] Ўзбекистон Париждаги „Top Resa“ халқаро сайёҳлик кўргазмасида // „Халқ сўзи“, 2011 йил ... октябрь.

**Италия парламенти қуйи палатаси депутати, „Озодлик халқи“ партияси мувофиқлаштирувчисининг ўринбосари Агостино Гилья:**

— Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳондаги глобал ўзгаришлардан ҳамда ўз стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритаётган, ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олган суверен мамлакатдир.

**Италиядаги „Юниверсал Энерджи“ компаниясининг раҳбари Паоло Ивальди:**

— Ўзбекистон раҳбариятининг юқори технологияларни ривожлантириш, илмий-интеллектуал, шунингдек, транспорт коммуникацияси соҳаларидаги салоҳиятини амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларнинг кенг миқёсда жалб қилинишига кўмаклашади[1]

**Халқаро ҳакамлар уюшмаси президенти Йохан Бьят (Белгия):**

— „Ўзбекистонда 2012 йилнинг „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Чунки у давлатнинг жамият ҳаётининг асосий масалаларига, аҳоли фаровонлиги изчил юксалиб боришини таъминлашга, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераётганини намоён этади.

**Анна Кристина Медиче, делегация раҳбари (Бразилия):**

— Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда спортга таълимнинг узвий бир қисми сифатида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Мамлакатингизда дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайдиган уч босқичли мусобақалар тизими йўлга қўйилганидан ҳам яхши хабардорман. Қолаверса, болалар спортини ривожлантириш учун ҳар йили жуда катта куч ва маблағ сарфланяпти. Демак, Ўзбекистон шу орқали ўз келажаги учун муносиб пойдевор қўймоқда.

Гимнастикачиларингиз доимо кучлилар сафида эътироф этилган. Уларнинг чиқишларини кузатиб, бу ерда, чиндан ҳам, истеъдодлар кўп эканига амин бўлмоқдаман.

**Хеа Жун СУХ, ҳакам (Жанубий Корея):**

— Мақомига кўра, жаҳон чемпионатига яқин турадиган мана бундай йирик мусобақаг мезбонлик қилиш вазифаси яна бир карра Ўзбекистонга ишониб топширилганида хурсандмиз. Чунки мамлакатингиз спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш борасида катта тажриба тўплаган. Бу гал ҳам иштирокчиларга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Юртингиз одамларининг самимийлиги, меҳмондўстлиги, Ўзбекистоннинг гўзал табиати менда катта таассурот уйғотди. Кайфиятим аъло. Бу баҳсларни холис ва адолатли бошқариш, шубҳасиз, қўшимча куч-қувват бағишлайди.

Хуллас, эришилган ютуқлардан фахрланиш бугунги кунда фуқароларимизда истиқлол учун масъулият билан бирга Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини ҳам шакллантирмоқда. Ўтган йигирма бир йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

---

[1] Ўзбекистон — дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга // „Халқ сўзи“, 2011 йил 4 октябрь

## ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ АНГЛАШ ВА ЁН-АТРОФДА БЎЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини ўз олдига қўйган халқимиз буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамлаб бормоқда. Тарихан қисқа давр, мазмунан асрларга тенг тараққиётга эришдик. Энг муҳими, фуқароларимизда ўзининг эртанги келажагига ишонч уйғонмоқда, кишиларда, энг муҳими, ёшлар онгида тафаккур ислоҳотлари рўй бермоқда.

Айни пайтда дунё тобора ўзгариб бормоқда. Глобаллашув, халқаро алоқалардаги интеграция жараёнлари, қадриятлар эволюцияси ва улардаги трансформация ҳолатлари давлатлар, сиёсий партиялар қарашлари, кишилар дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, урушлар олдини олиш, адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши ўртасида мутаносибликка эришиш, жаҳон халқларини зарур озиқ-овқат, қувват, айниқса ичимлик суви билан таъминлаш, экология, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш каби умуминсоний, глобал муаммолар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Ана шундай кучли глобал муаммолар ичида айниқса барқарор тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда инсоният маънавий муҳити софлигини сақлаш масалалари устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон ҳукумати, мамлакат сиёсий раҳбарияти ушбу масалаларнинг нечоғлик долзарб эканини ҳис этиб, уни ҳал қилишга бел боғлаган.

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига берган жавобларида янада ҳам яққол намоён бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда истиқомат қилган 6,5 миллион аҳолининг 1,5 миллион нафари қўлида қурол билан фашизм, деб аталган ёвуз кучга қарши курашди. Шундан тахминан 500 минг ватандошимиз жанг майдонларида ҳалок бўлди. Шу маънода, ўша даврда юртимизда бу урушдан азоб ва азият чекмаган бирорта ҳам хонадон қолмади, деб айтишга асослар етарли.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Ислом Каримов фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшашини, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслашини, уларнинг охирати обод бўлишини яратгандан сўрашини яна бир бор қайд этди.

Азал-азалдан бағри кенг ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам фронтда, ҳам фронт ортида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди. Жумладан, уруш йилларида собиқ СССРнинг гарбий ўлкаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ киши республикамизда бошпана топди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Ўз табиатига кўра, меҳрибон бўлган ўзбек халқи юртимизга келтирилган бошпанасиз, ота-онасиз, оч-наҳор болаларга том маънода меҳрибонлик кўрсатди, 4,5 минг нафардан зиёд бола ўзбекистонлик оилалар томонидан қабул қилинди[1]. Ўз моҳиятига кўра чуқур байналмилаллик ва бағрикенглик руҳи билан суғорилган бу ҳаракатда ўзбек халқининг меҳмондўстлик, кўнгли очиқлик, ўзгаларга ҳамдардлик каби миллий хусусиятлари ёрқин кўринди.

Инсоният тарихи яратишлар, бунёдкорлик, эзгулик тарихи бўлиши билан бирга, уруш-йуқотишлар даври ҳамдир. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг

[1] Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2002. 236-бет.

йил мобайнида Ер шарида 15 мингдан зиёд уруш содир бўлган. Шу даврнинг ичида атиги 300 йилигина урушсиз кечган. Америкалик муаллиф Р.Кларкнинг „Уруш илми ва тинчлик" китобида келтирилишича, 1820—1859 йилларда 92 та урушда 800 минг (жами аҳолининг 0,1 фоизи), 1860—1899 йилларда 106 та урушда 4,6 миллион (0,4 фоиз) одам қирилиб кетган.[1] Биринчи жаҳон уруши даврида 10 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши даврида уларнинг сони 50 миллион кишидан ортиб кетди.

Афсуски, уруш ва тинчлик, инсониятни уруш оловларидан сақлаб қолиш муаммоси XXI асрда ҳам сақланиб қолмоқда. Дунёнинг турли чеккаларида уруш алангалари чиқмоқда, йирик давлатлар ўз геополитик қарашларини амалга ошириш, дунёга эгалик қилиш каби манфаатларини афсуски, баъзан турли жанжаллар чиқариш орқали ҳимоя қилмоқда.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилишини таъкидлади. Масаланинг энг ташвишли жиҳати шундан иборатки, ҳали дунёда фашизмнинг тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар борлиги маълум бўлмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли кучли ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, маънавий барқарорликка эришилди. Халқимиз қўлга киритган натижаларнинг негизида турган асосий омил — бу мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганидир.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Президентимиз 9 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида Иккинчи жаҳон урушидан, Хотира ва қадрлаш кунидан оладиган сабоқларимиз ҳақида батафсил тўхталди. Биринчи хулоса шуки, инсон хотираси абадий ва у доимо ҳақиқатни акс эттиради. Бу, таъбир жоиз бўлса, адолатли, маърифатли жамият қуришнинг ҳам асоси, ҳам кафолатидир. Тарихий хотиранинг боқийлиги аслида тарихга ҳаққоний тарзда муносабатда бўлишда намоён бўлади. Тарихни сохталаштириш, унга сиёсий-мафкуравий манфаатлар нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш кишиларни чалғитади, жамиятни бузади, барқарорликка путур етказади. Шу аснода Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг муносиб ҳиссаси борлигини онгли равишда англаш халқимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшади. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби юрт, Ватан учун курашган, жон фидо қилган ўз қаҳрамонларидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади.

Иккинчи хулоса инсоният учун ўта зарур бўлган тинчлик феноменининг аҳамиятини тушуниш, англаш билан боғлиқ. Қўшни Афғонистондаги бундан 30 йил аввал бошланган нотинчликлар, дунёнинг ҳали у четида, ҳали бу бурчагида содир бўлаётган тўс-тўполонлар — буларнинг бари мамлакатимизда олиб борилаётган тинчликсевар давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини янада чуқур англашга ундайди.

Учинчи хулоса мустақиллик феноменини англаш билан боғлиқ. Гап шундаки, фуқароларнинг айрим қисмида ҳали совет тузумини қўмсаш кайфияти мавжуд. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллик байрамида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, совет тизимини кўрмаган айрим ёшларда ҳам ўша даврни қўмсашга интилиш бор. Бу ўта хавфли ҳолат ҳисобланади. Қарийб 3 минг йиллик ўзбек миллий давлатчилик тарихи давомида 200 йил Эрон ахоманийлари, 180 йил грек-македонлар, 200 йил араблар, 150 йил мўғуллар, 130 йил чор Россияси ва совет мустабид тузумлари келтирган жабр-зулм

---

[1] *Жўраев Н.* Тарих фалсафасининг назарий асослари. — Тошкент, 2008. 398-бет.

лар, моддий ва маънавий йўқотишлар, энг ёмони, халқимиз қадр-қимматининг камситилиши каби ҳолатларни унутиш мумкинми? Асло унутиб бўлмайди.

Шундай экан, мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, инсон қадр-қимматининг тикланиши — буларнинг барчаси мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар хотирасини эслаш, тарихий хотиранинг жамият ва инсоннинг яратувчанлик фаолиятини оширадиган омил сифатидаги ролини англашга хизмат қилади.

Тўртинчи хулоса инсоннинг теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий ҳодиса-воқеаларни таҳлил қила олиш кўникмаси билан боглиқ. Шу маънода, Ислом Каримовнинг дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур, деган фикрларида жуда чуқур маъно бор.

Аслида, бепарволик, лоқайдлик, масъулиятсизлик билимсизлик оқибатидир. Ўз уйида, маҳалласида, ишхонасида, пировард натижада жамиятда содир бўлаётган хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳолатларга ўзининг дахлдорлигини ҳис этган шахс, ҳеч шубҳасиз, ўз манфаатларини Ватан ва миллат манфаатидан юқори қўймайди.

Бешинчи хулоса, назаримизда, энг муҳим хулоса бўлиб, маънавият, маърифат инсон дунёқараши билан боғлиқ эканини назарда тутади. Аслида, инсон хотираси, унинг қадр-қиммати шахснинг маънавияти билан боғлиқ. Ислом Каримов ўз интервьюсида муҳим назарий-методологик масалага эътиборни қаратди. Яъни, инсоннинг дунёқараши, унинг ҳаётга, меҳнатга, касбига бўлган муносабати уч муҳим масалада ўз аксини топмоқда. Булар халқимизнинг мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва маънавий оламининг шаклланишидан иборатдир.

Ушбу уч ўқилдиз Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Шахснинг мустақил фикрлаши кўпроқ унинг ижтимоий фаоллигига боғлиқ. Ижтимоий фаол инсон аслида ўзини ижтимоий экспертизадан ўтказа оладиган, ўзида масъулият ҳиссини туйган кишидир. Айни пайтда инсондаги мустақил фикрлаш ва ижтимоий фаоллик унинг маънавий оламидаги ҳолатга боғлиқ. Агар шахс ўзининг кучли маънавий оламига эга бўлмаса, унинг ижтимоий фаоллигию мустақил фикрлаши ғайриинсоний мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда маънавий ва маърифий ишларнинг давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланиши бежиз эмас. Кучли маънавият булоғи билан суғорилмаган ҳар қандай ҳаракат охир-оқибатда инсон манфаатларига зид келиб қолади. Бунга тарихдан мисоллар жуда кўп.

Олтинчи хулоса турли таҳдидлардан сабоқ олиш билан боғлиқ. Гап шундаки, ҳозирги кунда дунёда инсониятга халқаро терроризм, диний экстремизм, СПИД ва наркоагрессия каби хавф-хатарлар таҳдид солиб турибди. Айни пайтда „оммавий маданият“, эгоцентризм ва эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлар таъсири ҳам зўрайиб бормоқда.

Айниқса, миллий маънавият, ёшлар дунёқарашига тескари таъсир ўтказишда „оммавий маданият“нинг салбий таъсири ортиб бормоқда. „Оммавий маданият“ дунёда кўплаб кишиларнинг „мавҳум дунё“, виртуал дунёга онгсиз равишда кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Кузатувчи-тадқиқотчилар, олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 10 фоизи виртуал дунёга кириб бўлган. Бошқача айтганда, улар интернет қарамлигига дучор бўлишган. Шуларнинг 70 фоизини эркаклар ташкил этади. Тадқиқотчилар мазкур интернет қарамлигига тушиб қолганларни 5 гуруҳга бўлишади. 1. Виртуал танишувчилар. 2. Киберсекс ёки порносайтга муҳтожлар. 3. Интернет орқали қимор ўйновчилар. 4. Онлайн ўйинчилари. 5. Интернет-серфинглар ёки интернет саҳифаларини бирон-бир аниқ мақсадсиз ўйламасдан очиб, ундан „роҳат олувчилар“.[1]

Ҳозирги замонда инсон ана шундай виртуал дунёга тушиб қолмаслигининг олдини олувчи ҳам, агар у шундай маконга тушиб қолган бўлса, уни қутқариб олишнинг ҳам ягона

---

[1] „Аргументы и факты“ газетаси. 2012, 17-сон.

йўли маънавият, маърифат, таълимдир. Қисқача айтганда, инсониятни турли мафкуравий-ғоявий таҳдидлардан сақлаб қолувчи, маънавий-ахлоқий тубанлашувнинг олдини олувчи омил маданият, маънавият ҳисобланади. Шахс маънавий олами қанчалар даражада такомиллашса, унда теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш, уларни тўғри экспертизадан ўтказиш кўникмаси кучли бўлади.

Шахс маънавий олами инсоннинг ўзлигини онгли равишда англашга ундовчи, ўргатувчи феномен ҳодиса бўлиб, унинг марказида инсон тафаккури туради. Инсон фақат ва фақат тафаккур жараёнида шаклланади ва чархланади. Эзгулик, яхшилик ҳақида ўйловчи, ўша ҳодисаларга амал қилувчи шахслар доимий равишда бошқалар томонидан эътироф этилади.

Шахс маънавий олами ўз-ўзидан шаклланмайди. Оила, мактаб, маҳалла, жамиятдаги муносиб ҳаёт ва турмуш тарзи, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар инсонлар, биринчи навбатда ёшлар маънавий оламини шакллантирувчи омиллардир. Айни пайтда бу жараёнга маданият, санъат, оммавий ахборот воситалари жамиятдаги соғлом маънавий-мафкуравий муҳит ҳам ўта жиддий таъсир кўрсатади.

Интервьюда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтилди ва „бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунининг маъно-мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътироф билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга“ экани таъкидланади.

Ушбу сўзлардан бундай хулоса чиқариш мумкин: Ватан муқаддас, унинг халқи, моддий, маънавий бойликлари, асрий анъаналари, инсон хотираси азиз ва мўътабар. Ватанни ҳимоя қилиш аслида эътиқод. Ватанни севиш фақат у тўғрисида тинимсиз гапириш эмас. Ватанни аслида у тўғрисида гапирмасдан ҳам севиш мумкин. Бунинг учун аввало Ватан тўғрисидаги тушунчани онгу шууримизга сингдириш, уни эътиқод даражасига кўтариш, ҳар бир инсон ўз ўрнида масъулият билан яшаши, ишлаши, ўқиши лозим. Ватанни севиш ота-боболар жасоратини ўрганиш ва қалбдан ҳис этиш, тарих ҳақида тафаккур ила мулоҳаза қилиш орқали юз бериши мумкин.

Ўзбекистонда Президентимиз томонидан Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси яратилди. Мамлакатимизда шу асосда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Бу ислоҳотлар фақат ва фақат инсон учун, унинг бахт-саодатини таъминлаш, тафаккурини чархлаш, унинг эркин ва фаровон яшаши учун амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Джозеф Стиглиц методикаси бўйича, давлатларнинг „бахт ўлчови“да 5 та йўналиш эътиборга олинади. Бу йўналишлар таълим, аҳоли саломатлиги, ҳаёт сифати, иқтисодий ривожланиш динамикаси ва ижтимоий-сиёсий муҳитдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, ана шу методикада кўрсатилган барча йўналишлар Ўзбекистонда ўзининг барқарор давомийлигини топмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳот натижаларидан халқимиз ҳар қадамда баҳраманд бўлмоқда.

---

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМИЗ

Ўзбекистонда бирорта оила йўқки, ўз боласининг билимли бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топадиган инсон бўлиб камол топишини истамаса. Халқимиз ўртасида кенг тарқалган „Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт“ деган шиорнинг маъно-мазмуни ҳам аслида шунда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзлигини чуқур англаб етган, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, ўз ҳаёти, ўз тақдирини мана шу озод Ватан, дунёда ягона бўлган она юрти-миз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интилаётган Ўзбекистон болаларининг ёниб турган кўзлари балки бизнинг йўлимизни ёритиб бераётгандир...

Биз ана шу навқирон ёшлар тимсолида мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва амалий салоҳиятга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашга қодир буюк кучни кўрамиз.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёш авлод ҳақида ғамхўр-лик қилиш асосий ва устувор масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди.

„Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафар-ни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил қилади“[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юқорида зикр этилган интер-вьюсида ёшлар ҳақида алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни таъкидлади: „Бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарур. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳаётга ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим“[2].

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда ёшлар ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу-нинг учун аввало мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Дастлаб Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган сессиясида „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғри-сида“ги[3] қонуни қабул қилинди. Пре-зидентимиз томонидан 1992—1993 йил-ларда ёшларнинг камол топиши учун ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва уларни ҳар томонлама уйғун ривожлан-тириш мақсадида 14 та фармон қабул қилинди. Уларда ўқувчи ёшлар ва тала-баларнинг моддий аҳволини яхшилаш-га тортиб, ёшлар истеъдодини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш-га бўлган кенг кўламли тадбирлар назарда тутилди. Масалан, Президентимиз



[1] „Халқ сўзи“ газетаси. 2007 йил, 8 декабрь. №243 (4396).

[2] „Тошкент оқшоми“ газетаси. 2012 йил 10 май.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил, 2-сон.

томонидан 1993 йил 5 февралда қабул қилинган „Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонда ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён қилиш ва ижтимоий қобилиятини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият берилиб, охирги йил ўқиётган талаба ва аспирантлар — бутун ўқиш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини таъсис этиш белгиланди. Яна бир муҳим ғамхўрлик Президентимиз ташаббуси билан 1990 йилнинг 1 сентябридан бошлаб барча ўзлаштирувчи талабаларнинг стипендия олиши таъминланди. Шу ўринда таққослаш учун бир мисол, Америка университетларида стипендия тизими мавжуд бўлса ҳам, аммо у фақат ўта қобилиятли ва муҳтож талабаларга берилади.

Мамлакатимизда атоқли илм-фан, маданият ва адабиёт намояндалари номидаги стипендиялар ҳар семестрда бир марта имтиҳон сессиялари якунларига қараб тайинланади. Бу борада ўқув юртларида олимлар кенгашининг тавсиялари эътиборга олинмоқда. Бундай махсус стипендиялар миқдорига келганда, уларнинг ҳажми олий ўқув юртлари учун белгиланган умумий ўртача стипендияларнинг энг юқори даражасидан ортиқ бўлиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги „Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 25 мартда „Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ва билим юртлари ўқувчиларини рағбатлантириш тартиби асосида Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танлов ва мусобақалари голиблари тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига тест синовларисиз ва касбий ижодий имтиҳонларсиз қабул қилиб келинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1999 йил 10 июнда қабул қилинган „Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ, ҳар йили ушбу мукофот соҳибаси бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ҳам тегишли таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли вазирлик, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбиячиларининг „Тарбиячи" республика танлови ғолиби, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг „Ҳамшира" республика танлови ғолиби. Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари ҳам мазкур вазирликлар тақдимномаларига мувофиқ давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида" 1994 йил 3 октябрда қабул қилган 496-сонли қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда тест синовларида улар тўплаган балларга энг юқори тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини, [illegible] йилдан 25 фоизни, 2012 йилдан [illegible] фоизни қўшиш имтиёзи берил[illegible]



„Умид" жамғармаси, „Ус[illegible] жамғармалари 2003 йил 1 [illegible]

бирлаштирилиб, улар негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Истеъдод“ жамғармаси ташкил топди. „Истеъдод“ жамғармаси орқали республикамиз олий ўқув юртлари АҚШ, Англия, Германия, Австрия, Испания, Финляндия, Италия, Греция, Хитой, Жанубий Корея, Бельгия, Миср, Малайзия, Исроил каби хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари билан таълим, илмий, илмий-услубий соҳаларда тажриба орттириш учун талабалар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари республикамизнинг университет ва институтларида дарс бериш учун таклиф қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳар бир иқтидор эгасининг ўз имкониятини намойиш қилиши учун ҳар томонлама қулай имкониятлар яратилмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг компьютерлаштирилиши ва автоматик бошқарувнинг жорий этилиши давр талабидир. Чунки ишлаб чиқаришга энг илғор хорижий технологиялар жадал равишда кириб келмоқда. Бундай технологиялар билан ишлаш ва уларни бошқариш учун талаба энг замонавий муҳандислик билими ҳамда кўникмаларига эга бўлмоғи лозим. Ҳозирги бакалавр ва магистр талабалар энг сўнгги жиҳозлар билан янгиланган илмий-ўқув лабораторияларда, янги технологиялар билан қуролланган корхоналарда замонавий билимларни ўзлаштирмоқда. Профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, кўплаб магистрант-талабалар ҳам хорижий илмий ва ишлаб чиқариш марказларига таҳсил олиш учун юборилмоқда. Таълимда фаол халқаро интеграцияга кенг йўл очилмоқда.

Халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш мақсадида 1997 йилнинг 29 августида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва „Таълим тўғрисида“ги[1] қонун қабул қилинди. Ушбу ноёб ҳужжатлар ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашни назарда тутади. Миллий дастур эса кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни мақсад қилиб қўйди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш мақсадида 2004—2009 йилларга мўлжалланган Умуммиллий давлат дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Ушбу дастур доирасида 8500 дан зиёд мактабда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси ёки 16 фоизи шаҳарларда, 6887 таси ёки 81 фоизи қишлоқларда, 288 таси эса бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу тариқа шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди. 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди, 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактабга телефон ўрнатилди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг мутлақо янгича усуллари жорий этилди.



Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида ўрта махсус касб-ҳунар таълими шаклидаги ноёб тизим шаклланди. Республикамизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаси қурилиб, ёшларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитиляпти. 1998—2011 йилларда ўрта махсус

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон.

касб-ҳунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 132,1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Сўнгги ўн йил давомида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарийб 234 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларини харид қилишга йўналтирилди. 1616 номдаги 7 миллион нусхада нашр этилган дарслик ва қўлланмалар, 131 номдаги электрон дарслик ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига етказилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз ёшларига бундай сўзлар билан мурожаат қилган эди: „Сиз жаҳон цивилизациясига улкан хисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб, замонамизнинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил“[1].

Президентимиз Ислом Каримов Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор қаратиб, „Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон ва тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интилишимиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканимизни амалда намоён этишимиз барчамиз, аввало, навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт“[2].

„Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган. Ҳолбуки, бизга нисбатан шундай фикрда бўлганлар одамларимиз бошқача тарбия кўрганини, улар собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида содир бўлган кўп воқеаларнинг ўз юртларида такрорланишига сира ҳам йўл қўймаслигини англамас эдилар“[3].

Таълим-тарбиянинг мустабид тузум замонида „пролетар интернационализми“ шиори асосида мафкуралаштирилиши, уни миллий-тарихий заминдан маҳрум этиш инсон шахсининг маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий оламини қашшоқлаштирди, мутелик руҳиятини қарор топтириб, одамларда эркин, ижодий фикрлаш қобилиятини чеклаб қўйди.

„Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ“, деган эскидан қолган гап бор. Бу қарашнинг чуқур маъносини таҳлил қиладиган бўлсак, бундай ёндашув бугунги маънавий ҳаётимиз, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизга мутлақо ёт эканини таъкидлаш зарур.

Агарки биз шундай ёндашув билан йўлимизда қоятошдек тўсиқ бўлиб турган турли ғовларга, хавф-хатарлар ва зўравонликларга чидаб яшайдиган бўлсак, болаларимизни шундай руҳда тарбиялайдиган бўлсак, савол туғилади, бундай ҳолда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришармиди? Ҳеч қачон!

Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кучайтириш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим.

Бугунги ёшлар нафақат моддий, аввало, маънавий жиҳатдан эркин бўлиши, дўстни душмандан ажратиши, миллий ғоя билан бирга умумбашарий қадриятларни ўзида тарбиялаши, шакллантириши учун уларнинг ақл-заковатини, тафаккурини, маънавий дунёсини мунтазам юксалтириб бориш даркор. Маънавият, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олижаноб фазилатлар эса аввало, оилада шаклланади. Шу боис, юртимизда „Мустаҳкам оила йили“ муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга ошириш учун катта куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Мақсад — оилалар мустаҳкам бўлсин, ёшлар катта авлод бошлаган ишларни муносиб давом эттирсин. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган йигит-қизлар ўз онги, ўз ақли билан мана шу ғояларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

---

[1] Президентга мактублар. – Т.: „Маънавият“, 2006. 82-бет.

[2] *Каримов И.А.* Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. 15-жилд, – Т.: „Ўзбекистон“, 2007. ...-бет.

[3] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, – Т.: „Ўзбекистон“, 2005. 135-бет.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1) талаба ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларда мустақиллик тафаккурини, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, юксак ахлоқ, ҳуқуқий билимлар, маънавий етукликни чуқур эгаллаб, қонунларимиз устуворлигини тан оладиган, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантириш;

2) талаба ёшларга таълимнинг ижтимоий-сиёсий афзалликларини кенг тарғиб қилиш;

3) мустақилликнинг бебаҳо неъмат эканини ёшлар онгига чуқур сингдириш, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирган маънавий-маърифий ишлар давлатимизнинг сиёсий, маданий бирлигини таъминлайдиган асосий омил эканини чуқур тушунтириш;

4) талаба ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб боришда миллий ғоя, миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий маданият, тарихий, фалсафий-ахлоқий мерос, шахс эркинлиги ва ривожининг давлат томонидан ҳимоя қилинишининг афзалликлари.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ёшларга бўлган ишончини қуйидагича баён этади: „Замонавий билимларни эгаллаётган ёшларимизга катта умид ва ишонч билан қарайман. Чунки ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадларга эришиш учун ёшларимизда барча имконият — ақл-заковат ҳам, куч-ғайрат ҳам етарли. Энг муҳими, фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда“[1].

Жумладан, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳомийлигида „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми“ жамғармасининг кўпгина лойиҳалари асосида, шунингдек, „Камолот“ ёшлар ижтимоий ҳаракати, „Камалак“ болалар ташкилотлари билан ҳамкорликда „Янги авлод“, „Навқирон Ўзбекистон“, „Келажак овози“ каби республика истеъдодли ёшлар танловлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури, фестиваллар, иқтидор эгаларининг интеллектуал беллашувлари, фанлар бўйича олимпиадалар, концертлар, бадиий кўргазмалар, таълим, педагогик йўналишдаги грантлар дастури кўрик-танловлари ўтказилиши мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Форум жамғармаси маданият, санъат, таълим, спорт соҳаларига, ноёб миллий меросимизни асраб ва уни тарғиб қилишга, илм-фан ҳамда ижоднинг турли йўналишлари бўйича ёш иқтидор соҳибларини кашф қилишга кўмаклашмоқда, санъат соҳасидаги халқаро алмашинув ва маданий мулоқотни фаоллаштирмоқда.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий вазифаларидан бири ёшларда фуқароликни шакллантириш, уларни умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, фуқаролик вазифаларини бажаришга тайёрлаш, миллий онг даражасини ошириш, энг яхши фазилатларни тарбиялаш орқали Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғурадиган, халқи, Ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қиладиган, юксак ғоялар, янги шарафиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, бор имкониятини юрти, элига бахшида этадиган баркамол авлодни етиштиришдан иборатдир. Бу эса ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим ва тарбия мазмунига бевосита боғлиқдир.

Қобилиятли ёшларнинг ғоялари ҳамда амалий ихтироларини руёбга чиқаришда ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиляпти. Улар олий ўқув юртлариаро, республика ҳамда халқаро мусобақаларда (олимпиада, конкурслар, конференциялар ва ҳоказо) қатнашмоқдалар, ривожланган хорижий мамлакатларга стажировка ва ўқишга жўнатилмоқда.

Ўтган 20 йил давомида республикамизда ёшларга тааллуқли юзга яқин қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу борада ўндан ортиқ қонунлар, ўттиздан ортиқ Президент фармонлари ва қарорлари, қирқдан ортиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ёшларимизни маърифатли, маънавиятли бўлиб, янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган янги авлод сифатида шаклланиши учун хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Шуни

---

[1] *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“, 2007. 57—58-бетлар.

таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда „Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда“[1].

Президент Ислом Каримов „Ўзбекистон — келажаги буюк давлат“ деган ғояни илгари сурар экан, унинг негизида бошқа муҳим омиллар қатори болалар спорти тушунчаси ҳам мужассам эканини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам ёш авлодни спорт орқали саломат, жисмонан ва маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш мамлакатни буюклик пиллапояларига кўтаради. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида, 133 давлатдан 554 нафар боксчи иштирок этган муросасиз мусобақаларда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги тараққиётининг 16 фоизи моддий-техник базага, 20 фоизи ресурсларга, 64 фоизи инсон омилига боғлиқ. Шу боисдан ҳам ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бунинг натижасида Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети иш бошлади. И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Шунингдек, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмоқда ва ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга ўз фикрини она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Бизнинг ҳар биримиз буюк тарихимиз, буюк маънавий меросимиз, айни чоғда жаҳон маънавий тамаддунига улкан ҳисса қўшган, бир-биридан улуғ мутафаккир олиму фузалоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва уларга муносиб бўлишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз. Табиийки, ҳар қандай дарахтнинг қандай гуллаши ва қандай мева бериши унинг илдизлари туташган тупроққа боглиқ. Бўш жойда ҳеч нарса унмайди. Ижтимоий-маънавий тараққиётда ҳам улкан ғалабаларга эришмоқ учун катта маданий анъана ва маданий мерос керак. Шукрлар бўлсинки, бизнинг маданий меросимиз ва маънавий

---

[1] „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференция материаллари. — Т.: „Ўзбекистон“, 2012. 6—7-бетлар.

бойлигимиз тарихи энг қадимги даврларга бориб туташади. Бу бебаҳо бойликларимиз, жумладан, муқаддас анъаналаримиз ва қадриятларимиз ана шу даврлардан бери катта ҳаёт синовларидан омон-эсон ўтиб, тобора сайқалланиб, такомиллашиб келмоқда.

Айни чоғда, бу омиллар ёшларимизни миллатлараро тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2008 йил, яъни „Ёшлар йили“ муносабати билан республикамизнинг қатор вилоятларида ва Тошкент шаҳридаги етакчи олий ўқув юртларининг талабалари иштирокида ўтказилган „Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона“ мавзусидаги илмий-амалий семинарлардаги мулоҳазаларни тасдиқлайди. Бу семинарларда рус, украин, яҳудий, грузин, корейс, немис ва бошқа қатор миллатларга мансуб бўлган талаба ёшлар сўзга чиқиб, соф ўзбек тилида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Қалблари Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси билан тўлиб-тошган бу ёшлар бугунги кунда давлат тилини ўрганиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаб ўтдилар. Уларнинг деярли ҳар бири „Тилга эътибор — элга эътибор“, деган ўзбек халқ мақолини келтириб, ўзбек тилини билиш, биз каби турли миллат вакилларини ўз бағрига олган ўзбек халқига, эркин, демократик, ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидан дадил илгарилаб бораётган мустақил давлатимиз ва жонажон Ватанимизга бўлган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси, дея барча тенгдошларини бу тилни севиб ўрганишга даъват этдилар.

Ёшларимиз, давлат тилини билишнинг аҳамиятини чуқур англаб етган ҳолда, буни ўзи яшаб турган юртнинг буюк тарихини, жаҳоншумул маданиятини ва айниқса, унинг ўзига хос қирраларини ўрганишда кенг имкониятлар эшигини очиб берувчи бебаҳо омил сифатида баҳолаётгани биз учун ғоят қувончлидир.

Халқимиз орасидаги ўзаро аҳиллик, айниқса, байрамларда, юртимизда нишонланадиган тантанали маросимлар ва халқ сайлларида ўзининг бутун бир жозибаси билан намоён бўлади, бундай кунларда турли миллат вакиллари миллий либосларда, турли тил ва оҳангларда ўзларининг шукроналик туйғуларини, шу муқаддас заминга, она Ўзбекистонимизга чуқур меҳру муҳаббатларини ўзларининг куй ва қўшиқлари билан ифода этадилар. Шундай пайтларда юртдошларимиз жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, бирлик ва ҳамжиҳатлик мамлакати эканини яна бир бор намойиш этадилар. Байрам кунларида шоду хуррамлик билан турли миллат вакиллари иштирокида ўтаётган шодиёналар ўлкамизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Ана шундай лаҳзаларда Ватанимиз Ўзбекистон ҳақиқий дўстлик чаманзори сифатида ҳар қандай кузатувчининг ҳайратию ҳавасини келтиради.

Табиийки, қайси даврда бўлмасин, ҳар қандай ёвуз кучларга, босқинчиларга қарши кураш, бу наинки бир миллат ёки дин вакиллари манфаатига, балки миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилади. Бу фикр ҳозирги глобаллашув даври учун айниқса муҳимдир. Бу жиҳатдан Хотира ва қадрлаш кунининг мамлакатимизда барча миллат вакиллари томонидан кенг нишонланиши алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур байрам кунида айниқса Иккинчи жаҳон урушида Ватанимиз Ўзбекистон учун, она халқимиз, азиз тупроғимиз учун жон фидо этганларнинг хотираси такрор-такрор ёдга олинади.

Ҳозирги кунда уйларимизни файзга тўлдириб, барча ишларимизга бошу қош бўлиб, қаторимизда юрган уруш ва меҳнат фахрийларига эса чексиз эҳтиромлар кўрсатилиб, уларнинг фидокорона меҳнати, ибратли ҳаёти биз учун катта сабоқ мактаби сифатида ҳамиша юксак қадр-қимматга эга эканлиги таъкидланади. Шунинг учун ҳам бу хотира ва қадрлаш маросимларида барча миллий-маданий марказлар фаол иштирок этади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ёшларимиз ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирларига фақат ва фақат яхшиликлар тилаб, эзгулик ва яратувчилик ишқи билан тинч-тотув ҳаёт кечираётганликлари, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мустақил давлатимизнинг бугунги кундаги эришган энг катта ютуғи, қўлга киритган энг катта бойлигидир.

Ҳа, ҳар қандай душманни доғда қолдириб, ҳар қандай ғовларни бартараф этишга қодир бўлган қудратли куч ҳам айнан мана шу аҳиллик ва ҳамжиҳатликда мужассамлашгандир. Бу эса халқимизга хос бўлган юксак маънавиятнинг муҳим белгисидир.

Ёш авлод онгу шуурига маънавият, маърифат ёғдуларини сингдириш унинг камолотида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки, маърифат ғояга айлангандагина у маънавиятни уйғотадиган ва реал кучга айлантирадиган омил сифатида намоён бўлади.

Шу маънода ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, таълим-тарбия билан боғлиқ масалаларни ўзида айниқса чуқур мужассамлаштиради. Таълим-тарбия жараёнисиз ёшлар маънавий камолоти тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Бугунги кунда дунёдаги турли мафкуравий марказлар четдан туриб ёшлар „мутлақ эркинлик“, „чегарасиз эркинлик“, „эркин ахлоқ“ деган сохта ғояларни уларнинг онгига сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда „оммавий маданият“ намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

Мана шундай маънавий хуружлар қандай салбий оқибатларга, ўзаро қарама-қаршилик ва тўқнашувларга олиб келаётганини бугун дунёнинг олис-яқин турли минтақаларида кўриш қийин эмас. Бинобарин, бундай ғаразли уринишларга асло бепарво бўлишимиз мумкин эмас.

Президентимиз Ислом Каримов „Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли“ номли рисоласида таъкидлаганидек, бугунги кунда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. У ҳам бўлса, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган „оммавий маданият“ ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак. Демак бундан кўринадики, бизда жаҳолатга қарши ғоя, кучли иммунитет шаклланган бўлмоғи лозим.

„Оммавий маданият“ хуружи, мустақиллигимизга қарши кимсалар, кучлар, марказлар бизни ичдан емирмоқчи, яъни халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилиб турган асослардан, асрлар мобайнида шаклланиб, ривожлантирилиб келаётган миллий маънавий-маърифий, ахлоқий, руҳий тамойилларимиздан бегоналаштирмоқчи.

„Оммавий маданият“ халқларнинг миллий ўзлигини ва маданиятларини барбод қилишга қаратилгани билан хатарлидир.

Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: „оммавий маданият“ деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди“[1].

Ана шу китобда ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз эканлиги уқтириб ўтилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларнинг интилишларини рўёбга чиқаришда жамоат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор. „Камолот“ ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, „Маҳалла“ хайрия жамғармаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, „Меҳр нури“, „Сен ёлғиз эмассан“ жамғармалари, „Келажак овози“ ёшлар ташаббуслари маркази каби ташкилотлар шулар жумласидандир.

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилади, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ғоят тез ва ҳассослик билан қабул қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

---

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: „Маънавият“, 2008. 117-бет.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида юртимизда янги авлод кадрларини тайёрлаш, истеъдодли ёшлар билан ишлаш масалалари янгича ғоявий-сиёсий асосда, аниқ самарали тизим бўйича йўлга қўйилди. Бунда, биринчидан, давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий каби соҳаларда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилиб, бу борадаги ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Иккинчидан, янги авлод кадрлари янгича асосда, миллий ғоямиз тамойилларига таянган ҳолда тайёрланмоқда. Учинчидан, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида юртимизда самарали миллий таълим модели шаклланди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Тўртинчидан, тармоқ вазирликларига қарашли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида янги авлод кадрларини тайёрлаш тизими ислоҳ қилиниб, ривожланиб бормоқда. Бешинчидан, Давлат бошқаруви академияси, Тиббиёт академияси, Қуролли кучлар академияси каби замонавий таълим муассасаларида янги авлод кадрлари билан биргаликда, раҳбар ходимлар, илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилди.

---

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУРИ ВА ТАЯНЧИ

Мустақиллик, тинчлик ҳар бир инсон, ҳар бир халқ орзу қиладиган ва эъзозлайдиган улуғ неъмат. Бу неъматга эришиш, уни сақлаш муқаддас бурч. Дунё харитасидан мустақил Ўзбекистон деган давлат ўрин олган кундан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида тинчлик-осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб келмоқда. Айни шу мақсадни амалга ошириш учун мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан эътиборан ҳар томонлама яхши таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, турли замонавий таҳдидларга муносиб жавоб қайтаришга қодир қуролли кучларни шакллантиришга улкан аҳамият берилмоқда.

2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида Ислом Каримов мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятга тўхталар экан, миллий армиямизнинг, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтди[1].

Биз мустақилликка эришгач халқимиз учун тинч ва фаровон, эркин ва озод ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий-маданий салоҳиятга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўйдик. Бундай юксак мақсадларга эришиш учун биринчи навбатда Ватанимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш даркор. Чунки шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, эл-юрт тинчини бузишга уринадиган қора ниятли кучлар бизга таҳдид солиб тургани барчага аён бўлиши керак. Мустақиллигимизнинг ўтган 20 йили ичида конституцион тузумимизга, миллий давлатчилигимизга нисбатан бўлган турли таҳдидлар, халқаро диний-экстремистик кучларнинг мамлакатимиз ҳудудига бостириб киришга қилган ҳаракатлари, Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон вилоятларида уюштирилган қатор террористик ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир.

Тарихдан маълумки, юртимиз бошига оғир, синовли кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлар кўкрагини қалқон қилиб ёвга қарши чиққан. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби дилвюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг номлари ва жасоратлари тилларда достонга айланган. Асрлар ўтса-да уларнинг қаҳрамонликлари халқимиз қалбида мангу яшайди, ҳар бир ватандошимиз учун ўрнак бўлиб хизмат қилади.



„Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни б...

[1] „Халқ сўзи". 2012 йил 10 май.

этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин[1]".

1991 йил 19 август куни собиқ иттифоқ ҳудудида рўй берган сиёсий жараёнлар, ГКЧПнинг (Фавқулотда ҳолат давлат комитети) эълон қилишини, унга раҳбарлик қилган СССР вице-президенти Г.Янаев, СССР Министрлар Советининг раиси В.Павлов, КГБ раиси В.Крючков, мудофаа вазири Д.Язов, ички ишлар вазири Б.Пуголар томонидан эски тоталитар тузумни сақлаб қолишга уринишлар ҳали ёддан кўтарилганича йўқ.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафарида бўлганлигидан фойдаланган шу даврдаги Республика вице-президенти Ш. Мирсаидов ва Ўзбекистон компартияси марказий комитети иккинчи котиби А.Ефимовнинг имзоси билан Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлари ва Қорақалпогистон АССРга, Ўзбекистон ССР ҳудудида СССР Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўрсатма берилиши мустақиллик сари қўйилаётган дадил қадамлар илдизига болта уришга қаратилган эди.

1991 йил 19 август куни кечқурун сафардан қайтиб келганимда, деб эслайди Президент Ислом Каримов „Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли асарида, мени Тошкент аэропортида биринчилар қаторида Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари ва Москва йўллаган бир неча генераллар кутиб олди.

Агарки, хаёлан ўша дамларга қайтиб, ўша вазиятни бир сўз билан ифода қилиб айтадиган бўлсак, аэропортнинг ўзидаёқ қандайдир бир кескинлик, таҳлика ва хавф-хатар нафаси ҳавода кезиб юргандек туюларди[2].

Бу важоҳат ва қўрқитишларга Ўзбекистон ўз муносабатини билдирди. Таҳлика кучайган бир шароитда Ўзбекистон Президенти 1991 йил 20 июнда қабул қилинган давлат Мустақиллиги декларациясининг 3-банди асосида Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетининг 25 августдаги фармони билан Ўзбекистоннинг қонуний тасарруфига ўтказди. Шу тариқа бу тузилмалар бевосита мамлакат Президентига бўйсундирилди. Шу фармон билан Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик комитети, Республика прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, юртимиз ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмаларида, бир сўз билан айтганда, барча куч тизимларида КПСС фаолияти тўхтатилди[3]. Бу, ўз ўрнида, мазкур тизимлар орқали марказнинг кўрсатмаси билан бўладиган ҳар қандай провакацион ҳаракатларнинг олдини олишга замин яратди.

Ўзбекистонни ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатлар миллий армиямизни шакллантириш ҳақидаги фикр ва мақсадларни уйғотишга ва бу борада амалий ишларга ўтишга сабаб бўлди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан, деб ёзган эди Ислом Каримов миллий армиямизга асос солиниши билан боғлиқ ўз хотираларида[4].

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августида бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнот қабул қилинди. Унда қуйидаги сўзлар битилган: „Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички қўшинлар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади".

Бу баёнотда илгари сурилган мақсадлар ўша сессияда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунда ҳуқуқий жиҳат-

---

[1] *Каримов И.А.* Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: „Ўзбекистон", 2003. 9-бет.

[2] *Каримов И.А.* Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: „Ўзбекистон", 2003. 15—16-бетлар.

[3] *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон", 2011. 370—371-бетлар.

[4] *Каримов И.А.* Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: „Ўзбекистон", 2003. 18—19-бетлар.

дан мустаҳкамланди. Унинг 6-моддасида эса „Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга“, деган сўзлар битилди.

Бу ҳужжатлар мустақил Ўзбекистон Республикасига ўз ҳарбий сиёсатига асос солиш ва Қуролли Кучларини тузишда ҳуқуқий асос бўлди.

Иттифоқ парчаланиб кетаётган мураккаб бир вазиятда, мустақил суверен давлат қурилишининг дастлабки босқичида Ўзбекистонда Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши том маънодаги тарихий воқеа, асло кечиктириб бўлмайдиган ҳаётий зарурат бўлганини бугун, орадан маълум вақт ўтганидан кейин яққол сезиш ва баҳолаш мумкин.

Миллий армиямизнинг ташкил этилиши тарихий заруратдан келиб чиққанини биз шунда кўрамизки, биринчидан, Президент Ислом Каримов олдида янги тузилган давлатни бошқаришда бир-биридан муҳим, бир-биридан чигал, мураккаб вазифалар, муаммолар пайдо бўлаётган бир вақтда давлат мустақиллигини, тинчлик-осойишталикни, моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш, халқни уруш ва очликдан асраб қолиш бош масала бўлиб кун тартибига чиқди.

Вазият нақадар қалтис бўлгани, фуқаролар уруши ёки миллатлараро низо чиқиб, қон тўкилишига бир қадам қолганини қуйидаги мисоллардан ҳам билса бўлади. Турли этник ва диний гуруҳлардан иборат 60 миллионга яқин аҳоли яшайдиган минтақамизда иқтисодий, сиёсий вазият ўта таранглашган эди.Собиқ СССР тарқалгач, ҳамдўстлик давлатлари чегаралари ва улар ичида 24 марта ҳарбий тўқнашув ва ҳарбий можароларга оид 74 вазият қайд этилди. Бу мамлакатимиз миллий хавфсизлигига хавф солмасдан қолмас эди, албатта.

Иккинчидан, XX асрнинг 80- йилларида турли уруш-жанжаллар гирдобида қолган Эрон, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Тожикистон сингари давлатлар билан Ўзбекистоннинг яқин чегарадошлиги. Ана шундай бир шароитда ёш Ўзбекистон Республикасига турли йўллар билан таъсир ўтказиш, уни демократик, дунёвий ривожланиш йўлидан қайтариб, диний давлат тузишга даъват этувчи кучлар ҳам пайдо бўла бошлади. Минтақадаги ана шундай нотинч, таҳликали вазият Ўзбекистон олдига ўз мудофаа тизимини тезроқ вужудга келтириш вазифасини долзарб қилиб қўйди.

Вазиятни теран англаган Президент Ислом Каримов „Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар“ номли асарида „Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли қўпорувчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка — ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур“[1], деб таъкидлаган эди. Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзи Ўзбекистонга Қуролли Кучларга асос солинишини тарихий зарурат сифатида кун тартибига қўйди.

Мустақиллик ҳимояси йўлида ўз армиясини тузишга қарор қилган Ўзбекистон бу йўлда собитқадамлик билан борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 10 сентябрдаги Фармонига биноан Мудофаа ишлари вазири айни вақтда Миллий гвардия қўмондони ҳам этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва низоми тасдиқланди.

Мудофаа ишлари вазирлиги маҳаллий ҳарбий бошқарув тизимлари, Фуқаролар мудофааси штаби ва армия сафидан ташқаридаги хизматнинг махсус бошқармаси, Республика ДОСААФ ташкилоти негизида ташкил қилинди. Кейинчалик Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги қуйи бўлинмалари тузилди.

Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига ҳарбий сафарбарлик тадбирлари, Миллий гвардияни тузиш ва таълим бериш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий билим юртларини бутлаш, олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш, муқобил хизматни ташкил қилиш, уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар билан ишлаш, ҳарбий хизматга чақириш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объект-

---

[1] *Каримов И.А.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. 1-жилд, – Т.: „Ўзбекистон“, 1996. 7–8 бетлар.

ларни янги жойга кўчириб жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари юклатилди.

1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида бўлиб ўтган Белоруссия Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина давлатлари раҳбарлари учрашувида собиқ Совет Иттифоқи амалда ўз фолиятини давом эттира олмаслиги таъкидланиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш ҳақида келишув имзоланди ва унда Совет Иттифоқи халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз фаолиятини тугатгани билдирилди. Шу йил 8 декабрь куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон Республикалари, Россия Федерацияси ва Украина давлатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганини расмий равишда эълон қилди.

1991 йил 30 декабрь куни Минск шаҳрида МДҲ давлат раҳбарларининг йиғилишида ҳарбий масала кўтарилди ва унда Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб ўз Қуролли Кучларини тузажагини билдирди. Кенгашда Қуролли Кучлар ва Чегара қўшинлари тўғрисидаги битим қабул қилинди, ҳамдўстлик қатнашчилари бўлган давлатлар ўз қуролли кучларини тузишларини тасдиқлади. Собиқ Иттифоқ Қуролли Кучлар Бош Қўмондонига икки ойлик муддат ичида ҳамдўстлик давлатлари миллий қонунчилигини инобатга олган ҳолда умумий йўналишдаги кучларни бошқариш тартибини, ҳамдўстлик давлатлари ўз қуролли кучларини тузиш ҳуқуқини навбат билан амалга тадбиқ этишини кўриб чиқишни топширди.

Бундай қарор, табиийки, маълум масалаларни ҳал қилишда яна марказдан бериладиган кўрсатма асосида иш тутишга мажбур қиларди. Россия мудофаа масалалари бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари В.Лопатин қуролли кучлар масаласини ҳал этишнинг уч йўлини таклиф этди: биринчиси худди олдингидек ягона армия, ягона қўмондонликни сақлаб қолиш, иккинчиси стратегик ва ядро қуроллари арсеналини ўзида жамлаган бирлашган қуролли кучларни ташкил этиш, учинчиси миллий армия барпо этилишини қайд этди. Шунингдек, у „Ўрта Осиё учун ягона армия тузиш афзал, чунки керакли армияни таъминлаш учун уларнинг маҳаллий бюджети дош беролмайди“, деганди. Лекин мустақил Ўзбекистон Республикаси ташқаридан тиқиштиришга уринилган бундай таклифларни рад этиб, давлат атрибути ва мустақилликнинг асосий шарти ва кафолати бўлган миллий армия тузилиши йўлидан чекинмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йилнинг 10 январида „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида“, 14 январда „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида“ қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоққа қарашли ички ишлар ва мудофаа вазирликларининг қисмлари, бирлашмалари, қўшилмалари, олий ўқув юртлари, ҳарбий тузилмалари мамлакатнинг қонуний тасарруфига олиниши белгиланди.

1992 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида“ги Фармони билан Республика Миллий хавфсизлик хизмати қошида чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва Марказий Осиё чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг 1992 йил 20 мартда Киев шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида яна ҳарбий масала кўтарилиб, собиқ Иттифоқ тизимидаги ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари марказ томонидан 1992 йил 1 майдан маблағ билан таъминланмаслиги билдирилди. Бундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 майдаги „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида“-ги Фармони билан ушбу қўшин турлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво хужумига қарши

ҳарбий қисмлар ҳақида“ги, 13 ноябрда „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида“ги Фармони билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турдаги қисмлар республика тасарруфига ўтказилди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди[1]. Шу тариқа мамлакатимизда миллий армияни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Қуролли Кучларини тузишда БМТнинг ҳужжатлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки якунловчи акти, МДҲ Коллектив хавфсизлик шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг 1992 йил 14 январдан республика юрисдикциясига ўтказилганини инобатга олиб, 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги Қонунига биноан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди[2].

Мустақил давлатнинг Мудофаа вазирлиги 12 офицер, 3 ходим билан иш бошлади. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, Президент мудофаа ишлари вазирига қўнғироқ қилиб: „Сен қаерда ўтирибсан?“, деб сўрайди. Жавобини эшитгач: „Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Ўша ерга кўчгин!“, деб топшириқ беради. Айни пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-лейтенант Кондратьевга ўз биносидан республика Мудофаа вазирлигига жой ажратиш топширилади. Орадан чамаси икки-уч ҳафта ўтгач, Президент яна ўша савол билан мурожаат этади. Мудофаа вазири: „Топшириғингиз бажарилди, вазирлик Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди“, деб рапорт беради. Шунда Президент: „Мудофаа вазирлиги ўша ерда жойлашганлигини ким билади? Мен ҳар куни икки марта ўша ердан ўтаман, аммо „Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги“ деган ёзувни кўряпман, холос. Энди фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа вазирлиги борлигини, давлат ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси борлигини билиши керак“, дейди. Эртаси куни эрталаб генерал Кондратьев хизматга келганида, бино узра Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб тургани ва эски ёзув ўрнида „Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги“ пештахтасини кўриб ғазабга келади.

1991 йил 31 августда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ги тарихий қонуннинг 6-моддасига биноан давлатимиз халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонига асосан мамлакатда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилишини ўткинчи бир ҳолат деб ҳисоблаган Г.Кондратьев мудофаа вазирининг ҳузурига важоҳат билан кириб, ғазабини яширмай: „Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан кейин ҳам туради“. Бу Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага мурожаат этиши ва шахсан республика Президенти Ислом Каримовга ҳам айтишини билдиради. Ўша кунгача Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари учун республика барча раҳбарларининг эшиклари доимо очиқ эди. Ўшанда биринчи бор Туркистон ҳарбий округи қўмондони Президент ҳузурига кира олмайди. Унга Президент фикрини айтишади: республика мудофааси билан боғлиқ барча масалаларни мудофаа вазири орқали ҳал қилади. Кондратьев барча саволлар билан мудофаа вазири ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожаат этиши мумкин.

Шу пайтгача айтгани айтган, degani деган бўлишига ўрганган генерал Кондратьевнинг Давлат маслаҳатчиси олдига кириб, ўз норозилигини изҳор этишдан бошқа иложи қолмайди. Шундан сўнг Президент мудофаа вазири ва Давлат маслаҳатчисини ҳузурига чақириб ва вазирдан кулимсираб: „Нима тўполон бошлаб юрибсан?“ деб сўрайди. Топшириқни Президент томонидан берилганидан бехабар маслаҳатчи вазирга унинг хатти-ҳаракатлари Конституцияга зид экани, Ўзбекистон Байроғи Парламент, ҳукумат ва Президент қарорлари

---

[1] Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Т.: „Ўзбекистон“, 2001. 17-бет.

[2] Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги Қонуни. 1993 йил, 29 декабрь.

биноларидагина осилиши мумкинлигини айтиб, танбеҳ бера бошлайди. Шунда Президентимиз хотиржамлик билан: „Энди мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фуқароларимиз ўз байроги ва Қуролли Кучларига ишониши, улар билан ғурурланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам менинг топшириғим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида ҳилпираб тураверсин“, деб айтади[1].

Ўзбекистон мустақил бўлгани, замон ўзгараётганини тан олишни истамаган Кондратьев „ётиб қолгунча отиб қол“ қабилида иш тута бошлайди. У Ўзбекистонда қолиб хизматни давом эттириш истагини билдирган офицерларни сотқинликда айблаб, жамоатчиликда салбий фикр уйғотишга зўр бериб уринди. Шунда Президентимиз қатъият билан, Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга эканини ва иттифоққа тегишли ҳарбий округнинг ҳудудимизда қолишига ўрин йўқлигини айтади. Шашти синган генерал республика ҳудудидаги ҳарбий техника ва қурол-яроғларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чораларини излай бошлайди ва 1991 йил 30 декабрда ҳарбий техникаларни халқ хўжалигига сотиш бўйича тижорат марказини тузиш ҳақида буйруғини эълон қилади. Президент кўрсатмаси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1992 йил 30 январда махсус буйруғи чиқарилади ва мазкур тижорат маркази фаолияти Ўзбекистон ҳудудида тўхтатиб қўйилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шижоати билан амалга оширилган бу қаҳрамонлик натижасида Туркистон ҳарбий округи тасарруфида бўлган республикалар ҳам ўз миллий армияларига асос солиш имкониятига эга бўлди.

Миллий армиямизнинг шаклланиш босқичидаги катта муаммолардан бири кадрлар масаласи эди. У пайтда ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлаб турибди. Муаммони ечиш учун қатор чора-тадбирлар кўрилди. Махсус делегациялар юбориб, Россиядаги Ички қўшинларда хизмат қилаётган, асли ўзбекистонлик бўлган, энди ўз миллий армиямизда хизмат қиламиз, деб истак билдирган 300 га яқин ҳарбий хизматчи юртимизга олиб келинди[2]. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртларида махсус тезкор курслар ташкил этилиб, кичик офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 12 февралдаги Фармони билан Тошкент алоқа институти (Тошкент ахборот технологиялари университети)нинг махсус факультетига, 1994 йил 18 мартда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига, 1994 йил 15 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига асос солинди.

Ўтган йиллар ичида офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга, уларда соғлом ахлоқий-руҳий вазиятни сақлашга қодир профессионал сержантларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилди.

Мазкур йўналишда 2003 йил 1 майда Тошкент умумқўшин қўмондонлик билим юрти, 2003 йил 29 майда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, 2004 йил 14 майда Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, 2004 йил 26 октябрда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислик-қўмондонлик билим юртини ислоҳ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ва улар асосида ўқув жараёнлари қайта ташкил этилди, бунда асосий эътибор қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, қўшинларни бошқариш методлари, жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактик усулларига қаратилди, ҳарбий таълим муассасалари зарур ҳарбий техника ва тренажёрлар билан жиҳозланди, ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-

---

[1] *Аббосхўжаев О.* Мустақил бўлсанг — мустақил бўл, давлат бўлсанг — давлат бўл!/ Ватан ҳимояси муқаддас бурч. — Т.: „Ўзбекистон“, 2001. 231—232- бетлар.

[2] *Каримов И.А.* Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. — Т.: „Ўзбекистон“, 2003. 20—21- бетлар.

коммуникация технологияларидан, моделлаштириш ва симуляция усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бўлғуси офицерларнинг ҳарбий-касбий тайёргарлигини ошириш, қўмондонлик ва бошқарув маҳорати сифатларини ҳамда етакчилик қобилиятларини шакллантириш мақсадида билим юртларида „Қўшинларнинг кундалик фаолиятини бошқариш“ кафедраси, курсантларни тоғ шароитида жанговар ҳаракатларни олиб боришга тайёрлаш учун Тошкент умумқўшин қўмондонлик билим юрти ва Чирчиқ олий танкчи муҳандислик қўмондонлик билим юртларида „Тоғ тайёргарлиги“ кафедраси ташкил этилди. „Ҳарбий хўжалик асослари“, „Қўшинларнинг кундалик фаолиятини бошқариш“, „Бошқарув фаолияти асослари“, „Бошқарув психологияси“, „Ҳарбий ҳуқуқ асослари“, „Мантиқ, нотиқлик санъати“, „Информатика“, „Алоқа тизими ва информацион технологиялар“, „Ҳарбий хизмат ахлоқи“ каби янги фанлар ўқув жараёнига киритилди. „Тактика“, „Ўт очиш тайёргарлиги“, „Ҳарбий-муҳандислик тайёргарлиги“, „Ҳарбий топография“, „Алоқа воситалари ва бошқариш“, „Умумҳарбий низомлар“ каби фанларнинг ўқув соатлари оптималлаштирилди.

Мамлакатимиз таълим тизимида юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш билан бир қаторда уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб бориш мақсадида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти қошида қўшинлардаги офицерлар учун малака ошириш курси фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий ислоҳотлар доирасида 2007 йилдан бошлаб бу ерда олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари профессор-ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида Мудофаа вазирлигининг услубий маркази ташкил этилди. Шу билан бир қаторда бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Истеъдод“ жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Билим юртларида ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Бу йўналишда 2006 йилдан бошлаб Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқитувчиларнинг усубий ишларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида профессор-ўқитувчилар орасида „Энг яхши услубчи“, „Энг яхши илмий иш“ каби танловларни ўтказиш йўлга қўйилди. Курсантлар ўртасида ҳарбий илмий жамият фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамият курсантларнинг ҳарбий-илмий ва ҳарбий-услубий қобилиятларини шакллантириш ва уларни келажакда ҳарбий фан соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришга йўллаш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундай ишлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа вазирлиги тизимидаги барча билим юртларида ҳам йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 январдаги ҳарбий ўқув юртларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш юзасидан қабул қилган қарори асосида эса „Академприбор“ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, „Кимёавтоматикагуруҳ“ масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ўқув жараёнида фойдаланиш учун компьютер тренажёрлари ишлаб чиқариш ҳамда қисм ва бўлинмалардаги шундай техникаларни модернизация қилиш йўлга қўйилди. Булар орасида компьютерлашган ўт очиш, танк ҳайдовчи механиги, пиёдалар жанговар машинаси ҳайдовчи механиги тренажёри ва бошқалар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътибор қаратилиши лозимлигини Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида алоҳида таъкидлаб ўтди[1]. Чунки

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги. ТАТ,19-жилд. – Т.: „Ўзбекистон“. 179—192-бетлар.

Қуролли Кучларимизнинг ўзаги бўлган офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллаштиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштириш Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишлари сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий билим юртлари нафақат малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, шу билан бирга, Қуролли Кучларимизнинг етакчи, бош ҳарбий-илмий марказларига айланмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар академияси томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Академияда 2003 йилдан бошлаб Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси қарори билан адъюнктура ташкил этилди ҳамда унинг ҳолати ишлаб чиқилди, мудофаа-қурилиш соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ишланмаларини мувофиқлаштириш, мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини ривожлантириш, ҳарбий таълимни такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди. Адъюнктуранинг дастлабки қалдирғочлари илмий изланишларини самарали якунлаб „Ҳарбий фан номзоди" илмий даражасига эга бўлдилар.

„Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тасарруфидаги штаблар ва бошқарув органларида фаолият юритаётган офицерларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 2003 йил октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси таркибида Штаб офицерларини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилиб, унда 6 ойлик таълим муддати белгиланди.

Малакали кичик командир кадрларни тайёрлашда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида 2001 йилдан ҳарбий округларда ташкил этилиши бошланган сержантлар тайёрлаш мактабларининг тутган ўрни ва роли ҳам каттадир. Ўтган йиллар ичида мазкур ўқув муассасаларида таълим тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2005 йилдан Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, Марказий ва Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабларида, 2007 йилдан Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабида ўқув жараёнини тўққиз ойлик дастурлар асосида ташкил этиш йўлга қўйилди. Мазкур мактабларни тугатган курсантларга дастлабки сержант унвони (кичик сержант) берилади. Сержантларнинг малакасини режали асосда ошириб бориш, қайта тайёрлашни амалга ошириш мақсадида Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби уч ойлик дастур асосида ташкил этилиб, юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш мактаб зиммасига юкланди.

Сержантларнинг ўқиш давридан кейинги амалий фаолияти асосан шахсий таркиб билан ишлашга йўналтирилганини инобатга олиб, уларга мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган фанлар билан бир қаторда „Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асослари", „Ўзбекистон тарихи", „Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", „Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар", „Иқтисодиёт асослари", „Менежмент ва маркетинг асослари", „Ҳарбий жамоани бошқариш асослари", „Ҳуқуқшунослик ва ҳарбий ҳуқуқ асослари", „Тарбиявий ишлар услуби", „Ҳарбий педагогика ва психология асослари" каби фанларни ҳам ўқитиш йўлга қўйилган.

Ҳарбий кадрларнинг профессионал маҳоратини оширишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли йўналишдаги танловларнинг ҳам роли каттадир. Танловлар „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг яхши қўшилмаси" (2008 йил), „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида касб бўйича энг яхши мутахассис" (2004 йил ), „Мудофаа вазирлиги энг яхши қўшилмаси (қисми) ва ҳарбий ўқув муассасаси" (2007 йил), „Мудофаа вазирлиги энг яхши ҳарбий ўқув муассасаси" (2008 йил), „Энг яхши сержантлар тайёрлаш мактаби" (2004 йил), „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари энг яхши снайпери" (2007 йил), „Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшинлари энг яхши мутахассиси" (2008 йил) номинацияларида ташкил этилади.

Гуруҳ тартибда ўтказиладиган танлов ғолиблари „Мудофаа вазирлиги қисмларининг тоғ тайёргарлиги бўйича энг илгор гуруҳи", „Махсус тактик тайёргарлик бўйича энг илғор разведка гуруҳи", „Энг илғор таъмирлаш гуруҳи", якка тартибда ўтказиладиган танлов ғолиблари „Энг яхши сержант", „Энг яхши взвод командири", „Энг яхши гуруҳ командири", „Энг яхши қисм командири", „Энг яхши бригада командири", „Энг яхши ҳарбий врач", „Энг яхши фельдшер", „Энг илғор разведка гуруҳи командири", „Энг илғор разведкачи мутахассис", „Энг илғор снайпер мутахассис", „Энг илғор алоқачи мутахассис", „Энг илғор таъмирлаш гуруҳи командири", „Таъмирлаш бўлинмаси энг илғор мутахассиси" унвонлари, диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига, ҳарбий билим юртларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришда имтиёзлар берилади.

XXI аср бўсағасида дунёдаги ва минтақадаги ҳарбий вазият, диний экстремизм ва фундаментализм, террорчилик ҳаракатларининг кучайиши ҳарбий сиёсатимизни янада аниқ тизимга солишни, уни замон талабларидан, ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришимизни талаб қилди ва бу ишлар муваффақият билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида халқ депутатлари эътиборини Қуролли Кучларни, чегара ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич чуқур ислоҳ этиш масалаларига қаратди. Шу асосда армия ислоҳотлари асосий йўналишларининг назарий асослари ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг „Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" асарида армия ислоҳотларининг мақсади аниқ баён этилган: „... армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга қаратилган. Бошқача айтганда, бу жараён ягона мақсадни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда"[1].

Республикамиз раҳбари армияни ислоҳ этишда Қуролли Кучларнинг жанговарлик қобилиятига фаол таъсир кўрсатувчи учта асосий омилни ҳисобга олди.

**Биринчи омил.** Қуролли Кучлар техникавий жиҳатдан яхши таъминланган, таркиби кам, аммо самарадорлиги юқори бўлиши лозим. „...Армия соҳасидаги ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни пухта ташкил этилган, тезкор ва ҳаракатчан, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ ва техника воситаларига эга бўлган, маҳорати баланд, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат".

**Иккинчи омил.** Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз ҳарбий ютуқлари, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибалари ва фанидан фойдаланилди. Қуролли жангнинг янги усул ва шакллари пайдо бўлган шароитда жанговар вазифаларни ҳал қилишнинг янада самарали имкониятларини излаш борасида фаол иш олиб борилди. Бунда албатта, экстремизм ва халқаро терроризм хуружи фаоллашуви каби янги факторларга қарши кураш ҳам назарда тутилди.

**Учинчи омил.** Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, уларнинг профессионал тайёргарлиги ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан ислоҳ этишни кўзда тутди. Бу жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга йўналтирилди[2].

Армияда ўтказилаётган ислоҳотлар нафақат ҳарбийлар иши, балки Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг учинчи сессиясида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ғурур-

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 7-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1999. 401—404-бетлар.

[2] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: „Ўзбекистон", 1997. 164—166-бетлар.

ифтихорига айланиши лозим. Ўз элининг эгаси бўлган ҳар бир инсон армия ислоҳотларида ўз ўрнини топмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг „Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунига асосан республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифаси ва муқаддас бурчидир.

Қуролли Кучлар тўла шаклланиб бўлгач, навбатдаги вазифа уни давр талаби асосида ислоҳ қилишдан иборат эди.

Ҳарбий ислоҳотларнинг биринчи босқичи 1998—2000 йилларда ўтказилди. Бу даврда:

— қўшинларда тезкор бошқарувни амалга ошириш мақсадида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари, ички ишлар қўшинларининг ҳудудий қўшилмалари тузилди;

— муҳим стратегик йўналишларда қўшин гуруҳлари ташкил этилди;

— қўшинлар, бирлашмалар ва қисмларни қайтадан жойлаштириш тадбирлари мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни чуқур таҳлил қилиш асосида, амалга оширилиши мумкин бўлган жанговар операцияларнинг тартиби ва йўналиши, хусусияти ҳамда мазмуни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди;

— ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари билан ҳарбий ҳаво кучлари бирлаштирилди ва ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ташкил этилди;

— сони ва тузилиши, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш учун амалий ҳаракатлар бошланди. Махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар қисмларининг ташкил этилиши профессионал армияга ўтишдаги илк қадам бўлди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи 2000—2002 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда:

— Ўзбекистон Мудофаа доктринасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмалари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмлари, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучлар тизими яратилди. Қуролли Кучларнинг ягона марказлашган бошқарувини ташкил этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги бош штаби Ўзбекистон Қуролли Кучлари Бирлашган штабига айлантирилди;

— Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Ички қўшинлар қўшилма ва қисмларининг бутунлай янги жанговар, техник таъминот тизими жорий этилди;

— жанговар ҳаракатларни олиб бориш юзасидан асосий низомий ҳужжатлар, кўрсатмалар, йўриқномалар яратилди ва қайта ишланди;

— сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 29—30 август кунлари бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимизда мудофаа соҳасида олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Сессия ишига таклиф этилган ҳарбий округ қўмондонлари ўтган даврда округларда олиб борилган ташкилий ҳамда ҳарбий бошқарув тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида маъруза билан чиқиш қилдилар. Маърузалар ҳарбий ислоҳотлар самарасини яна бир бор кўрсатди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2002—2005 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда:

— мамлакатда умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тубдан ўзгартирилди;

— Ўзбекистон фуқароларининг ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбиясининг узluksиз кўп поғонали тизими яратилди.

Амалга оширилган бу ишлар Қуролли Кучларни ҳар томонлама такомиллаштирди, унга жанговарлик касб эттирди, шахсий таркибни жипслаштирди, мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятда масъул вазифаларни бажаришга қодирлигини оширди, миллий армиямизни мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолатига айлантирди.

1997 йил ташкил этилган махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар қисми 1999—2000 йилларда мамлакатимиз чегара ҳудудларига суқилиб кирган халқаро террорчилар гуруҳларини қидириб топиш, уларни тугатиш пайтида жанговарлик қобилиятларини тўла намоён этди.

2001 йилнинг февралидан махсус операцияларни амалга оширувчи қисмлар таркиби ва тузилишини такомиллаштириш бўйича ташкилий ишлар бошланди. Мазкур қисмлардаги

ўқув жараёнларида асосий эътибор мамлакатимиз ҳудудига бостириб кирган кучларни аниқлаш, уларнинг базаларини, қурол-аслаҳа омборларини қидириб топиш ва йўқ қилиш, давлат аҳамиятига молик объектларни тажовузлардан сақлаш, разведка ишларини олиб бориш, психологик операцияларни амалга ошириш кабиларга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Махсус кучлар қўшинларининг тузилиши мамлакат Қуролли Кучларининг профессионал тизимга ўтишида янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 26 январдаги Фармонига биноан профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солиниши билан профессионал армия тузишга замин яратилди.

Қуролли Кучлар ислоҳотида тезкор-стратегик режалаштириш ва қўшинларнинг ҳарбий хатти-ҳаракатларини Қуролли Кучлар маъмурий бошқарувидан ажратиш кўзда тутилди. Қўшинларни тезкор-стратегик режалаштириш ва уларнинг ҳарбий хатти-ҳаракатини бошқариш Бош штаб негизида ташкил этилган Қуролли Кучлар Бирлашган штаби зиммасига юклатилди ва унинг асосий ваколатлари этиб қуйидагилар белгиланди:

— миллий ҳарбий стратегия, Қуролли Кучлар қурилиши ва ривожлантирилишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш;

— Қуролли Кучларни, ҳарбий округларни, вазирликларни, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларини тезкор-стратегик бошқаришнинг бош органи вазифасини бажариш;

— қўшинлар жанговар ҳаракатларининг стратегик жиҳатдан ва тезкор режалаштирилиши ҳамда уларга раҳбарликни амалга ошириш;

— ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қуролли Кучларнинг барча қўшинлари, қўшилмалар ва бўлинмалар қўмондонлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган директивалар ва буйруқлар чиқариш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Қўшинларни маъмурий бошқариш ва унга раҳбарлик ишлари Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилди. Вазифаларнинг бундай тақсимланиши демократлаштириш жараёнларига ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш тамойилларига мос келиб, мамлакатда ҳарбий қурилиш ишлари устидан фуқаролик назоратини ўрнатиш механизмини амалга оширишга йўналтирилган. Мазкур ишлар армияни босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига айлантиришга қаратилди.

Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳлил этиш мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этди. Мазкур вазифаларни тезкорлик билан бажариш, қўшинлар бошқаруви самарасини ошириш, жанговарлик қобилиятини юксалтириш мақсадида мамлакат ҳудудида ҳарбий-маъмурий бирликлар, ҳарбий округлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳарбий округ, бу операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир[1].

Мамлакат ҳудудида бешта — Шимоли-ғарбий (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), Жануби-ғарбий махсус (Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), Марказий (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), Шарқий (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари) ва Тошкент (Тошкент шаҳри ва вилояти) ҳарбий округлари ташкил этилиши билан қўшинлар ва қисмларни қайта жойлаштириш амалга оширилди. Бу тадбирлар қўшинларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофаанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон берди, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш учун амалий ҳаракатлар бошланди. „Ўзбекистон Республикаси

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг „Мудофаа тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири), 2001 [illegible] май.

Давлат чегараларини қўриқлашни кучайтиришнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида“ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги қарори Давлат чегаралари ҳимоясини ташкил этишни янада такомиллаштиришда муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш Концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Концепцияга мувофиқ, чегара қўшинларининг янги ташкилий-штат таркиби аниқланди. Мамлакатда бешта чегара минтақаси вужудга келтирилди, чегара отрядлари, комендатуралари ва чегара заставалари қайтадан ташкил этилиб, чегара районларига, базалари ва постларига айлантирилди.

Ўзбекистонда чегара қўшинларини такомиллаштиришда янги давр 1999 йил 13 январдан бошланди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан чегара қўшинлари Бош штаби негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил топди. Чегара қўшинлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита тасарруфига берилди. Мазкур Фармон билан Қўмита бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти бўйсунувига ўтказилди.

Чегара қўшинларида ўтказилганислоҳотларда асосий эътибор қўшинларнинг ташкилий штат тузилишини, моддий-техник базасини, кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, улар билан ишлаш услубларини такомиллаштириш, чегаралар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилди ва бу вазифалар муваффақиятли равишда амалга оширилди.

1999—2000 йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудлари орқали мамлакатимизга бостириб киришга, конституцион тузумимизга таҳдид солишга ҳаракат қилган халқаро террорчи гуруҳларга қарши бўлган жанговар ҳаракатлар чоғида она Ватан ва халқи тинчлиги, бахт-саодати йўлида катта лейтенант Алишер Салимов, лейтенант Сайёр Садинов, старшина Қаҳрамон Мадолимов, катта сержант Маъруфжон Ражабовлар, сержантлар Улуғбек Барноев Юнусжон Охунов, Дониёрбек Тожибоев, Эламон Отажоновлар ўз ҳарбий қасамёдларига содиқ қолиб, қаҳрамонлик кўрсатдилар.

**Ички ишлар қўшинлари** тизимида ҳам ислоҳотлар кенг кўламда олиб борилди. 1999 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида“ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Ички қўшинлар бошқармаси асосида Ички ва Қоровул қўшинлари бош бошқармалари ташкил топди. Соқчилик бирлашмалари ва қисмлари Ички қўшинлар таркибидан чиқарилди. Ички қўшинлар таркибидаги тезкор милиция қисмлари ва бирлашмалари базасида махсус вазифаларни бажарувчи тезкор отрядлар тузилди. 1999 йил апрель ойидан бошлаб тезкор ҳаракатланувчи махсус қисмлар ташкил этилди. Мудофаа вазирлигига қарашли ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш бўлинмалари Ички қўшинлар тасарруфига ўтказилди.

Ислоҳотлар жараёнида Ички қўшинларнинг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилиб, ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамланди. Улар жамиятни террорчилик, бузорувчилик ҳуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноий кўринишлардан ишончли ҳимоя қилувчи кучга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1999 йил 12 сентябрдаги буйруғи асосида 4 март Қоровул қўшинлари ташкил топган кун деб белгиланди.

Давлатимизнинг барча қуролли тузилмалари ўртасидаги ҳаракатлар мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Турли шароит ва вазиятларда (чўл, тоғ, аҳоли пунктларида) қўшинларни бошқариш усули такомиллаштирилди.

Бугунги кунда ҳар бир ҳарбий округ, йирик қисмлар ўз ўқув полигонларига эга бўлиб, уларда ҳарбий техникани бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш, жанговар қуроллардан отиш, артиллерия, ҳаво жанги тайёргарлиги, взвод, қисм, қисм таркибида тактик-ўқув машғулотларини ўтказиш учун барча шароитлар яратилди.

Ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий ислоҳотлар стратеги-

яси асосида юртимизда сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган армия яратилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Ҳарбий ислоҳотлар доирасида мамлакат мудофаа тизими фаолиятининг ҳуқуқий базаси ҳам такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакат мудофаасини ташкил этиш борасида тўпланган тажрибалар, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, давлатимизда 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси ўрнига Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди ва Миллий хавфсизлик кенгаши томонидан 2000 йил 3 февраль куни қабул қилинди.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги қонуни 2001 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган бўлса, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонуни 2002 йил 12 декабрда тубдан қайта ишлаб чиқилди. Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришларининг қуйидаги турлари жорий этилади:

— муддатли ҳарбий хизмат;
— сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
— контракт бўйича ҳарбий хизмат;
— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёрлигини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 20 ноябрдаги Фармони асосида 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуролли Кучларда ўтиладиган муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль—март ойларида чақириш ҳамда белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март—апрель ойларида бўшатиш йўлга қўйилди.

Қонун асосида муддатли ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди.

Давлатимиз томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга ҳарбий хизматдан сўнг ишга жойлашиш, олий ўқув юртларига кириб ўқишда қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш ҳақида"ги ПҚ-213- сонли Қарори асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича Республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Собиқ ҳарбий хизматчи шартнома асосида олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳолда, шартнома тўловининг 35 фоизи Ўзбекистон „Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилиши ҳам ўзига хос имтиёзлар сирасидандир.

Президентимизнинг 2012 йилда имзоланган сўнгги қарорига биноан юқорида қайд этилган қўшимча балл миқдори 27 фоиз этиб белгиланди ва ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун олий ўқув юртларига ўқишга киришда яна бир қатор имтиёзлар берилди.

Ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейларнинг битирувчиларига рўйхатга олиш чоғида улар тўплаган баллар сонига ўтиш бали энг кўп миқдорининг 10 фоизини қўшиш тарзида имтиёзлар берилади.

Қонун асосида мамлакатимизда жаҳон амалиётида биринчи маротаба сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тури жорий этилди. Бу хизматга муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар олинади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб варағига пул бадаллари киритилишини назарда тутади.

Ислоҳотлар доирасида Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат ва кийим-кечак, қўшинларни ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида“ги қарорига мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб амалга киритилган озиқ-овқат таъминотида жанговар тайёргарлик дастурларини ўзлаштираётган, ўқув-жанговар ва махсус вазифаларни бажараётган шахсий таркиб томонидан сарфланадиган куч-қувват ўрни тўла-тўкис қопланиши кўзда тутилган. Мазкур меъёрларга кирувчи маҳсулотларнинг доимий тарзда етказиб берилиши устидан назорат кучайтирилган.

Бундан ташқари, 2011 йил ҳарбий хизматчилар дастурхонига мавжуд озиқ-овқат меъёрларига, асосан, ҳўл мева, шарбат ва юқори сифатли сут етказиб берилиши масалаларида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди. Бунга кўра, ҳарбий хизматчилар зарур бўлган 125 турдаги маҳсулотнинг муайян қисмини, яъни: гўшт ва балиқ, ҳайвон ва ўсимлик мойи, шакар, қуюлтирилган сут, чой, дон ва дуккакли маҳсулотлар, печенье, асал, мураббо, паштет, консерваланган гўшт ва балиқни бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат резерви қўмитаси омборлари орқали олмоқда. Картошка ва сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар маҳаллий ҳокимликлар бошқарувидаги фермерлар, тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказиладиган тендер савдолари давомида таъминланмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги типдаги қўшин ошхоналари бунёд этилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди. Уларни замонавий технологик жиҳозлар, юқори сифатли идиш-товоқлар билан таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мисол учун, қисм ва бўлинмаларнинг аскарлар ошхоналари юқори сифатли сайқалланган пўлатдан тайёрланган „Батерфляй“ типидаги ошхона анжомлари билан таъминлангани бунинг ёрқин далилидир.

Маълумки, ҳар қандай давлат ҳарбий хизматчиларининг бошқаларидан фарқланадиган бирламчи мезони ҳарбий либос саналади. Чунки, либос ранги, замонавийлиги, кийиб юриш учун қанчалар қулайлигига қараб, ҳар қайси давлатда ҳарбий хизматчиларга бўлган эътибор, ҳурмат, умуман айтганда, муносабат борасида фикр юритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг армия соҳасига оид тўпланган илғор тажрибаларини профлича ўрганиш натижасида ҳамда вилоятларимизнинг иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда 2011 йилда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари учун сўнгги урфдаги ва энг муҳими, юртимизда тайёрланган „Пиксел“ ва „Тень“ тусидаги, шунингдек, ҳар бир қўшин турига хос рангдаги қишки ва ёзги ҳарбий кийим русумлари, зирҳли совутлар, табиий чармдан тайёрланган пойабзаллар, узун қўнжли этиклар ишлаб чиқилди. Ушбу буюмлар мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари ва чўл зоналарида синовдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилгач, ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган буюм таъминоти меъёрларига киритилди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш мақсадида ҳам қатор қарорлар қабул қилинди. Оддий аскар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга пул таъминотининг оширилиши ҳамда олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуни, 2002 йил 12 декабрь.

берилиши, шартнома асосида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи ва сержантларнинг ҳуқуқий мақоми тасдиқланиши, ҳарбий хизматчиларга турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибининг такомиллаштирилиши, ҳарбий хизматчиларни турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши, уларга узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши шулар жумласидандир.

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат ўтаётган даврда турар жойга ёки яшаш шароитини яхшилашга эҳтиёж сезган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига хизматларини давом эттиришлари учун тайинланган янги жойга келган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирилмай, яшаш учун мўлжалланган қўшимча майдонга бўлган ҳуқуқлари инобатга олинган ҳолда, қоида тариқасида, вазирлик ва идораларда барпо этилган уй-жой фонди ҳисобидан, шунингдек, муниципалитетга қарашли бўлиб, тегишли вазирлик ва идоралар ихтиёрига бириктирилган уй-жой фонди хонадонлари ҳисобидан, белгиланган ижтимоий меъёрдаги яшаш учун мўлжалланган майдонга эга хизмат хонадони берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2005 йил 30 июндаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгиланган тартибда турар жой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида контракт бўйича хизмат қилаётган, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:

— Тошкент шаҳрида энг кам иш ҳақининг тўрт баробаригача бўлган миқдорда;

— Нукус шаҳри ва вилоят марказларида энг кам иш ҳақининг уч баробаригача бўлган миқдорда;

— Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари ва аҳоли пунктларида энг кам иш ҳақининг икки баробаригача бўлган миқдорда ойлик пул компенсацияси тўловлари белгиланган.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдори 50 фоизга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг 2008 йил 18 январдаги „Ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш, уларда яшовчи ва хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларга зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратиш“ тўғрисидаги Қарори асосида жойларда замонавий ҳарбий шаҳарчаларнинг барпо этилиши, ҳарбий хизматчилар учун уй-жойлар, уларнинг фарзандлари учун болалар боғчалари, мактаблар, маиший хизмат объектлари қурилиши кенг кўламда олиб борилаётгани соҳадаги ислоҳот жараёнларининг ёркин мисолидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган қўшинлараро таъминотни йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифаларига ҳам мамлакатимиз раҳбарияти томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаёқ халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, маънавий мероси, аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган ҳолда, замонавий талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни ташкил этиш ва ислоҳ қилишга оид муҳим вазифалар қўйилди. Миллий армиямизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Барча соҳаларда бўлганидек, Қуролли Кучларимиз тизимида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган ихчам, ... кор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қоби-

лият ва тайёргарликка эга бўлган армия барпо этилгани қалбимизни фахр туйғуси билан тўлдиради.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Бугунги кунга келиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли ва шарафли касблардан бирига айланди.

Миллий армиямиз сафи мустақил Ўзбекистонимизга садоқат билан хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан етук кадрлар билан тўлдирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда халқимиз Қуролли Кучларимизни Ватанимиз мустақиллиги, тинч-осойишталиги, бунёдкорона меҳнатининг ишончли ҳимоячиси деб билади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида кўрсатилганидек, Ватан ҳимояси барча Ўзбекистон фуқароларининг шарафли бурчи саналади. Айни вақтда миллий армиямиз, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак[1].

---

[1] Инсон хотираси – боқий, қадр-қиммати – улуғ// „Ватанпарвар", 2012 йил 11 май.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Юнон-македон босқинчиларига қарши бош кўтарган Катан ва Австан бошчилигидаги озодлик курашлари қаерда бўлиб ўтганини аниқланг.**

A) Бақтрия шимолидаги Паратикан (Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ даралари);
B) Сўғд шимоли, Бахмалда;
C) Хоразм воҳаси, Амударёнинг қуйи оқимида;
D) Фарғона водийсида.

**2. Юнон тарихчиси Полиэн ўзининг „Ҳарбий ҳийлалар“ асарида келтирган ривоятда қайси мард юртдошимизнинг жасорати қайд этилган?**

A) Тўмарис;
B) Широқ;
C) Спитамен;
D) Катан.

**3. Муқанна бошчилигидаги қўзғолончи ватанпарварлар томонига ўтган Бухоро ҳукмдорининг номини аниқланг.**

A) Гурек;
B) Диваштич;
C) Буниёд ибн Тоғшода;
D) Ибн Халликан.

**4. Урганчни мўғуллардан ҳимоя қилиш пайтида „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим“ шиори билан халқни ҳаёт-мамот жангига чорлаган ватанпарвар алломанинг номини топинг.**

A) Жалолиддин Мангуберди;
B) Темур Малик;
C) Маҳмуд Торобий;
D) Нажмиддин Кубро.

**5. Европада Николай Коперникка қадар астрономия фанидан асосий қўлланма бўлиб келган асар муаллифини топинг.**

A) Аҳмад Фарғоний;
B) Муҳаммад Хоразмий;
C) Абу Наср Форобий;
D) Абу Райҳон Беруний.

**6. Ислом оламининг етук алломаси Имом Бухорий вафот этган йили (милодий 870 йил) мовароуннаҳрлик яна бир буюк сиймо таваллуд топган. У кишининг номини аниқланг.**

A) Абдулхолиқ Ғиждувоний;
B) Имом Мотуридий;
C) Аҳмад Яссавий;
D) Баҳоуддин Нақшбанд.

**7. Буюк тилшунос аллома Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган халқаро анжуман қачон бўлиб ўтди?**

A) 1992 йилда;
B) 1994 йилда;
C) 1995 йилда;
D) 2001 йилда.

**8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча миллат ва элат вакиллари яшайди?**

A) 100 га яқин;
B) 100 дан ортиқ;
C) 130 га яқин;
D) 150 дан ортиқ.

**9. Ўзбекистонда қанча диний конфессия фаолият кўрсатмоқда?**

A) 20 га яқин;
B) 50 га яқин;
C) 100 га яқин;
D) 200 дан ортиқ.

**10. „Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади“. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ўз аксини топган?**

A) 7-моддасида;
B) 8-моддасида;
C) 17-моддасида;
D) 28-моддасида.

**11. Ўзбекистонда қанча миллий-маданий марказ мавжуд?**

A) 70 дан ортиқ;
B) 100 га яқин;
C) 110 дан ортиқ;
D) 120 дан ортиқ.

**12. Миллатлараро тотувлик — бу...**

A) иқтисодий ҳодиса;
B) сиёсий воқелик;
C) маънавий-ахлоқий ҳодиса;
D) барчаси тўғри.

**13. Миллатчилик, ирқчилик, шовинизм — бу ...**

A) социалистик тузум иллатлари;
B) тоталитар тузум иллатлари;
C) коммунизм гоялари;
D) фуқаролик жамиятига хос тушунчалар.

**14. „Туркистон — умумий уйимиз“ шиорининг муаллифи ким?**

A) Чингиз Айтматов;
B) Мухтор Шохонов;
C) Абдулла Орипов;
D) тўғри жавоб йўқ.

**15. Турон халқлари ўртасига қайси даврда чегара солинди?**

A) биринчи жаҳон уруши йилларида;
B) собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги пайтида;
C) собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин;
D) Мустақиллик йилларида.

**16. Ўзбекистонда қирғиз миллатига мансуб қанча халқ яшайди?**

A) 300 мингдан ортиқ;
B) 600 мингдан ортиқ;
C) 800 мингдан ортиқ;
D) 1 миллиондан ортиқ.

**17. Ўзбекистондаги барча ўзгариш ва янгиланишлар қандай ҳаётий қоида асосида амалга оширилмоқда?**

A) „Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун“;
B) „Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир“;
C) „Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун“;
D) „Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг“.

**18. Инсон тараққиёти концепциясининг асосчилари кимлар?**

A) Ж. М. Кейнс, А. Маршалл;
B) А. Смит, Д. Рикардо;
C) К. Маркс, Ф. Энгельс;
D) А. К. Сен, Маҳбуб-ул Ҳақ.

**19. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони нотўғри ифодаланган жавобни топинг:**

A) аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулотни ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш;
B) одамларнинг имкониятларини кенгайтириш;
C) маънавий ва моддий эҳтиёжларни сифатлироқ қондириш;
D) янада юқори турмуш даражасига эришиш.

**20. Қайси жавобда инсон тараққиётини баҳолашда асос бўлувчи принцип ва компонентлар тўғри кўрсатилган?**

A) ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши; агентлик; адолат;
B) фаровонлик; таълим; саломатлик; адолат;
C) фаровонлик; ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши, агентлик; адолат;
D) фаровонлик; ҳуқуқлар ва имкониятлар кенгайиши; саломатлик.

**21. Бугунги кунда Ўзбекистонда 7—15 ёшдаги болаларнинг бошлангич ва умумий таълимга қамраб олиниш даражаси неча фоизни ташкил этади?**

A) 98,8 фоизни;
B) 99,8 фоизни;
C) 90 фоиздан кўпроқни;
D) 100 фоизни.

**22. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сафланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этмоқда?**

A) 10—12 фоизини;
B) 34—35 фоизини;
C) 3—5 фоизини;
D) ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгариб туриши сабабли, бу кўрсаткични аниқ ҳисоблаб бўлмайди.

**23. Қайси жавобда Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 бўгинли оммавий спорт мусобақалари номи нотўғри кўрсатилган?**

A) „Қувноқ стартлар“, „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“;
B) „Баркамол авлод“, „Универсиада“, „Академиада“;
C) „Умид ниҳоллари“, „Баркамол авлод“, „Универсиада“;
D) „Камалак“, „Янги авлод“, „Умид ниҳоллари“.

**24. 2012 йилнинг 16—17 февраль кунлари Тошкентда ташкил этилган халқаро конференция мавзуси қандай номланди?**

A) „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“;
B) „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“;
C) „Save the children“ („Болаларни асрайлик“);
D) „Юксак билимли, соғлом авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“.

**25. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда нечта қишлоқ врачлик пункти барпо этилди?**

A) 3200 дан ортиқ;
B) 10 мингга яқин;
C) 5200 та;
D) 3000 га яқин.

**26. 2011 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда нечта хорижий давлатдан мутахассислар иштирок этди?**

A) 50 га яқин мамлакатдан қарийб 350 нафар мутахассис;
B) 45 га яқин мамлакатдан қарийб 320 нафар мутахассис;

C) 40 га яқин мамлакатдан қарийб 400 нафар мутахассис;
D) 40 га яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар мутахассис.

**27. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган санани кўрсатинг.**
A) 1986 йил 23 июль;
B) 1989 йил 23 июнь;
C) 1990 йил 24 март;
D) 1990 йил 20 июнь.

**28. Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай сайланади?**
A) умумий ва тенг сайлов асосида сайланади;
B) яширин овоз бериш йўли билан сайланади;
C) Ўзбекистонда яшовчи аҳоли томонидан умумий тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади;
D) Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

**29. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича қанча халқаро ҳужжат мавжуд?**
A) 200 га яқин;
B) 300 га яқин;
C) 400 га яқин;
D) 100 га яқин.

**30. Президент И. А. Каримов „Мустақил Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли“ номли маърузасида мустақил тараққиёт йўлимизни икки даврга бўлган эди, ўтиш даври қайси йилларни ўз ичига олган?**
A) 1991—1995 йиллар;
B) 1991—2000 йиллар;
C) 1995—2000 йиллар;
D) 2001—2007 йиллар.

**31. Ўзбекистон Республикасида демократия...**
A) қонунларга асосланади;
B) қадриятларга асосланади;
C) Президент фармонлари билан тартибга солинади;
D) умуминсоний принципларга асосланади.

**32. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг республикамиз тарихчи олимлари билан суҳбати қачон бўлиб ўтган?**
A) 1998 йил 26 июнь;
B) 1998 йил 28 август;
C) 1998 йил 23 июль;
D) 1996 йил 27 декабрь.

**33. „Инсонга тарихий хотира нима учун керак?“, деган саволнинг тўғри жавобини топинг.**
A) туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмаслиги учун;
B) ўз юртида бошини баланд кўтариб юриши учун;
C) ўз маънавиятини тиклаш учун;
D) ўтмишни яхши англаб, йўлини тўғри белгилаш учун.

**34. Таниқли сиёсатшунослар Л. Левитин ва Д. Карлайл томонидан 1996 йили ёзилган асар қандай номланади?**
A) „Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти“;
B) „Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага“;
C) „Ислом Каримов ва янгиланаётган Ўзбекистон“;
D) „Ўзбек модели ва жаҳон“.

**35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми қайси ҳужжатда белгилаб берилган?**
A) 1990 йил мартдаги XII чақириқ Ўзбекистон Олий Совети биринчи сессиясининг қарорида;

B) 1991 йил ноябрда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда;

C) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-бўлим 19-бобида;

D) А, В жавоблар тўғри.

**36. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат маркази қачон қуриб битказилди?**

A) 2011 йилда;

B) 2010 йилда;

C) 2009 йилда;

D) 2008 йилда.

**37. Инқирозга қарши чоралар дастуридан кўзланган асосий мақсад:**

A) Ўзбекистонни инқироздан олиб чиқиш;

B) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш;

C) маҳалий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

D) молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

**38. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблиясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи нуфузли халқаро экспертларда қандай қизиқиш уйғотди?**

A) Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари, Қирғизистон жанубидаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари;

B) Марказий Осиёда экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари;

C) мингйиллик ривожланиш мақсадларини миллий миқёсда амалга ошириш;

D) барча жавоблар тўғри.

**39. „Ўзбек модели"нинг дунё жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишининг сабаблари.**

A) тараққиётнинг тадрижий йўл билан бориши;

B) ислоҳотларнинг инсон манфаатларига йўналтирилгани;

C) асосий мақсад ва вазифалар, мазмун ва тамойилларнинг бир-бири билан узвий боғлангани;

D) барча жавоблар тўғри.

**40. Бугунги Ўзбекистоннинг шаклланиб, ривожланишидаги муҳим босқични топинг?**

A) 1991—2000 йиллар ва 2001—2010 йилларни ўз ичига оладиган икки муҳим босқич;

B) 1991—1997, 1998—2000 ва 2001—2012 йилларни ўз ичига олган уч муҳим босқич;

C) 1991—1997, 1998—2001, 2002—2005, 2006—2012 йилларни ўз ичига олган тўрт муҳим босқич;

D) тўғри жавоб йўқ.

**41. Тошкентда „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги таълим тизими ислоҳотига бағишланган халқаро конференция қачон бўлиб ўтди?**

A) 2011 йил 25—26 ноябрда;

B) 2012 йил 16—17 февралда;

C) 2010 йил 12—13 ноябрда;

D) 2011 йил 28—29 августда.

**42. Тошкентда „Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги халқаро форум қачон бўлиб ўтди?**

A) 2012 йил 16—17 февралда;

B) 2010 йил 12—13 ноябрда;

C) 2011 йил 25—26 ноябрда;
D) 2011 йил 5—6 сентябрда.

**43. Кириб келаётган ҳар қайси йилга ном бериш анъанаси юртимизда қачондан бошланди?**

A) 1997 йил — „Инсон манфаатлари йили“ деб ном беришдан;
B) 1996 йил — „Амир Темур йили“ деб ном беришдан;
C) 1998 йил — „Оила йили“ деб ном беришдан;
D) Тўғри жавоб йўқ.

**44. Халқаро влюта фонди (ХВФ) га Ўзбекистон қачон аъзо бўлди?**

A) 1993 йил 5 сентябрда;
B) 1995 йил 10 сентябрда;
C) 1992 йил 2 мартда;
D 1992 йил 27 апрелда.

**45. „Саккизлик“ гуруҳига („Катта саккизлик“, G-8) қайси давлатлар киради?**

A) Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Россия, АҚШ, Франция ва Япония;
B) АҚШ, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Сингапур;
C) Канада, Чехия, Россия, Германия, Италия, Испания, Туркия, Япония;
D) АҚШ, Германия, Бразилия, Канада, Туркия, Таиланд, Сингапур, Жанубий Корея.

**46. Ижтимоий фаоллик — бу ...**

A) одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади;
B) айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади;
C) A ва B жавоблар тўғри;
D) жамият манфатларини четга суриб қўйиш билан намоён бўлади.

**47. Ижтимоий фаол инсон ҳақиқатни излашни, чексиз оламни „........“ ни ўз ҳаётининг мазмуни деб ҳисоблайди.**

A) англаш сифатини ошириш;
B) қадрлаш;
C) назорат қилиш;
D) тартибга солиб туриш.

**48. Рационализм — бу...**

A) объектни ва дунёнинг бутун ранг-баранглигини концепция қамровига сўзлар ва тушунчалар тарзида сиғдириши;
B) инсонни маълум нарсалар ва ҳодисалар билан боғлаб, уни номаълумни маълумга айлантиришга йўналтириб, ўзи маълум координаталар тизимида қолиши;
C) бутун мақсад биносининг пойдеворини ташкил этувчи фаолият механизмининг моҳияти;
D) барча жавоблар тўғри.

**49. Консенсусга эришиш қандай даражаларда амалга оширилади?**

A) парадигма ва фаолият дастури даражасида;
B) мактаблар ва йўналишлар даражасида;
C) индивидуал қарорлар ва келишувлар даражасида;
D) барча жавоблар тўғри.

**50. Ижтимоий фаол инсоннинг меҳнати неча қисмдан иборат?**

A) 3;
B) 4;
C) 5;
D) 2.

**51. Ижтимоий фаол инсоннинг меҳнат жараёнидаги таркибий қисмларни кўрсатинг?**

A) тамойилларни илгари суриш; мазкур тамойилларга тегишли кузатилаётган далилларни олиш учун улардан мантиқий хулосалар чиқариш;

B) кузатилаётган далилларни эксперимент ўтказиш йўли билан текшириш;
C) А ва В жавоблар тўғри;
D) тўғри жавоб йўқ.

**52. Элита сўзи қандай маънони англатади?**

A) лотинча „eligo“ „танлаш“ деган маънони англатади;
B) юнонча „eligo“ „танлаш“ деган маънони англатади;
C) лотинча „eligat“ „кузатиш“ деган маънони англатади;
D) барча жавоблар тўғри.

**53. Прометейлар — бу...**

A) янги тушунчалар, назариялар, янги фикрлаш услубларининг бунёдкорлари;
B) умумлаштирувчи хусусиятга эга кашфиётлар қилишга мойил бўлади;
C) А ва В жавоблар;
D) барча ғоялар, яъни эзгу ва ёвуз ғоялар билан қуролланган шахслар.

**54. Интеллектуал элита ўта фаоллигининг икки даврини кўрсатинг.**

A) биринчи давр 32—36 ёш, иккинчиси — 42—46 ёш;
B) биринчи давр 30—35, иккинчиси — 40—45 ёш;
C) биринчи давр 28—34, иккинчиси — 36—44 ёш;
D) биринчи давр 34—38, иккинчиси — 44—48 ёш.

**55. Интеллектуал элита — бу...**

A) зиёлиларнинг туғма эмас, балки функционал типи. У ўз зиммасига юкланган жамиятнинг маънавий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш функциясини олади;
B) жамият ва табиатнинг маънавий ва моддий ривожланишини таъминлаш функциясини ўз зиммасига олган шахслар;
C) жамиятнинг иқтисодий ва профессонал ривожланишини таъминлаш функциясини ўз зиммасига олган шахслар;
D) тўғри жавоб йўқ.

**56. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тарихий хотирасиз келажак йўқ“ асари қачон нашр этилган?**

A) 1998 йилда;
B) 1997 йилда;
C) 1996 йилда;
D) 1995 йилда.

**57. „Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир“. Президент Ислом Каримовнинг бу фикри унинг қайси асаридан олинган?**

A) „Тарихий хотирасиз келажак йўқ“ асаридан;
B) „Буюк келажак сари“ асаридан;
C) „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида“ асаридан;
D) „Юксалиш йўлида“ асаридан.

**58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида“ги Фармони қачон қабул қилинган?**

A) 1999 йил 2 мартда;
B) 1998 йил 5 апрелда;
C) 1997 йил 8 майда;
D) 1996 йил 5 майда.

**59. Ўзбекистонда нашр этилган „Хотира“ китоби неча жилддан иборат?**

A) 35 жилдан;
B) 30 жилдан;
C) 40 жилдан;
D) 25 жилдан.

**60. Тарихнинг тараққиётга таъсири ижобий бўладими ёки салбийми?**

A) ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин;
B) ижобий;

C) салбий;
D) таъсир ўтказмайди.

**61. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан қанча жасур ва мард инсонлар иштирок этган?**
A) 1,5 миллион;
B) 1 миллион;
C) 1 миллион 200 минг;
D) 800 минг.

**62. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан борган қанча аскар ҳалок бўлган?**
A) 500 минг киши;
B) 800 минг киши;
C) 600 минг киши;
D) 400 минг киши.

**63. Тошкентдаги Хотира майдони қачон барпо этилган?**
A) 1999 йилда;
B) 1998 йилда;
C) 1997 йилда;
D) 1996 йилда.

**64. 2012 йилнинг 9 майига келиб Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ўзбекистонлик уруш фахрийлари неча кишини ташкил этган?**
A) 6 минг 600 нафардан зиёд;
B) 5 минг;
C) 4 минг;
D) 3 минг.

**65. Тарихни доҳийлар яратадими ёки халқми?**
A) халқ яратади;
B) доҳий яратади;
C) ҳеч ким яратмайди;
D) доҳийлар ва халқ яратади.

**66. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш деганда нималар назарда тутилади?**
A) болаларнинг ижодий иқтидори ва қобилиятини барвақт англаш учун шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни жамлаш ва тарбиялаш тизимини такомиллаштириш;
B) „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", „Меҳр нури" жамғармаларининг Таълим грантлари ва стипендиялар ажратишга йўналтирилган дастурлари;
C) фанлар бўйича олимпиадалар, танловлар, фестиваллар ва танлов ғолибларини рағбатлантириб бориш;
D) барча жавоблар тўғри.

**67. Зулфия номидаги Давлат мукофоти қачон таъсис этилган?**
A) 1999 йилда;
B) 2000 йилда;
C) 2001 йилда;
D) 2002 йилда.

**68. Ёшларни тарбиялашдан кўзда тутилган асосий мақсад нима?**
A) ёшларнинг келажаги ҳақида қайғуриш;
B) ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;
C) ёшларни ҳар томонлама билимли қилиш;
D) ёшларни жамиятимизнинг фаол кучига айлантириш.

**69. Ёшларни касбга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш...**
A) кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини танлаш, шартнома муносабатларини кучайтиришни назарда тутади;
B) ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини тегишли корхоналарда ўташини назарда тутади;

C) таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантиришни назарда тутади;

D) таълим муассасалари билан корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини тегишли корхоналарда ўташини, мутахассислар тайёрлаш бўйича буюртмаларни ишга жойлаштириш кафолати асосида корхоналар билан ҳамкорликда шакллантиришни назарда тутади.

**70. Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қайси ҳужжатда ўз аксини топган?**

A) „Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида;

B) „Ёшлар йили" Давлат дастурида;

C) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида;

D) „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда.

## ГЛОССАРИЙ

**АҲОЛИНИНГ НАТУРАЛ ДАРОМАДЛАРИ** — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, сабзавот-полиз экинлари, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлар.

**АҲОЛИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ** — бу аҳолининг барча пул маблағлари тушуми: пенсия, стипендия, нафақа; мулкдан фоиз, дивиденд, рента, акция, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва моллари, томорқа маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган, турли хизматлар кўрсатишдан келадиган пул тушумларидир.

**АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни аҳоли ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

**АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмуидир.

**БАНДЛИК** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**ДАРОМАД** – бу ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг уни ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан ошиши, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва улар томонидан ўзлаштирилган улуши.

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ** – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

**ИСТЕЪМОЛ** – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, аҳолининг иқтисодий талабларини ижтимоий маҳсулот билан қондириш жараёни.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ** – „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури „Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, таълим соҳасидаги миллий тажриба жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни давлат, жамият ва оила олдида масъулиятни ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

**МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР** – мамлакат иқтисодиётидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берадиган кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ** – кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги „2004—2009 йилларда мактаб таъли-

мини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ кучга кирган. Мазкур Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрда ПФ-3661-сонли Фармонига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

**МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ** – шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

**САЛОМАТЛИК** – инсонда нафақат касаллик ва бошқа жисмоний нуқсонларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан қониқарли ҳолатдир.

**ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** – аҳолининг зарурий моддий, номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиш ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

**ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ** – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

**ЭРОН АХОМАНИЙЛАРИ** – мил. ав. VII аср бошларида форсларнинг нуфузли оилалари вакили Ахоман Эронда ўз сулоласига асос солади. Ўрта Осиёга бостириб кирган Кир II ва Доро шу сулола вакиллари бўлгани учун тарихда Эрон ахоманийлари номи билан қолган.

**ТЎМАРИС** – массагетлар етакчиси. Айрим манбаларда туморли қиз бўлса керак деб тахмин қилинади.

**ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН** – македониялик Александрга ўрта осиёликлар берган ном (икки шохли Искандар) маъносида.

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ** – 1221–1231 йилларда мўғулларга қарши озодлик курашига бошчилик қилган буюк саркардамиз. Асл исми Жалолиддин Манқбурни. Саркарданинг яқин сафдоши Шаҳобиддин ан-Насавийнинг таърифича унинг бурни олдида қора холи бўлган. Манқбурни сўзи ҳам шу бурун олдидаги хол билан боғлиқ бўлиши мумкин.

**МУАЛЛИМИ СОНИЙ (Иккинчи муаллим)** – буюк аллома Абу Наср Форобийга дунё илм аҳли томонидан берилган ном.

**НКВД (ўзбекча ИИХК)** – советлар давридаги Ички ишлар халқ комиссарлиги.

**МҚ** – Марказий Қўмита.

**МУБОРАК ҚАДАМЖОЛАР** – буюк аждодларимиз, азиз авлиёларимиз қадами текка ва улар дафн этилган жойлар, зиёратгоҳлар.

**ГЛОБАЛ (УМУМБАШАРИЙ) МУАММОЛАР** – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир. Глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади. Глобал муаммолар янги уруш хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология, Орол муаммоси ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. Глобал муаммолар тизимидаги экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсоният учун катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланмоқда. Глобал муаммолар ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний ахлоқ тамойилларига амал қилишни, ошкораликни, ҳамжиҳатликни, инсон ақл-идрокини эзгу ишларга йўналтириш, шу асосда инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашга эришишни тақозо этади.

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ (1939–1945)** – Германия, Италия ва Япониянинг айби билан бошланган жаҳон тарихидаги энг йирик уруш. 20-аср фожиаси сифатида инсон тарихига кирди. Мазкур урушда ўзбекистонлик кўплаб жангчилар ҳалок бўлганлар.

**МАЪРИФАТ** – (арабча „арафа" – „билмоқ" сўзидан) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. „Маърифат" тушунчаси „маънавият" ва „маданият" тушунчалари билан чамбарчас боғланган; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

**МАҲАЛЛА** – (арабча „маҳалла" – жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма.

**МУСТАҚИЛЛИК** – давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муно-

батларда етакчи, ҳукмрон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан биридир. У БМТ Устави ва халқаро шартномалар ва декларацияларда мустаҳкамлаб қўйилган.

**ТАРИХ** – 1) табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ривожланиш жараёни. Шу маънода оламнинг яратилиш тарихи, Ер тарихи, барча фанлар тарихи ва бошқалар тушунилади; 2) инсоният ва унинг маҳсули бўлган тамаддунлар ривожи, жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиёти жараёнини ўрганувчи фан.

**ТАРИХ ФАНИ** – инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни (жамият ривожини) яхлит бир тарзда ўрганади. Тарих фани ижтимоий-гуманитар фанлар (фалсафа, социология, иқтисод, психология, санъатшунослик ва б.) тизимининг таркибий қисми. Тарих фанининг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари билан белгиланади. Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, тарих фанининг тадқиқот объекти — аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозири ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, Тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тарих тадқиқотлари натижаларига таянади. Фанлараро ёндашув жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириб, ўтмиш ва ҳозирни англаш орқали жамият ривожи истиқболини кўра билишдек муҳим вазифани ҳал қилади.

**ХОТИРА** – атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқи ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлага йўналтирилган мнемик хотира, фаолият.

**ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИ** – Тошкент шаҳридаги меъморий мажмуа; 1999 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида барпо этилган. Мустақиллик майдони шимолидаги хиёбонда, мангу аланга ёдгорлиги атрофида жойлашган бўлиб, майдон кенглигини давом эттириб туради. Майдоннинг тўрига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган (ҳайкалтарош И. Жабборов). Хиёбоннинг узунлиги 60 метр, унинг шимолий ва жанубий томонида айвонлар қад кўтарган, айвонлар токчаларига ўрнатилган металл тахталарга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифи битилган. Айвонлар миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, вассажуфтли қилиб қурилган.

**ҚАДРИЯТ** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсон учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади.

**МАДАНИЯТ** – „Маданий“, „шаҳарлик“ деган маъноларни билдиради. Кейинчалик „Маърифатли бўлиш“, „Тарбияли“, „Билимли бўлиш“ маъноларида ишлатилган.

**МАЪНАВИЙ МЕРОС** — қадим замонлардан бери аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар — сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир.

**МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ** – муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

**ҚАДРИЯТЛАР** – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

**УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ** – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

**МИЛЛИЙЛИК** – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**МЕНТАЛИТЕТ** – (лотинча „mens“ – ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

**ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК** – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

**ШОВИНИЗМ** – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

**ИРҚЧИЛИК** – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайриилмий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекам-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

**МИЛЛАТЧИЛИК** – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** – иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашув жараёни.

**ИСЛОМ** – арабча сўз бўлиб, „худога ўзини топшириш“, „итоат“, „бўйсуниш“ маъносини англатади.

**СИЁСАТ** – юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. Сиёсат – катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлари соҳасидаги фаолиятни англатади.

**ИҚТИСОД** – мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир.

**МИЛЛИЙ МАНФААТ** – шахс, жамият ва давлатнинг прогрессив тараққиётидаги ҳаётий муҳим манфаатлар йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон миллий манфаатлари бу – фуқаро, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмасидан, иқтисодий ҳаёт даражасидан, тарихий-географик жойлашувидан, миллий ва маданий урф-одатлардан келиб чиққан объектив эҳтиёжлардир. Манфаатлар ижтимоий фаолиятнинг кўп қирралилиги ва кўп жиҳатлилигига асосланиб: иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, технологик, информацион, экологик соҳаларда акс этадилар. Миллий манфаатлар асосида давлатнинг бошқарув идоралари ва институтлари томонидан шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш истак ва мақсадларини акс эттурувчи давлат сиёсати мақсадлари ишлаб чиқарилади ва шакллантирилади. Миллий манфаатлар моҳияти миллий қадриятлар асосида белгиланади.

**ДЕМОКРАТИЯ** (юн. demos – халқ ва ...кратия) – фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократиянинг асосий талаблари: кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлиги, конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органлар-

нинг сайлаб қўйилиши. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.

**ИСТИҚЛОЛ** (араб. – озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) – инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифодаловчи тушунча. „Истиқлол“ сўзи „мустақиллик“ сўзининг ўзаги ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар давомида қўлланиб, ўзбек халқи тафаккурига сингиб кетган. Мустақилликка эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айлангани, яъни бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи бошқариш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш каби тамойилларнинг тўла амалга ошганини билдиради.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лот. constitutio – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади.

**МИЛЛАТ** – узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

**МИЛЛИЙ ҒОЯ** – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради.

**МОНАРХИЯ** (юн. monarchia — яккаҳокимлик) – давлат бошқаруви шакли. Бунда давлат бошлиғи монарх ҳисобланади. Монархиянинг 2 тури мавжуд: мутлақ (абсолют) монархия, бунда монархнинг тўла ҳокимиятини чеклайдиган бирон-бир давлат органи бўлмайди; конституциявий монархия, бунда монарх ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган муайян ваколатли орган билан чекланган бўлади, яъни қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради.

**РЕНЕССАНС** (франц, renaitre – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ) – Марказий Осиё, Эрон, Хитой (IX–XII ва XV асрлар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври. „Ренессанс“ атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (XIV—XVI асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнон-рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизгин куйлаш; инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди.

**СУВЕРЕНИТЕТ** (франц. souverainete – олий ҳокимият) – ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Суверенитетни ҳурматлаш – халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий принципи. У БМТ Устави ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқ фанида давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** – конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворли-

ги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадилар.

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ КОНЦЕПЦИЯСИ** – информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси.

**БАШОРАТ** – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

**ГЛОБАЛИСТИКА** – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

**ИДЕАЛ** – мутлақ баркамоллик ва бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

**ИЖТИМОИЙ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ** – келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутади.

**ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК** – одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади. Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ИНСОН** – тафаккурида ақл ва антиақл, маъно ва маъносизлик, мўлжал ва тасодиф, онг ва онгсизлик, инсонпарварлик ва антигуманизм яхлит ҳолда мужассамлашган инсон. Ноаниқлик, бемулоҳазалик ва ёлғон-яшиқлар майдонидаги жангчи.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЭЛИТА** – зиёлиларнинг тугма эмас, балки функционал типи. Интеллектуал элита танқидий, мустақил фикрлаши билан тавсифланади. Эрта ривожланиш ва катта қобилиятга эгалик эмпирик мезон бўлиб хизмат қилади. Интеллектуал элита масалаларини ўрганишга бағишланган коллектив монография муаллифлари қайд этганидек, „туғма қобилият ўз ҳолича ҳеч нарсани ҳал қилмайди".

**МАҲАЛЛИЙ МУАММОЛАР** – бу тушунча юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

**МИЛЛИЙ МУАММОЛАР** – бу тушунча ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

**МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР** – айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади.

**ПРОГНОЗ ҚИЛИШ** – бу махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни.

**ФЕНОМЕН** – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

**ЭКОЛОГИЯ** – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

**ЭКОЛОГИК МУАММО** – жонли организмларнинг атроф-муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

**ЭЛИТА** – (лотинча „eligo" сўзидан) „танлаш" деган маънони англатади. Ўз-ўзидан равшанки, зиёлиларнинг ранг-баранг қатламида уларнинг сара нусхалари ва типажлари алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли зиёлилар қатлами муҳитида интеллектуал элита доимо мавжудлигини дадил тахмин қилиш мумкин.

**ЭТНОГЕНЕЗ** – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

**ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ** – ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

**ТАРАҚҚИЁТ** – нарса ва ҳодисаларнинг орқага қайтмас йўналишга эга қонуний ўзгаришидан иборат. Тараққиёт борлиқнинг энг умумий хоссаларидан бири бўлиб, у нарсанинг янги сифат ҳолатига ўтишида таркиби ва тузилишининг хоссалари, алоқалари ва муносабатларининг ўзгаришида ва шу кабиларда ўз ифодасини топади. Ҳар қандай тараққиёт реал вақтда содир бўлади ва бунинг орқага қайтмас йўналишга эга ўзгариш эканини намоён қилади.

**ҚАДРИЯТ** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият ва моддий-маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар қадрият ҳисобланади.

**ХОТИРА** – тасаввур ва тушунчаларнинг ҳиссиётдан сўнг сақланиб қолиши, бошқача айтганда, бу тасаввурлар, образлар сақланадиган жойдир. Фикрлаш жараёнида хотира бўлмаганда эди, инсон хулоса, ҳукм чиқара олмас, импер్ик ҳаётдан бошқани билмас эди. Хотира психологияда индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиши, бу сақлаб қолиш мазкур натижаларни кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаб, тизимларга бирлаштириш имкониятини беради, у воқеликнинг муайян индивид томонидан тузилган психик моделлари руҳий намуналарининг мажмуидир. Хотира тафаккур ва ундан ҳосил бўлган фаолият турлари билан маҳсулнинг жараён билан алоқаси каби боғлиқ бўлади.

**ТАФАККУР** – объектив олам инъикосининг олий шакли, тушунчалар, назариялар ва ҳоказоларда нарса ва ҳодисаларнинг муҳим богланиш ва алоқаларини акс эттириш, янги назария, гоялар яратиш, бўлажак жараёнларни башорат қилиш кабиларда намоён бўладиган фаол жараёндир. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир. Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир.

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** – миллий ўз-ўзини англаш ҳар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишидир. Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланиши муайян, нисбий, юқори босқичининг мезони ҳисобланади.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** – Низомиддин Мир Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир, мутафаккир ҳамда давлат арбоби. У 1441 йил 9 февралида Ҳирот шаҳрида туғилиб, 1501 йил 3 январида она шаҳрида вафот этди. У бизга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Ўзбек тилидаги ғазаллари 2600 дан ортиқ. 6 та достон ёзган. Мукаммал асарлари 20 жилдда чоп этилган.

**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ** – 1875 – 1919 йилларда яшаган. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан. Халқни маърифатга чорлаган ва маърифатни миллий озодликка эришишнинг асосий омили, деб ҳисоблаган.

**МАЪНАВИЯТ** – арабча „маънолар мажмуи“. Кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур ва тушунчалари мажмуи. Маънавият „мафкура“, „тафаккур“ тушунчаларига яқин ва улар бир-бирини тақозо этади. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган восита саналади. Маънавият маънавий бойликлар, қадрият-

лар давлат, халқ, миллат, жамият, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди.

**ИНСОН** – киши, унинг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжларининг қондирилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита боғлиқдир. Жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон ҳам унга мос бўлади. Инсон – дунёда энг мураккаб, олий мавжудот, Яратганнинг юксак маҳсули, ҳаёт гули. Инсоннинг бебаҳолиги – унинг ақл-идрок ва тафаккурга эга эканида.

**АРМИЯ** – давлат қуролли кучлари мажмуаси.

**БИРЛАШМА** – таркибига бир неча қўшилма ёки кичик таркибли бирлашмалар, шунингдек, алоҳида қисм ва муассасалар киритилган ҳарбий тузилма.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** – одамларнинг мамлакатига бўлган муносабати ва ҳаракати билан Ватан манфаатига хизмат қилиш ва душмандан ҳимоя қилишга интилишни намойиш этувчи ижтимоий ва ахлоқий тамойил.

**ГВАРДИЯ** – қўшинларнинг сараланган имтиёзли қисми. Дастлаб Францияда (XV аср боши) пайдо бўлган.

**ЖАНГОВАР ШАЙЛИК** – қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини белгиланган муддатда бошлай олиш қобилиятини ва қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи ҳолати.

**МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ** – ўз тасарруфидаги қўшинлар бошқарувини амалга оширувчи, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатини юритувчи вазирлик.

**ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН** – давлат Қуролли Кучларининг, одатда уруш давридаги бош қўмондон.

**ЧЕГАРА РАЙОНИ** – чегара қўшинларининг ҳарбий-маъмурий ва оператив бирлашмаси.

**ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР** – ҳужум ёки мудофаа урушларини олиб бориш мақсадида давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган қўшилмаси, сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим қуролларидан бири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ** – мамлакат миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, урушлар ва қуролли можароларни қайтариш, олдини олиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб туриладиган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмлардир.

**ҲАРБИЙ ДОКТРИНА** – давлатда эҳтимолий уруш мақсади ва хусусиятларига, ушбу урушга қуролли кучлар ва ялпи мамлакатни тайёрлашга қарашларнинг жорий вақтидаги тизими. Ҳарбий доктрина эҳтимолий урушда қандай душманга қарши кураш олиб бориш, давлат иштирок этиши лозим бўлган ёки кутилаётган уруш мақсади ва хусусиятлари, қуролли кучлар қурилиши, уларнинг жанговар ҳаракатларга тайёргарлиги, қуролли кучлар қўлланилиши ва юритиладиган жанговар ҳаракатлар усулларини белгилаб беради.

**ҲАРБИЙ ОКРУГ** – қўшилма, ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим муассасалари ҳамда турли ҳарбий идораларнинг (ҳарбий савдо, уй-жойдан фойдаланиш қисмлари, таъмирлаш заводи ва устахоналари, ҳарбий шифохона, омборхона ва шу кабилар) умумқўшин бирлашмаси.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: „Ўзбекистон", 2010 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг „Мудофаа тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири), 2001 йил 11 май.

3. Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуни, 2002 йил 12 декабрь.

4. *Каримов И.А.* Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т.: „Ўзбекистон", 2012 й.

5. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1996.

6. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: „Шарқ", 1998.

7. *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: „Маънавият", 2008.

8. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон", 2011.

9. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: „Ўзбекистон", 1997 й.

10. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. – Т.: „Ўзбекистон", 2005, 11-б.

11. *Каримов И.А.* Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. – Т.: „Ўзбекистон", 2011 й. 19-жилд.

12. *Каримов И.А.* БМТ саммити. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги сўзланган нутқ // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

13. *Каримов И.А.* 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

14. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1997.

15. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. // „Халқ сўзи". 2010 йил 13 ноябрь.

16. *Каримов И.А.* Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: „Ўзбекистон", 1998.

17. *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1999, 290-б.

18. *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: „Ўзбекистон", 1998.

19. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1996.

20. *Каримов И.А.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. 1-жилд, –Т.: „Ўзбекистон", 1996.

21. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 7-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 1999.

22. *Каримов И.А.* Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: „Ўзбекистон", 2003.

23. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, – Т.: „Ўзбекистон", 2005.

24. *Каримов И.А.* Аҳмад Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд, – Т.: „Ўзбекистон", 1999.

25. *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: „Ўзбекистон", 2007.

26. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2009 йил, 6 декабрь.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.– Т.: „O'qituvchi" НМИУ, 2012.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат Дастури тўғрисида“ ги 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида“ги 2009 йил 3 августдаги Қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2010 йил 17 июнь Қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида“ги 2011 йил 27 декабрдаги № ПҚ-1668 сонли Қарори.
32. Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги Қонуни, 1993 йил, 29 декабрь.
33. Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир: [Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси] //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2007, 11 декабрь.
34. *Аббосхўжаев О.* Мустақил бўлсанг — мустақил бўл, Давлат бўлсанг — давлат бўл!/ Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Т.: „Ўзбекистон“, 2001.
35. *Абдуқаҳҳор Иброҳимов.* Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўз боши: И.Ғафуров. – Т.: „Шарқ“, 2001.
36. *Абдураҳмонов А.* Улуғбек академияси. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993. 12-бет.
37. *Абдулла Авлоний.* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: „Ўқитувчи“, 1992.
38. *Абдуқаҳҳор Иброҳимов.* Ёруғлуғ. – Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2006.
39. *Айтматов Ч., Шохонов М.* Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. – Т.: „Шарқ“. 1998.
40. *Алишер Навоий.* Ҳайрат ул-аброр [Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Сўз боши муаллифи А. Ҳайитметов; Масъул муҳаррир: В. Раҳмонов]. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат“ нашриёти, 1989, 76-бет.
41. *Алишер Навоий.* Фарҳод ва Ширин: (Насрий баёни билан) – Т.: Ғ.Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат“ нашриёти, 1989.
42. *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 8-жилд. Фарҳод ва Ширин. – Т.: „Фан“, 1991. Аминова М. Ёшларда мустақил тафаккурни ривожлантириш муаммолари: [Юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида] //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005, №1. 29-жилд.
43. *Алишер Навоий.* Тарихи анбиё ва ҳукамо: (Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи): (Сўз боши Б. Валихўжаев ва Қ.Тоҳировники). – Т.: Самарқанд: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
44. *Алишер Навоий.* Қаро кўзим. / (Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи: М. Раҳматуллаева; Масъул муҳаррир: В. Раҳмонов). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат“ нашриёти, 1987.
45. *Алишер Навоий.* Садди Искандарий: (Насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Қ.Тоҳиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат“ нашриёти, 1991.
46. *Ашраф Аҳмедов.* Улуғбек: ҳаёти ва фаолияти (1394—1449). – Т.: „Фан“, 1991. 61-бет.
47. *Ашурова З.* Шу замоннинг ёшлари: [Ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштироки ҳақида] // Халқ сўзи. 2005 йил 10 март.
48. *Аҳмедов Б. А.* Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари: (Қадимги ва ўрта асрлар): Олий ўқув юртларининг тарих факультети талабалари учун қўлланма. – Т.: „Ўқитувчи“, 1991.
49. *Аҳмедов Б.* Амир Темурни ёд этиб. – Т.: „Ўзбекистон“, 1996.
50. *Беҳбудий М.* Туркистон тарихи керак. „Ойна“, 1914 йил, 38-сон.
51. Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2011.
52. *Валихўжаев Б.* Хожа Аҳрор тарихи: Тарихий-оммабоп бадиҳалар. – Т.: „Ёзувчи“, 1994. 77-бет.
53. *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор.* Табаррук рисолалар. // Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. – Т.: „Адолат“, 2004.
54. Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Т.: „Ўзбекистон“, 2001.
55. Великий ученый средневековья ал-Хоразми. Материалы юбилейной научной конференции, посвященной 1200-летию со дня рождения Мухаммада ибн Мусы ал-Хорезми. – Т.: „ФАН“, 1985.
56. *Воҳидов Р.* Биз билган ва билмаган: (Адабий ўйлар). – Т.: „Маънавият“, 1999.
57. *Гегель Г.* Философия право. Изд-во. –М.: „Мысль“, 1990.
58. *Генон Р.* Кризис современного мира. – М., 1991.
59. *Горев А.В., Зимянин В.М.* Неру. 2-е изд. – М.: „Молодая гвардия“, 1988.
60. *Гудков Л., Дубин Б.* Интеллигенция. – М., 1995.
61. *Демидов С.М.* Постсоветской Туркменистон. – М.: „Наталис“, 2002.

62. *Джавахарлал Неру.* Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 1. – М.: „Прогресс“, 1977.
63. *Джавахарлал Неру.* Открытие Индии. Кн. 1. Пер. с англ. – М.: „Политиздат“, 1989.
64. Доклад о развитии человека 2010 — Реальное богатство народов: пути к развитию человека. ПРООН, 2010. С. 22.
65. *Жўраев Н.* Агар огоҳ сен... – Т.: „Шарқ“. 1996.
66. *Жўраев Н.* Тафаккурдаги эврилиш. – Т.: „Шарқ“. 2001.
67. *ЖўраевН.* Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: „Маънавият“. 2008.
68. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* „Бобурнома“. – Т.: „Шарқ“, 2002.
69. *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача. – Т.: „Шарқ“, 2001.
70. *Иноятов И.Ю., Жуманазаров Х., Қурбонов Р.Ю.* Мустақиллик ҳимоясида. – Т.: 2003.
71. *Иноятов И.Ю., Абилов М.Х.* Ватан ҳимояси муқаддас бурч. – Т.: „Ўзбекистон“, 2001.
72. Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ. Халқ сўзи. 2012 йил 10 май.
73. *Ирисов А.* Ҳаким Ибн Сино. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: „Ўзбекистон“, 1992.
74. *Йўлдошев А.* Жавоҳарлаъл Неру. // Масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев. – Т.: „Фан“, 1989.
75. *Каримов Э.* Хўжа Аҳрор: Ҳаёти ва фаолияти / Масъул муҳаррир: Д. А. Алимова. – Т.: „Маънавият“, 2003.
76. *Кёниг Х.* Ўзликни англаш ва хотира. Тарих ва ўзликни англаш IV: Минтақавий интеграция ва тарих. – Т.: 2008.
77. Куч — билим ва тафаккурда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006—2007 ўқув йили Давлат стипендиантлари: [Магистратура йўналишида таҳсил олаётган Президент стипендиясига сазовор бўлган ёшлар ҳақида] //Халқ сўзи. 2007 йил 9 февраль.
78. *Мамадазимов М.* Улуғбек ва унинг расадхонаси. – Т.: „Ўзбекистон“, 1994.
79. *Манзурова Н.* Ўзбекистоннинг таълим соҳасида танлаган йўли хорижда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. // Маърифат, 2012 йил 15 февраль.
80. *Махмудов Р.* Обеспечение безопасности и стабильности на пространстве ШОС (Правовая база и перспективные направления взаимодействия)//Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. – Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. 94—95 стр.
81. Measuring human development. New York. 2007. - P. 2.
82. „Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш тўғрисидаги маъруза“. 2010 йил.
83. *Миркарим Осим.* Карвон йўлларида: – Т.: Ғ.Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат“ нашриёти, 1987 й.
84. *Муҳаммад Ҳайдар мирзо.* Тарихи Рашидий. / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова. Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов. – Т.: „Sharq“, 2010.
85. *Муҳаммад Хоразмий.* Танланган асарлар: Математика, астрономия, география [Масъул муҳаррирлар: С. Ҳ. Сирожиддинов, У. И. Каримов, М. М. Хайруллаев]. – Т.: „Фан“, 1983.
86. *Мўминов И.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли: – Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА „Фан“ нашриёти, 1993.
87. *Наршахий.* Бухоро тарихи. – Т.: „Камалак“, 1991.
88. *Низомиддин Шомий.* Зафарнома. – Т.: „Ўзбекистон“, 1996.
89. *Обиджон Анвар.* Ютуқ ва қувончлар пойдевори /2008 йил — Ёшлар йили //Халқ сўзи. 2008 йил 4 январь.
90. *Орипов А.* Танланган асарлар: 4 жилдлик – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
91. *Отахўжаев А.* Абу Али ибн Сино (рисола) / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: Қ. К. Ражабов. – Т.: „ABU MATBUOT-KONSALT“ нашриёти, 2011.
92. *Отахўжаев А.* Абу Райҳон Беруний (рисола) / лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: Қ. К. Ражабов. – Т.: „ABU MATBUOT-KONSALT“ нашриёти, 2011.
93. *Поликарпов В. С.* Философия безопасности. С.-Петербург, Ростов на Дону — Таганрог. Изд-во „ТРТУ“. 2001.
94. Президентга мактублар. – Т.: „Маънавият“, 2006.
95. *Руи Гонсалес Де Клавихо.* Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403—1406) – Т.: „O‘zbekiston“, 2010.
96. *Сирожиддин Саййид.* Кўнгил соҳили: Тўртликлар. – Т.: „Ўзбекистон“ Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
97. *Содиқов Ҳ.Ж., Иноятов И.Ю.* Армия — давлат таянчи, тинчлик кафолати. – Т.: „Шарқ“, 2004.
98. *Султонов Т.* Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва улар билан ишлаш усуллари: [Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртида ўқиётган истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш ҳақида] // Илм сарчашмалари. 2003. 4-сон, 51—54-бетлар.

99. Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт/„Халқ сўзи“, 2012 йил, 12 май.
100. Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш – бугунги ҳаётнинг ўткир талаби./ „Халқ сўзи“, 2012 йил 15 май.
101. Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт. /„Халқ сўзи“, 2012 йил 12 май.
102. Темур тузуклари – Т.: Ғафур Ғулом номидаги „Адабиёт ва санъат нашриёти“, 1991.
103. *Файзиев Т.* Темурийлар шажараси. – Т.: „Ёзувчи“, 1994.
104. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Т., „Шарқ“ 2004.
105. *Хайруллаев М.М.* Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.– Т.: „Фан“, 1994.
106. „Халқ сўзи“ газетаси. 2007 йил 8 декабрь №243 (4396).
107. „Халқ сўзи“, 2012 йил 22 февраль.
108. *Ҳасанова М.* Ўзбекистон келажаги — ёшлар қўлида /Жараён//Ҳуқуқ. 2002 йил 31 июль.
109. *Ҳерман Вамбери.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
110. *Хидирова Б.* Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилса арзийди// „Халқ сўзи“, 2011 йил 25 ноябр.
111. Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. – Т.: „Ўзбекистон“, 2010.
112. *Ғойибназаров Ш.* Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: „Ўзбекистон“, 2009 й. 97-бет.
113. *Қориева М.* Ёшлар — ҳал қилувчи куч: [Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши ҳақида] //Миллий тикланиш. 2008 йил 9 январь.
114. *Қурбонов Д.* Урегулирование афганской проблемы: инициатива Республики Узбекистан по формированию миротворческой группы „6+3“ //Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. – Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. 112 стр.
115. *Шарафуддин Али Йаздий.* Зафарнома. – Т.: „Шарқ“, 1997.
116. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин-Солиқ. Таҳрир ҳайъати: А. Абдувоҳитов, А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. – Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2004.
117. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги „Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 21-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил, 4—5-сонлар.
118. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши, 2011.
119. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: „Ўзбекистон“, 2011.
120. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон.
121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992—1993 йилларда қабул қилган Фармонлари.
122. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 5 май // Халқ сўзи, 2010 йил 6 май.
123. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
124. Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги Қонуни. 1993 йил, 29 декабрь.
125. „Ўзбекистон — дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга“ // „Халқ сўзи“, 2011 йил 4 октябрь.
126. „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: „Ўзбекистон“, 2012.

## МУНДАРИЖА


СЎЗ БОШИ .......... 3

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ, ИНСОННИ ҲАЁТЛИК ДАВРИДА ҚАДРЛАШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ ФАЗИЛАТ *(Қ.Эргашев, И.П. Шодмонқулов, И.А.Абдураҳмонов)* .......... 8

ЎТМИШДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН *(Н.Т. Полвонов)* .......... 20

МУРАККАБ ДУНЁНИНГ МУРАККАБ МАНЗАРАСИ *(А.М. Маннонов, У.Ю. Идиров)* .......... 26

МИНТАҚАДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК МУАММОЛАРИ *(Н.Қ. Жўраев)* .......... 33

ИНСОН ОМИЛИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ *(А.Ш.Бекмуродов, У.В. Ғафуров, Ш.И. Мустафақулов)* .......... 44

ТАРИХНИ ДОҲИЙЛАР ЯРАТМАЙДИ, ТАРИХНИ ХАЛҚ, ИНСОН ЯРАТАДИ *(Д.Б. Бобожонова, Н.Д. Жўраева, Б.Н. Исоқов)* .......... 60

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАР ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН ТАН ОЛИНМОҚДА *(А.Мухторов, Т.Султонов, А.Н. Раҳмонов)* .......... 70

ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ АНГЛАШ ВА ЁН-АТРОФДА БЎЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ *(А.Маврулов)* .......... 93

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМИЗ *(М.М. Қаҳҳорова, Г.С. Исабаева, Н.Т. Қалқонов)* .......... 97

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУРИ ВА ТАЯНЧИ *(И. Иноятов, О.З. Муҳаммаджонов)* .......... 106

ТЕСТ САВОЛЛАРИ .......... 122

ГЛОССАРИЙ .......... 131

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ .......... 139

66.3(5Ў)
Ў-32

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Тошкент: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. — 144 б.

ISBN 978-9943-02-506-6

УДК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)

Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:

А.Ш. БЕКМУРОДОВ, М.М. КОМИЛОВ,
У.В. ҒАФУРОВ, Ш.И. МУСТАФОҚУЛОВ

Муҳаррир *Л. Жўраев*
Бадиий муҳаррир *Ш. Хўжаев*
Техник муҳаррир *С. Набиева*
Саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*
Мусаҳҳиҳлар: *М. Ибрагимова, З. Ғуломова*

Нашриёт лицензияси AI № 161.14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 23.08. 2012.
Бичими 60x84/$_8$. Кегли 11 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Офсет қоғози. Шартли б.т. 18,0. Нашр т. 14,22. 3000 нусхада. Буюртма № 145-12.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30-уй. // Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома № 07-64-12.